

Азимроқ АЗИЗ СУЗИ



Самарқанд. Кўҳна дунё тамаддунининг қадимий ва бетакрор шаҳри. Илк давлатчилик кўринишларидан ҳисобланмиш Сўғдиёнанинг пойтахти. Рим, Бобил, Афинанинг тенгдоши. Соҳибқирон Амир Тему́р салтанатининг маркази. Олимлар сарвари Мирзо Улуғбекни само билан сирлаштирган беназир макон. Унинг барча кутбларгача доврўғи етган олиму фозиллари, ижодкорлари, ҳукмдорлари ҳақида ёзиб адо этиш қийин.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 2005 йил 25 октябридаги қарорига мувофиқ Самарқанднинг 2750 йиллик санаси эътироф этилди. Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 25 июлдаги қарорига кўра шу йил август ойининг сўнгида бу қутлуғ юбилейни нишонлаш кўзда тутилган.

Зеро, Мустақиллик даври — ўн олти йил ичида Самарқандда катта ўзгаришлар содир бўлди. Қадимий обидалар бирма-бир чиройли таъмир қилинди. Шаҳарнинг замонавий қиёфаси кескин ўзгарди, кўрқига кўрк қўшилди. Янги иншоотлар қад кўтарди. Айтиш жоизки, Тошкентда, бошқа вилоятлар марказларида бўлгани каби муҳтарам Президентимизнинг саяё-ҳаракати, ташаббуслари билан Самарқандда ҳам шаҳарсозлик янги мақомга кўтарилди. Кенг ва бежирим кўчалар, замонавий иншоотлар, шу билан бирга саноат корхоналари қурилиб, таъмирланиб ишга туширилди. Юзлаб иш ўринлари барпо этилди. Маҳаллий хунармандчилик янгидан эътибор топди, нуфуз қозонди.

Шу йилнинг 24-26 май кунлари Самарқандда “Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тугган ўрни” мавзусида халқаро илмий симпозиум ўтказилди. Анжуманга турли чет давлатлардан ўттизга яқин нуфузли мутахассис олимлар ташриф буюриб, жамоатчилик учун қимматли аҳамиятга эга маърузалар ўқилди.

Айтиш ўринлики, Ватанимиз салоҳиятининг асосий қисмини қишлоқ жойлари, халқ хўжалигининг асосини қишлоқ хўжалиги банд этгани учун марказий шаҳарларни деҳқонлар улуши ҳамда кўмагисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Худди шунингдек марказ ҳам туманлардаги ижтимоий шароитни яхшилаш йўлидан боради. Вилоят раҳбариятининг бу борадаги ҳаракати, омилкорлиги туфайли қишлоқ хўжалигида жиддий ютуқлар қўлга киритилди.

Вилоятда бугунги кунда юртимизга таниқли ижодкорлар фаолият кўрсатишади. Самарқанд тупроғида улғайган Мурод Муҳаммад Дўст, Азим Суюн, Хуршид Даврон, Йўлдош Эшбек, Аҳмад Аъзам, Абдуқаюм Йўлдошев, Асад Дилмурод, Муҳиддин Омон, Ўктам Мирзаёв, Уйғун Рўзиев, Фармон Тошев, Нурулло Остон, Жамол Сирожиддин, Олқор Дамин, Исмоил Шомуродов, Дилором Исмоилова сингари ижодкорлар билан бугунги ўзбек адабиёти ҳақли равишда фахрланади.

Журналимиз йўналиши адабий бўлгани туфайли вилоятнинг барча жаҳаларини қамраб олувчи мақолаларни сиғдиришга имкониятимиз йўқ.

Зотан, бизни тушуниб, ўз вақтида қўллаб-қувватлагани учун вилоят раҳбариятидан мамнунмиз.

Самарқанд шаҳри ва вилоятининг муваффақияти, обрўйи ошиб бораверсин!

Иўлдош ЭШБЕК

Нозбўйлардай соқоллари селжиллар

ЎЗБЕКИСТОН БОҒЛАРИ

Бу боғлардан хушбўй саринлик келур,
Жаннатий салқинлик келур соядан.
Кимнинг юрт боғидан ҳислари селдур,
Ушадир давлатманд, озод, бой одам.

Супаларга сув сепганда келинлар,
Келар эди тупроқ тафти, ер ҳиди.
Нозбўйлардай соқоллари селкиллаб,
Чоллар бош тебратиб, завқ туяр эди.

Табассум қилсалар ёришарди ой,
Ва ханда отсалар сапчиб кўярди,
Осмонда қолмасди бирор синиқ жой,
Юртда қолмас эди ҳеч кўнгли ярим.

Қайда ўша қишқи, кўкламги пок лой,
Қани ўша қишлоқ, кузги соф чанглари?!
Ҳамма ёқ қум сувоқ, ҳатто тиниқ сой...
Бу гапни ҳаттоки товуклар англари.

Ортга қайтмоқ эмас, менинг тилагим —
Хотира кўйинига эди саёҳат,
Соғинчдан энтикар гоҳо юрагим,
Ўша поклик қолса, қолса диёнат.

Токи ярим кўнглим тўлсин бус-бутун,
Зора ярим кўнглим бўлса бус-бутун.
Шўкрона туяйин чоллар сафида,
Токи ловулаган шу кўёш учун,
Тўлажак ой учун айтай қасида.

Кимнинг юрт боғидан ҳислари селдур,
Ушадир давлатманд, озод, бой одам,
Бу боғлардан хушбўй саринлик келур,
Дилором салқинлик келур соядан.

СЕН

Ой бўлмас,
Юлдуз бўлмас,
Коинотдан ташқари
Юрт дуз бўлмас.

Коинотдан ташқари
Ташқари бўлмас.

Сен менинг Нури Диёрим
Диёри Нурим.
Коинотдан ташқари

Сен менинг ташқаримсан
Коинотдан ташқари.

ШАМОЛ ВА НАСИМ

Ўх, бу шамол! Очирмас кўзни,
Гавҳарингга урилади қум.
"Ўв, йўловчи! Асрагин ўзни,
Гаранг бўлма, кўзларингни юм.

Карахт бўлма. Илон изи йўл
Занжир каби бўғар сиёғи.
Тиз чўкмагин, ўлсанг тамоғи ўл!
Ё ялагин сахро оёғин!"

Ҳолдан тояр, юмар кўзини,
Қарчиғайлар қаноти тегар,
Юмдалайди, қушмас, юзини,
Телба шамол. Бошини эгар.

Бир томчи ҳам сув йўқ дунёда,
Дунё йўқдир, йўқдир ошно из,
Фақат шамол увлар зиёда,
Фақат шамол чўктирмоқчи тиз.

Ҳуши қайтар, гўзал бир насим
Олиб келар райҳон исини.

СЕНГА

Кўз ва сўз етмас,
Мен етмасман,
Сўзга сен етарсан бемалол.

Тасаввур гуноҳ
таъриф оғиз
Боқмоқ 40 йил
Оҳ боқмоқ
Келмас хаёлга
Сўз
Икки дунё
Ва
Киприк қоқмоқ

Одамики
Бўлса ўр,
Энишлар ҳам бўлмай ўр,
Эшиб сабр толасин,
Ҳалимлик арқоғин ўр.

ДИЁР

Диёр кўрдим ой каби,
Бахт-юрт дегич жойи каби!
Туя кўрдим чопоғон,
Сув кўрмаган ҳеч лаби.

Ғубор кўрдим беғубор —
Осмонда офтоб каби.



Тож киймиш ушбу диёр,
Башорат қилмиш набиё.

Бу юртларга қут, омад
Сокин, вазмин келади.
Бахт келмайди, ўзи бахт!
Тахтар ҳазин келади.

Диёр кўрдим бахтиёр,
Сув берган ташна булоқ,
Қиличида ой йиғлар,
Офтобида нур байроқ!

ҚАДИМИЙ АЛЛА

Алла, алла, аллаё,
Қора кўзли болаё,
Қора қошли болаё,
Ширин сўзли болаё.

Бешигинг бахт эшиги,
Келгусининг кўшиғи,
Томоғининг тешигин,
Қандай ёғлай, аллаё,

Ризқингдан урадилар,
Кўрқмасдан турадилар.
Ойга от сурадилар,
Ерлар кунни, аллаё.

Бир кун катта бўларсан,
Ўз кўзинг-ла кўрарсан.
Яратгандан сўрарсан
Боланга ризқ, аллаё.

ШОИР

У сўзнинг рангига қарайди аввал,
Сўз оҳангига қилар эътибор.
Қофиялар доим беради халал,
Фикрнинг сўнги йўқ, ва ле мадад бор.

Қор рангин ёғади, ажиб атри бор,
Оқ тоғни қошлади чўнг қора кўлка.
Қора тоғ — оқ, уни қошлагандир қор,
Мовий дур ёмғирлар аро бу ўлка.





Азамат ПАРДАЕВ,
вилоят "Камолот" ЁИХ Кенгаши бўлими раиси

ҲАММАМИЗГА ТАТИГУЛИК БАЙРАМ

Кўҳна Самарқанд шаҳрини биз ҳамиша фахр билан "навқирон" деб ҳам атаймиз. Бу бежиз эмас, албатта. Агар эътибор берган бўлсангиз, буюк мозийдан шохидлик бериб турган салобатли иншоотлар билан бир қаторда бебаҳо мустақиллик йилларининг фавқуллода юксак тараққиёт суръатини намоён этаётган ўта замонавий бинолар қад ростлаган гўзал Самарқанд аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Самарқанд ёшлари шаҳарнинг қутлуг 2750 йиллик тўйини жуда катта ҳаяжон ва қувонч билан қарши олишмоқда. Зеро, шундай муқаддас заминда яшамок, ўқимок, меҳнат қилмоқнинг ўзи бахт.

Албатта, ёшларнинг бошини қовуштириб турган ташкилот — "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилояти Кенгашида ҳам айни кунларда қутлуг айёмга тайёргарлик ишлари қизғин тус олган.

Давлатимиз томонидан юртимиз равнақи, янада гуллаб-яшнаши йўлида олиб борилаётган барча ислохотлар негизида келажак эгалари бўлган ёшларнинг комил инсон булиб улғайишларига кўмаклашиш, бунинг учун лозим шарт-шароитлар яратиш истаги ётади, албатта.

Бугунги кунда вилоятда Ҳаракатнинг 2026 бошланғич ташкилоти мавжуд бўлиб, 459 мингдан ортиқ аъзоларни ўз атрофимизга бирлаштирганмиз. Фаоллик, ташаббускорлик бош мақсад қилиб олинган жойда ишлар унумли бўлмоқда.

Вилоятимиз ёшларининг бугунги кундаги яшаш тарзи, ўқиши, интилишлари билан танишиб борар эканмиз, улар орасида иқтидор эгалари кўплигига тобора амин бўлмоқдамиз. Бундай ёшларларга кўмакдош бўлиш, қўллаб-қувватлаш, имкон даражасида ёрдам бериш эса бизнинг бош вазифаларимиздан биридир.

Бундан бир неча йил бурун "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими Кенгаши қошида Ёшлар ижтимоий хизмати маркази ташкил этилганди. Бу маскандаги "Ёшлар оммавий ахборот воситалари маркази", "Хуқуқий тарғибот маркази", "Истеъдодли ёшлар" клуби, "Етакчи ёшлар" маркази, "Компьютер ахборот маркази", "Ёш оила маркази", "Компьютер ўқув маркази", "ОИТС ва гиёҳвандликнинг олдинги олиш маркази" ҳамда "Баҳс-Дебат" клуби ёшларимиз ижтимоий-сиёсий дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Республикаимизнинг турли бурчакларида

истиқомат қилаётган ўғил-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишларни амалга оширмоқда. Айниқса олис туман, қишлоқларда яшаётган ўғил-қизларнинг яшаш тарзига, ўқишига, юриш-туришига эътибор қаратишда, уларга мададкор бўлишда айнан "камолот"чилар хизмати беқиёс бўлмоқда. Жумладан, вилоят "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими кейинги йилларда кўплаб ишларни амалга ошириб келмоқда. Яқинда Ҳаракат ташаббуси билан вилоятнинг чекка туманларида яшовчи ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, улар орасидан иқтидорлиларини излаб топиб, ўқиш ва касб ўрганишга йўналтириш борасида "БИЗ ФАРОВОН КЕЛАЖАК БУНЁДҚОРЛАРИМИЗ-2007" лойиҳаси амалга оширилди. Унда туманлардан 3000 га яқин мактаб ўқувчилари иштирок этишди. Уч босқичли мазкур кўрик-танлов олис қишлоқларда ўқиб-улғайётган кўплаб ёш истеъдод эгаларини излаб топишда ва уларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этди. Ушбу лойиҳа вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳамда вилоят ҳалқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳар олий ўқув юртиларида ўқиётган талаба-ёшларни ҳам Ҳаракат фаолиятига жалб этиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Талабалар ўртасида ранг-баранг мавзуларда ташкиллаштирилган шоу-дастурлар, турли жабҳаларга оид баҳс-мунозаралар, интеллегуалликка чорловчи давра суҳбатлари мунтазам ўтказилиб боришни анъанага айланган.

Бизнинг тadbирларимизда иштирок этган ёшларнинг ҳар бири юриш-туриши, интеллектуал салоҳияти билан ажралиб туради, айрим ёшларга ибрат бўла олади, десам адашмайман. Зеро, ўқиган, билимли киши ҳар доим ҳам юксак чўққиларни забт этаверади.

Биз "камолот"чилар барча ёшларимизга ҳар жабҳада кўмак беришга тайёрмиз. Мен ёшларга ҳамиша фаоллик ва ташаббускорлик тилаб қоламан. Зеро, ҳаракатимиз мезони ҳам ташаббускорлик ва фидойилликда.

Она шаҳримиз Самарқанднинг 2750 йиллик юбилейи тантаналари эса вилоятимиз, шаҳримиз ёшларининг янада бирлашувига, уларнинг янада ташаббускор, фидойи ва ватанпарвар бўлиб тарбия олишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Лутфулла ҚАНДАҲАРОВ



Қумишларинг баҳордек кўркал



СЕВГИ

Кўзингда ёш, жилмайиб
Кулганинга қуяман,
Кўришганда уялиб,
Юганинга қуяман.

Кечир, ёрим, ҳар қалай,
Мендан эмас аламинг.
Билдиради кўришсак,
Маъюсина саломинг.

Яшайман кундан-кун
Юрагимга тош ботиб,
Қийнамасам ҳамки мен,
Кўзларингга ёш сотиб.

Боқсам, жоним оғриди,
Қарагим йўқ ортимга.
Куйдирсанг ҳам кулиб ўт,
Омон бўлгин бахтимга.

ҒУРУР

Гоҳи менинг кулгим келганда
Гоҳи сенинг йиғлагинг келар.
Озори кўп дардли дунёда
Дардларингни сўйлагинг келар,
Ҳали ёшсан, ҳозирча беғам,
Кулишларинг баҳордай кўркал,

Вафоси йўқ ёрингга қараб,
Ишонасан бу дунё бир кам.
Хомушгина кўзимга боқиб,
Нега мени севмаган дейсан.
Юрагингни ўтларда ёқиб,
Муҳаббат не билмаган дейсан.
Дугонанг ҳам таскин беролмас,
Саволларинг қолар жавобсиз.
Меҳринг ийиб айтарсан бир кун,
Яхшиям бу дунёда бор сиз.
Жилмаясан дардинг ичингда,
Ўзингдан ҳеч ўзга билмайди.
Сабабини билган бўлсанг, бас,
Бағритошини ҳеч ким севмайди.

ТАЪЗИМ

Сиз ўзингиз кўкдаги офтоб,
Сиз ўзингиз фааришта моҳтоб,
Сўз тополмай шанингиз мақтаб,
Сиз бор — дунё гўзал, аёллар,
Файзlidir сиз бор хонадон,
Сиз туйфайли куламинг хандон,
Табибдирсиз оғриганда жон,
Сиз бор — дунё гўзал, аёллар.
Меҳрингиздан яралган дунё,
Кўзингиздан таралган зиё,
Болангиздир — ҳар қандай доно,
Сиз бор — дунё гўзал, аёллар,

Шу дунёда борингиз жаннат,
Босган ҳар бир пойингиз жаннат,
Оллоҳ сизга қилган иноят,
Сиз бор — дунё гўзал, аёллар.
Гўзал сўзлар айтолмасам ҳам,
Ҳаммангизга муборак байрам,
Бўлмасин ҳеч кўзларингиз нам,
Сиз бор — дунё гўзал, аёллар.

ОНА ТИЛАГИ

Сирдошимсан қучоғимда ўйнаб-ўсиб,
Зорланаман кетарингда дилим ўксиб,
Бибиҳоним тахти сенга бўлсин насиб,
Борган жойга тошдай ботиб кетгин, қизим.
Олиб юрдим ўз бағримда тўққиз ойлаб,
Соғинаман энди сени йўлинг пойлаб,
Ўзгаларга менга қилган меҳринг айлаб,
Борган жойга тошдай ботиб кетгин, қизим.
Бахтинг шудир, йўқни бордай билсанг, яхши,
Қучоғимга ўйнаб-кулиб келсанг, яхши,
Ўғил-қизлар кўриб тўйлар қилсанг, яхши,
Борган жойга тошдай ботиб кетгин, қизим,
Яхши бўлмас ҳар кимсада умр йўлдош,
Сабр айла, андишага бўлгин сирдош,
Ўзингда топ Қумишбиби каби бардош,
Борган жойга тошдай ботиб кетгин, қизим.

Абдулгани СУЛАЙМОН

САМАРҚАНД

Кўрдим тарихга шоҳид чинорингни, Самарқанд,
Миллатимдай қадимий минорингни, Самарқанд.
Ҳар ғиштингда элимнинг шавкати эрур зоҳир,
Ғайратдадир кўрганлар виқорингни, Самарқанд.

Сайқал дея заминга тағрифлади шуаро,
Исломи дин қуввати — тенгдошингдир Бухоро,
Билдим, тенгинг йўқ экан жаҳондаги шаҳр аро,
Қорачиқдай асраинг туморингни, Самарқанд.

Шавкатингга далилдир минораю биналар,
Қойил қилди жаҳонни Абуллайсий, Синолар,
Ҳар обиданг — қудратинг, ҳар ўғлонинг дунёлар
Нондай азиз билгайдир дийдорингни, Самарқанд,

Шукр, келди истиқлол, ўтиб неча замонлар,
Давр бугун ўзгадир, ўзгачадир давронлар.
Бешик бўлдинг, етишди юрт раҳбари — султонлар,
Тенгинг йўқдир, кўрмадим такрорингни, Самарқанд.



ЗАРМИТАН ОЛТИН КОНИ

Навойи тоғ металлургия комбинатининг (бош директор Николай Иванович Кучерский) жанубий кон бошқармасига қарашли (директори Юрий Михайлович Акопян) Зармитан олтин кони Самарқанд вилоятининг Қўшработ тумани ҳудудида жойлашган.

Конда олтин қазиб олишнинг янғича усули қўлланмоқда. Пастки қатламдаги қазилма бойликларни очиш учун юзаси 20 квадрат метрдан иборат ёпиқ транспорт стволи (шахта) қурилди. У ётиқ шаклдаги махсус шахта бўлиб, транспортлар юқорига ва қуйига спиралсимон ҳаракатланиш имконини яратади. Бу усул биринчи марта Зармитан конида қўлланиляпти. Шу усул туфайли қўл кучи камайтирилиб технологик жараён тўлиқ механизациялаштирилди. Шахтада Швециянинг "Atlas copco" фирмасининг ўзи юрар бургулаш қурилмаси, юклаш-ташиш машинаси ва автосамосваллар ишлатиляпти.

Зармитан олтин конининг ишлаб чиқариш қувватини яқин келажакда бир неча баробарга ошириш кўзда тутилган. Бу тўғрида, яъни Зармитан маъдан майдонини ривожлантириш масаласида Давлат дастури ишлаб чиқилган.

Очиқ карьер усулида ҳам ишлар олиб бориляпти. Мазкур усул кераксиз тоғ жинсларини тозалаб, олтин заҳираларни қазиб олишга хизмат қилади.

Конда бугунги кунга келиб транспорт корхонаси жамоаси билан қўшиб ҳисоблаганда 1200

дан ортиқ ишчилар хизмат қилаётир. Ишсизлик даражаси юқори бўлган Қўшработ туманида, мутахассислар ва ёшлар ишга жалб қилинган.

Юзта автотранспортга мўлжалланган махсус автобаза қурилиши бошлаб юборилган. Кон ишчи хизматчилари истиқомат қиладиган Заркент кўрғониди янги турар-жой бинолари, қурилиш базаси, иккита 50 ўринли - 100 кишилик ётоқхона қуриляпти. Ишчилар учун бир 50 ўринли ётоқхона таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари ошхона, электр тармоғини кенгайтириш учун кичик электр таъминот станцияси қуриляпти.

Ўз навбатида бизнинг фахримизга айланган ишчилардан баъзиларининг номларини тилга олиш жоиз. Бургулаш ускунаси машинисти Александр Қоршунов, юклаш-ташиш машинаси ҳайдовчиси Саъдулла Бердиев, кон устаси — Толлибой Йўлдошев, ЭКГ-5 эксковатори машинисти Отамурод Бўронов ва бошқа кўплаб ишчиларни санашимиз мумкин.

Улар тажриба ва жонбозлик борасида ҳар жиҳатдан бошқаларга ўрнак бўлаётганликларини таъкидлаш жоиз.

Хуллас, Зармитан олтин кони келажакда Республикамиз тоғ-кон саноатини бойитишга самарали хизмат қилади. Бунга шак-шубҳамиз йўқ.

Нормурод НУРАЛИЕВ,
Зармитан олтин кони бошлиғи



Муҳиддин ОМОН

Карвонимга бердинг Сарбон, Самарқанд

САМАРҚАНД

Эй, сайқали дунё, эй, кўрки башар,
Тўйларинг муборак, мунаввар шаҳар,
Меҳри офтоб каби, дарёлари зар,
Муқаддас, музайян, азим Самарқанд,
Сенга бўлсин ҳазор таъзим, Самарқанд!

Тарихинг ўйласам, дилга ғам битар,
Бошингдан кечмади не хавфу хатар,
Боқийлик саҳнида қолдинг музаффар,
Искандар тиз чўккан Раҳшон Самарқанд,
Раҳиона кўнглида армон Самарқанд!

Қутайба, Чингизлар бузди кўрғонинг,
Таназзул дулмида ингради жонинг,
Не бахтким, тугилди Соҳибқиронинг
Бардоши бешумор, пинҳон Самарқанд,
Одил султонларга ошён Самарқанд!

Мирзо Улуғбекнинг юлдузлари шон,
То абад эъзозда Зижи Кўрагон,
Оламга тансиқдир тандирингда нон,
Оби Маишқад, Оби Раҳмат Самарқанд,
Боғи биҳишт, Боғи баланд Самарқанд!

Мовий гумбазларда офтобнинг нури,
Навоий закоти, Жомий шуури,
Ўзбеғимнинг фахри, миллат ғурури,
Истиқлолдан кўкси осмон Самарқанд,
Карвонимга бердинг Сарбон, Самарқанд!

Бугун Сени бошда Хумо қутлайди,
Бобил, Афинаю Румо қутлайди,
Улуғ ёшинг билан дунё қутлайди,
Муқаддас, музайян, азим Самарқанд,
Сенга бўлсин ҳазор таъзим, Самарқанд!

* * *

Сени юз йил кутдим, кутдим юз аср,
Кўзим тузларига изимни босдим.
Интизорлик, зорлик айлади таҳқир,
Юз ўғирай дедим, ўзимни босдим...

Йўлингга кўз тутдим, нигоҳларимдан
Ойдин тонглар отди, шафақлари ол.
Тунни сиёҳ қилган дил оҳларимдан,
Келинчак юзидай доғланди Ҳилол...

Сени юз йил кутдим, кутдим минг аср,
Бардошларим битди, битди сабрлар,
Илинжларим ўлди, умидим сағир,
Оптоқ орзуларга тўлди қабрлар...

Сени юз йил кутдим... Бамисли дарахт,
Ернинг меҳварига етди илдизим.
Келсанг не бўларди, эй, бевафо БАХТ,
Омонат барг каби титрар юлдузим...

Сени юз йил кутдим,
Кутдим минг аср...

СЕВГИЛИМ, СЕВГИЛИМ...

Севгилим, Сен Мени бунча рашк қилдинг,
Кўнглим бўстони саҳро, дашт қилдинг,
Шундоқ ҳам яримта эди бу жоним,
Шу ярим жонни ҳам хомталаш қилдинг!

Севгилим, севгимиз посбони рашкми?
Шубҳадан қорайган осмони ашкми?!
Қаҳру итоб ила қилган ғурбатинг —
Мени ўлдирмоққа чоғланган машқми?!

Севгилим, табакай, айт, қизғонасан,
Жоҳил изтироблар ичра ёнасан?
Жисмимга руҳ берган Тангрим-ку,
ахир,
Олса гар, Сен кимсан-зор гирёнасан?!

Севгилим, кел, энди, Мени қийнама,
Тиғ бўлиб ботмоқда сўзинг сийнама.
Ожизланиб борар кўксимдаги шаъм,
Бехос ўчиб қолар, елдек ўйнама.

Севгилим, Севгилим, Мени қийнама...

ИҚРОР

Қорачиқмас, Сенда қора чўғ,
Нигоҳларинг ишқдин сўйлайди.
Сен бахт этган армон ҳам ёруғ,
Рухсорингга кўзим тўймайди...

Маҳзун дилда ажиб тўлғониш,
Оташ ҳислар қайтадан пайдо.
Бесамар ишқ-бехўда ёниш
Эканлигин билсам-да, шайдо.



Юрак билан қошингда ҳар гал,
Меҳрингга зор, лутфингга маҳтал.
Амрингга шай туравераман,
Сен ҳақда уй суравераман...

Доми сайёд — жингала сочинг,
Мурғи озод қош — қалдирғочинг.
Бир ишвалик божи-хирожинг,
Жонимга тенг, тўлайвераман,
Сенга қурбон бўлавераман...

Бунча ширин фараҳли дийдор,
Бир лаҳзада минг йиллик бахт бор.
Қиш чилласи жисмимда баҳор
Таширфини туявераман,
Мажнун бўлиб суявераман...

Пинҳон сирин этсам ошқора,
Кулиб дединг, ошиқ-бечора,
Қаранг, ҳадсиз феруза осмон,
Ой, Қуёшга бирдек ошиён,
Лек иккисин рўбарў қилмас,
Жуфт зиёга эҳтиёж бўлмас...

Биз ҳам шундай қисматга маҳқум,
Бир-бирининг васлидан маҳрум,
Соҳиб ишқ, эзгу тилакмиз,
Икки ёрти, битта юракмиз...

Бунга гарчи шуур англайди,
Қисмат чархин бузиб бўлмайди,
Ва лек кўнги қайсар, кўнмайди,
Маҳқумликдан безавераман,
Сен Ойга қўл чўзавераман...

Ошиқ дилим далию дайди,
Нетай фақат Сени истайди,
Ақл билан ҳисоблашмайди,
Қумдан кўрғон қуравераман,
Сени севи-и-иб юравераман...





САМАРҚАНДА АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ФАН ВА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ



Марказий Осиё тарихида илм-фан ва марифатни ривожлантиришга айниқса, Амир Темур ва темурийлар даврида алоҳида эътибор қаратилган.

Соҳибқироннинг тез-тез олимлар билан мулоқотда бўлганлиги, уларнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ осганлиги тарихий манбаларга қайд қилинган. "Мен азалдан илм шайдосиман", дер эди буюк бобокалонимиз гурур ила.

Тарихий адабиётлар бу фикрларнинг ғоят ҳаётий эканлигини исботлайди. Биргина шунини айтиш kiffoяки, Ибн Арабшоҳ асариде айтилишича, Амир Темур "Подшоҳлар ва халқлар сийратларида билимдонлик, шарқу фарб тарихининг эгаси эди".

Амир Темур илм-фаннинг йирик ҳомийси бўлган. Темур даврида унинг ҳомийлиги туфайли ҳам илм-фан, адабиёт, санъат таназзулдан чиқиб, юксак босқичга кўтарилди. Темур саройида Абдуҷаббор Хоразмий, Мунший, Абдулла Лисон, Батриддин Аҳмад, Нуғмаиддин Хоразмий, Хўжа Нуғмаиддин Хоразмий, Хўжа Афзал сингари олимлар илм-фаннинг турли соҳаларида фаолият кўрсатишиб, бутун дунёни дол қолдирган кашфиётлар қилишганлар.

Соҳибқирон ҳаётлик пайтидаёқ унинг саройидаги олимлар илмий кашфиётлари билан шуҳрат қозонганлар. Булар қаторига насталик хатининг кашфиётчиси Мирали Хатгони, ўн икки мақом ижодкори, мусиқа назариётчиси Абдулқодир Марогийни, буюк риёзиётчи Ғиёсиддин Жамшидни, мунажжим Саййид Шариф Журжонийни, файласуф, қомусий олим Саъиддин Тафтазонийни, Хожа Муҳаммад Порсонни ва бошқаларни киритиш мумкин.

Амир Темур уларнинг меҳнатларини ҳар доим қадрлаган. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, Соҳибқирон илму-фан, адабиёт, санъат заҳматкашлари билан ҳар доим тахтдан тушиб келиб суҳбатлашган. Суҳбатлар жуда оддий, самимий бўлган. Ибн Арабшоҳнинг айтишича, Темур Алоуддинга (шатранжчилар пешқадами, фикрчи, ҳадисчи олим Алоуддин ал-Табризий) "Мен-мулк сўёсатила ягона бўлганим каби, сен ҳам шатранж оламида тенги йўқсан" дер экан.

Соҳибқирон юртни мўғул босқинчиларидан озод қилгандан кейин Самарқанд, Боғдод, Дарбанд, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларни тиклайди. Шоҳрухия, Иссиққўл, Байлақан, Аспара шаҳарларини қуради.

Самарқанд атрофида Амир Темур еттига йўлдош шаҳарча, ўн икки чорбоғ қурдирган. Ҳар бир чорбоғ ҳамда чорбоғнинг ўртасида моҳирлик билан қурилган қаср меъморлар ва санъаткорларнинг буюк ижоди саналади. Амир Темур саройининг рассомлари улўғвор меъморлик ёдгорликларининг, деворларга солинган нақшларнинг ҳамда қисман бизнинг кунларимизгача етиб келган миниатюра безаклари бўлган юзлаб қўлёмаларнинг ижодкорлари — Жаҳонгир Бухорий ва Абдулхай бўлган. Буларнинг барчаси Амир Темурни Темурийлар даври Ренессансининг асосчиси дейишга далил бўлади.

Соҳибқирон маданий меросини ўрганишимиз, уни тарғиб қилишимизнинг янада муҳим ва амалий томони мустақил Республикамизда маънавият ҳамда миллий мафкура асосларини бунёд этиш, уни ривожлантириш билан боғлиқдир. Зеро, биз барпо этаётган янги жамяят юксак маънавий-ахлоқий қадриятларга таянади ва уларни ривожлантиришга катта эътибор қаратади. Бу жараён миллий истиқдол ғояси ва мафкурасига, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга асосланади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, миллий мафкурани яратиш бир йиллик ёки беш-ўн йиллик иш эмас. Халқ, миллат ўз миллий мафкурасини бутун умри давомида такомиллаштириб, бойитиб боради. Миллий мафкурани шакллантириш ва тобора ривожлантиришнинг бундай доимий жараёни, табиийки, тарих билан, халқимиз тарихи билан узвий боғлиқликда кечали ва доимо ундан куч-мадад олиб боради. Шубҳасиз, бу ўринда Амир Темур ва Темурийлар даври катта аҳамиятга эгадир.

Қўзибой МАМАРИМОВ,
Халқаро Амир Темур хайрия
жамғармаси Самарқанд вилоят
бўлими бошлиғи, иқтисод
фанлари доктори.



Хулқар ТҶИМАНОВА

ИККИ ҲИКОЯ



АРОСАТДАГИ АЁЛ

Худо ҳақидаги азалий баҳс-мунозара унга ҳам тинчлик бермасди. "Ҳа, тангри бор. У бутун борлиқнинг эгаси", деган жўнгина иқрорга негадир бўйин ёр бермайди. Ҳеч қандай илоҳият йўқ, деб ёшлигиданоқ уқдирилган тушунча барибир хирагина бўлиб бунга соя ташлаб турарди. Муаллима ўзи каби олий маълумотли, туппа-тузук лавозимда ишловчилар ҳам худога сиғиниб, ундан фақат яхшилик, омонлик ёғилишини, ўт-сув, тухмат балоси, бевақт ўлим рўй бермаслигини тилловчиларнинг бир қадар кўплигидан ҳайратга тушмай иложи йўқ эди. Агар ҳамма нарсага қодир Аллоҳ ҳақиқатан ҳам мавжуд, бўлса, нега нопок ва фосиқ одамлардан дунёни тозалашга қурби етмайди? Нима учун кимлардир ногирон, кимлардир бой ва яна бировлар жуда ночор? Нега оламнинг қайсидир қутбида уруш, сув тошқини, бир чеккасида боғу роғлар гуллаган?

Унинг миясида саволлар шу қадар қалашиб ётардики, уларга бирма-бир жавоб топишга ақли ҳам, шу ёшга қадар тўплаган тафаккури ҳам ожиз эди. Аллоҳнинг мавжудлиги тўғрисидаги диний қарашлар кўпинча унга илмий талқинлардан устун эмасдек таассурот уйғотарди. Материя бирламчи, онг иккиламчи, деган тушунча ҳам шу туфайли вужудга келган шекилли.

...Икки кун илгари у мактабдан қайтар, қош қорайиб қолганди, қиш аввалида кунлар қисқара бошлайди, кишилар совуқдан ижирғаниб, шом чўкиши билан бошпаналарига кириб кетишади. Муборак ҳали муз қотиб улгурмаган гузардан кетиб бораркан, вужудида одатдаги бамайлихотирлик ҳукмрон эди. Бу йўллардан ҳар куни, ҳар кеч юради, кундуз қандай бўлса, кечаси

ҳам шундай, фақат қоронғилик, ўзингни қўлга ололсанг бўлди, ҳеч ким сени қузатаётгани йўқ.

Аёл тикка йўлга чиқиб олгач, қадамни тезлатди, йўқ, сукунат ёки зимистонликдан заррача ҳам чўчимасди, барча қишлоқ аёлларига хос фидойилик, жонсарақлик уни уйига шоширмоқда эди. У пальтосининг тугмаларини ечди, икки кифтини нимадир босиб турганини ҳисобга олмаганда, руҳи энгил эди. Кўчанинг икки томонида ҳам тут дарахтлари савлат

тўкиб турибди. Бирдан қаршисида қоп-қора кўппак пайдо бўлди, ит аввал ириллаб, унинг сумкасини ялади. Муборак ҳимоя истаб, қочишга ҳаракат қилди. Аммо жонвор чаққонлик қилиб, унинг олдида кесиб чиқди ва бехосдан тун сукунатини бузиб, устма-уст ҳурди. Муборак қалтирар, оёқларидан мадор кетган, кўзлари ҳам нурсизлангандек теварак-атрофни илла-базўр илғарди. Важоҳатли ит, тилсиз, ҳиссиз дарахтлар ва чўзилиб кетган йўл, бошқа ҳеч вақо йўқ. Қичқариш бефойда, ана лаънати итнинг кўзлари шунчалик қаҳрга тўлиб ёниб турибдики, қўйиб берса уни гажигудай. "Э, Худо, ўзинг асра!" деб такрорлади ичида у, шу дафъада кўзига ҳеч нарса кўринмасди. Ўзини умр бўйи ўйлантириб


 Рассом Оловиддин
СОБИР ўғли

келаётган саволларга шу тобда негадир жавоблар куйилиб келаётгандек эди. Бўридек уни гажишга тайёр турган махлуқотдан қутулиб олса бўлгани. "Ўтир, ўтир, ўтирсанг-чи!" дерди унга ички бир нидо баралла, шунда хаёлига ит ташланганда шартта ерга ўтириш керак, деган оқилона ўй келди. Юраги қинидан чиққудек урар, ит эса унга қараб тўхтовсиз ҳурар, афтидан ўтиргани учун унга ҳамла қилишга ботинолмаётгандек эди.



Ўлжанинг қутилмаганда ерга ялпайиб ўтириши ҳам итнинг унини ўчиролмади. Муборак бир неча дақиқа жойидан қимирламади, махлуқ энди хуришини бас қилиб, ириллаб унинг теграсида айланар, кийимларини искарди, бинобарин, ҳужумнинг чекиниши учун имкон яратилганди. Агар шу тобда мотоцикл товуши эшитилмаганида, ит ҳали-вери унинг ёнидан жиладиган эмасди. Руддаги одам улардан уч ҳовли нарида яшайдиган Фаҳри монтер экан, уни орқасига мингаштириб олди ва уйигача элиб кўйди. "Худонинг ўзи асрабди, тишлаб олганда нима қилардингиз, эртагаёқ етти чўзма қилиб, ўқитиб юборинг" деди у хайрлашаётиб.

Муборак ўша кеч ухломмади, худога шак келтиришнинг оқибати бу, деб баттар асабига теккан эрига тескари ётиб олди. Фаҳмича, эри бу ёрти ҳазили билан иккаласи орасидаги баъзи келишмовчиликларни бартараф этмоқчи эди, аксинча бўлди. Муборак бу кўнгилсизликнинг худога сира ҳам дахли йўқ, деб баланддан келдию, ўйланиб қолди. Наҳотки, қора итни худо унга дахрийлиги учун жазолаш мақсадида юборган бўлса, ақл бовар қилмайдиган гап. Дайдиб юрган ит, шунчаки йўлиқиб қолди, буни наҳотки худонинг ёзуғи деб баҳолаш мумкин бўлса? Аёл кўнгилсиз воқеа таъсиротидан ўзини халос этолмас, айна пайтда буни Аллоҳ раво кўрган тақдир кўргулиги деб баҳолаш эриш туюлмоқда эди. Кимларнингдир ҳаддан ташқари тақводорлиги ва бундай одамларга дуч келганда уларнинг ҳамма нарсани кўргувчи ва билгувчи зот борлиги тўғрисидаги қатъий эътирофларидан Муборак ҳеч қачон ҳайратланмас эди.

...Талабалик йилларида бир курсдоши билан худди шу мавзу устида тортишиб, терс бўлиб қолганди. Наманганлик бу қиз ҳаддан ташқари художўй бўлиб, овқатланишдан аввал, ётиш олдидан, хуллас, олдий ҳаракатларда ҳам "бисмиллоҳир раҳмонир раҳим" деган сўзни айтишдан эринмас, имтиҳон ёки синовга киришда "Худо, ўзинг мадаккор бўл!" деб илтижо қилар, бундан худди ўзига гайрат-шижоат олгандек бўларди. Қизнинг тангри-таолога сизини ўткинчи ёки расмий бўлмай, ҳеч вақт унутилмайдиган, ҳамма нарсага қодирлик тўғрисидаги фикр ва туйғу асосланган эди. У муроди ҳосил бўлиш-бўлмаглигидан қатъи назар, онгию шуурига маҳкам ўрнашиб олган ўша эътиқод таъсиридан чиқа олмасди. Муборак у билан битта хонага тушиб қолгани боис дастлаб унинг хатти-ҳаракатларига кўниқолмай, ёшгина қизнинг бор-йўқлиги номаълум бўлган парвардигор азму иродаси қаршисида тиз чўкмоққа ҳам тайёр эканлигидан ажабланиб юрди. Курсдоши буни сезарди, бир кун сўраб қолди: "Нима, Муборак, сиз Худога ишонмайсизми?". "Йўқ" деди у узил-кесил. "Астафурullo денг, худога ширк келтирманг. Агар тепангизда яратган эгам амр бериб турмаса, ер юзида ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетишини тасаввур қиласизми? Ўзингиз ўйланг, ахир сиз, биз, ер, сув, осмон, дарахтлар, борингки, ўн саккиз минг олам унинг амру фармонисиз қандай мувозанат сақлайди, қандай бошқарилади? Агар Тангри-таолло бўлмаса, сиз билан биз бу ёруғ оламда юрармидик?" деди курсдоши куйиб-пишиб ўз фалсафасини тўкиб солар экан. Муборак бу қизнинг мушоҳадасини инкор этмади, аммо ўз фикрида собит қолаверди ва қачонлардир физикада кашф этилган бутун олам тортишиш қонунига боғлаб, илоҳий кучнинг йўқлигини, фақат у кўзга кўринмас бир шарпа сифатидагина мавжудлигини исботлаб бераркан, Ижобатни биргина савол билан мот қилишга муваффақ бўлди: "Сиз институтни тамомлаб, ўқувчиларга художўйликдан таълим бермоқчимисиз?" Ижобат

индамади, аммо бу унинг Муборакка енгилганидан далолат бермасди.

Муборак унчалик кўп давом этмаган таҳсил йилларини Ижобатнинг ўша гапларини гоҳ тан олгандек, гоҳ рад этгандек ўтказди. "Ҳали бошингизга бирор кўргулик тушсин, Худога ишонганингизни сезмай ҳам қоласиз. Ишонмайдиган одамни биринчи кўришим!" дерди у ҳар гал Муборакка дуч келганида. Аввалдан башорат қилинган кўнгилсизлик қачондир рўй бериши мумкин, буни рад этиш қийин. Бундан уч йил муқаддам отаси тўсатдан вафот этди, на оғриб ётди, на ташқаридан бирор таъсир бўлди, сабаби қоронғи. Кўни-кўшини ва қавм-қариндошлар "Худо юборган ажал-да, қўлимиздан нима ҳам келарди, осий бандалар бўлсак" деб ҳамдардлик билдиришди. Тасодифий ўлим Муборакка гайри-табиий бўлиб туюлар, олий даргоҳда онгига обдон сингдирилган сабабсиз ҳеч қандай оқибатнинг бўлиши мумкин эмаслиги хусусидаги илмий тушунчалар миясида чарх ураверарди. Ҳеч қандай сабабсиз бу дунёдан кўз юмиш мумкинми, бу — ақлга, мантиққа сиғмайдиган гап. Балки отасида қон босими бирдан хуруж қилгандиру, ўтиб кетади деб эътибор бермаганмикан? Хўш, Худога отасининг ширин жони нимага керак, у раҳм-шафқатли, марҳаматини дариг тутмайдиган зот дейлик, нега қўйдаи юввош банди-мўминнинг умрига човут солади? Ҳаётнинг ёзилмаган қонуни — ўлимга дуч келганда зиёлилар ҳам боши эгик туриши, Яратган эртадир-кечдир бандаларининг умрига якун ясагини Муборак отасини сўнги манзилга кузатар чоғда чуқурроқ англаганди. Институтни тамомлаган ёшгина мутахассис мактаб муҳитига кўниқиб, ягона илоҳий зот фалакнинг одамзотга кўринмас қаватида амру фармон бериб туришини катта-кичик давраларда эшитар, аммо буни ҳақиқат деб тан олишга ҳамон иккиланарди. Муаллимлардан бирининг ўгли олти ёшдан ошишига қарамай тили чиқмаганлигини ҳам яратганнинг кўргулиги деб билишарди улар. Айниқса, ўша ўқитувчи ич-ичидан эзилар, ҳар қадамда Аллоҳга ишониб қолганини таъкидлар, наҳотки, боламнинг пешонасига гунглик балоси ёзилган бўлса, дея изтиробини ҳаммага ошкор этарди. Чиндан ҳам буни тангрининг азму иродасига йўяётган ҳамкасбларини рад этгулик жўяли фикрга эга эмаслигидан Муборак қийналарди, баҳслашмагани маъқул, эҳтимол улар чиндан ҳам ҳақдирлар... Курсдоши Ижобат айтган ўша кўргулик Комил муаллимнинг бошига тушганини, бу эса уни руҳан ожиз ва мағлуб қилиб қўйганини баъзан тан олар, баъзан тан олмас эди. Ҳамкасби зиёлиликка бориб, шўрлик ўғлини аввал дўхтирларга кўрсатди, туғма гунгни даволашга врачларнинг салоҳияти етишмаслиги ҳақида муаллим ўйлаб ҳам кўрмаган. "Чиқмаган жондан умид" дея аламзада ота мулла-эшонлардан наҳот сўрарди. Афсуски, улар ҳам болага тил ато этишолмасди. Муборак бегуноҳ ва норасида гўдақкинанинг аҳволи-руҳиясидан таъсирланган кўйи Аллоҳга ишонишига бир баҳя қолган ҳолатга ҳам тушди, лекин миясининг иккинчи томонида чарх ураётган буни кескин рад этувчи тушунчани барибир енга олмади. Оламнинг англаб бўлмас сирлари кўп, инсон боласи ҳеч вақт бу синовнинг тағига ета олмайди. Фанда худо йўқ, деб жар солувчилар қанчалик кўп бўлмасин, бунга зид равишда унинг яккаҳоқимлигини ёқловчилар ҳам оз эмас. Аслида илоҳий куч саналмиш худо фалакиётда бутун оламни ўз изми билан бошқараётгандек тасаввур уйғонишига сабаб ўша тақводорларнинг осмонда ердагидан фарқлироқ ҳаёт кечишини билмаслиги эмасмикан? Фан осмон жисмлари ўртасида ўзаро ҳаракат бирлиги ҳукм

суришини аллақачон исботлаган. Қор, ёмғир, дўл ўз-ўзидан эмас, балки табиат ҳодисаларининг бир-бирига боғлиқлигидан ёғмасмикан?

Эл йўқолса ҳам қаъдаси йўқолмайди, одамларнинг турмуш тарзига сингиб кетган урф-одатларга бўйсунмасликнинг мутлақо имкони йўқ, қишлоқ аҳлидан ажралиб юриш хосиятли эмас, бинобарин, маломатга қолмаслик керак, деган ўй Муборакни аҳён-аҳёнда безовта этарди. Эл билан эллашиб, тиллашиб, диллашиб яшамасанг бўлмайди. Муаллима кўпроқ мактабда — ўқувчилар даврасидагина ўзини эркин тутар, уларга Аллоҳ-таоло ибтидоий жамоа тузуми даврида қашшоқ ва ночор, бечораҳол қабилалар томонидан ўйлаб топилган илоҳият эканини уқдиришга уринар, баъзан ўзини бу қадар қийноққа солаётган тушунчанинг қули бўлиб қолаётганидан таажжубга тушарди. Болалар ҳам қизиқ ҳикоя ёки эртақ тинглаётгандек унинг нутқиға кулоқ осишарди. Чақмоқ чақиши, момоқалдирик гумбурлаши, ер силкиниши, дунёнинг қайсидир қитъасида ёнғин ёки сув тошқини рўй бериши, машина ёки самолётларнинг ҳалокатга учраши инсоннинг аллақандай гуноҳлари учун парвардигор томонидан юборилган жазо эмаслигини, аксинча ер, юлдуз, осмон, сунъий йўлдошлар ўзидаги ортиқча энергияни вақти-вақти билан чақмоқ ва турлича фалокатлар кўринишида чиқариб туришини ўқувчилар ҳайратга кўмилиб тинглашарди. Муаллима яна шундай давом этарди: "Энергия йўқдан бор бўлмайди, бордан йўқ бўлмайди, фақат бир турдан бошқасига айланади, бу табиат қонуни бўлиб, ҳеч қандай илоҳий куч уни ўзгартира олмайди". Тўпори ва довдир, сипо ва содда қишлоқ болаларини ўқитиш пешонасига ёзилганидан шукр қилмай бўладими? Талабалигида амалиётни шаҳар мактабларида ўтказишга тўғри келар, шаҳарлик мардумчаларнинг ўзбошимчалигига бас келиб бўлмасди. Уларнинг айримлари очикдан очик ҳудого ишонишар, бўлғувси ўқитувчининг бу мавзуга муносабатини билиш учун саволларга кўмиб ташлашарди. Муборак ўнғайсизлар, ўнлаб жуфт кўзлар қаршисида бебурд ва обрўсиз бўлиб қолишидан хавфсизар, илоҳий кучнинг йўқлиги тўғрисидаги илмий таълимотни батафсил тўкиб солар, кечалари мижга қоқмай қалин китобларни варақлаб чиқиш эвазига ҳосил бўлган мағизли фикрларни ўқувчиларга тортиқ этарди. У уч йил мобайнида амалиётни шу тариқа ўтказди, тенгқурлари ўқувчи ва ўқитувчи орасида вужудга келиши мумкин бўлган турли зиддиятлар ҳақида гапиришар экан, унда айнан шу масалада тортишув рўй беришини курсдошларидан сир туттишга мажбур эди. Хайриятки, бу йиллар кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Муборак ғала-ғовур шаҳри азимни тарк этиб, киндик қони томган юртга қайтиб келганида, бир ҳолатдан ниҳоятда ажабланди: шаҳар фан, маданият, снъат тараққий этган, яъни тараққиёт авж олган макон бўлишига қарамай, яратганга сифинувчилар кўпроқ экан. Қишлоқ одамлари онгида ҳам эҳтимол, Аллоҳга сифиниш у ўйлаган даражадан зиёддир, ҳар нечук бу масалада уларни айблаш керак эмас, негаки бу ерда маърифат маскани сифатида биргина мактаб, нари борса, кутубхона ишлайди. Ҳашаматли кинотеатр ёки музей, соя-салқин истироҳат боғлари аҳоли истиқомат қиладиган гавжум шаҳарларга хос. Агар олтмиш олтинчи йилда пойтахти азимда табиий офат — зилзила рўй бермаганида, тўридан гўри яқин қарияларгина Аллоҳдан ўзларига умр сўраб ёлвориларди, бу аниқ. Ижобат айтганидек, кутилмаган, хаёлга келмаган мусибат кўпнинг бошига шўри-ғавғо солиб, илоҳиётга ишонтириб қўяди. Олимларнинг

таъкидлашича, табиатдаги бундай фавқуллодда ҳодисалар ҳар ўн бир, ўттиз беш, қирқ бир, тўқсон саккиз ва ниҳоят етти юз эллик йилда такрорланиб тураркан, буни фанда айланиш қонуниятлари дейишади. Улкан шаҳарда табиатнинг бу хуружи ўз-ўзидан содир бўлмаган, табиий офат қандайдир қонуниятлар билан чамбарчас боғлиқ, ҳа, худди шундай.

Муборак инсон руҳиятининг кўп нарсага қодирлигини, воқеликдан олинган таассурот даставвал бир сидра кўнгиладан кечишини оддий ҳақиқат деб билар, очигини айтганда, ўйлаш, фикрлаш, таъсирланиш каби ҳолатлар ҳам бизга парвардигор томонидан ато этилган қобилият дегувчиларни рад этишга тайёр эди. Ахир инсон ўз онги, ақлу тафаккури билан оламни англайди-ку? Қандай қилиб уни Аллоҳ бошқарсин? Айримларнинг фикрича, одамнинг танаси Аллоҳ томонидан қурилган иморат эмиш. Бунга ақл бовар қилмайди, ахир ҳар бир инсонни отаси, онаси яратади-ку?

Ҳаётнинг тасодифга тўлаллигини қаранг, қаердан ҳам қора ит унга йўлиқа қолди? Шифохонада ётиб даволанишини мажбур қилиб қўйган дўхтирлар билан баҳс бойлашиши фойда бермаяпти. Уларнинг фикрича, Муборакка ташланган ит қутурган бўлиши ҳам мумкин экан. Унга ташхис қўйиб, бир неча кунлик муолажани буюрган дўхтир афсусланганнамо бош чайқаб шундай деди:

— Аёл бошингиз билан тунда нега ёлғиз юрибсиз, ҳайронман! Яхшиям тишлаб олмабди, худо бир асрабди сизни.

— Зарилликка юрганман-да, дўхтир! Бу воқеанинг худого нима алоқаси бор?

— Жуда алоқаси бор-да, синглим. Яратгандан беамр бировнинг оёғига ёки қўлига тикон кирмайди. ҳаммамизам яратганнинг осий бандаларимиз. Бизга институтда худо йўқ, деб таълим беришган, лекин мен юз фоз худого ишонаман. Яхши ишимизнинг мукофоти, номақбул ишимизнинг жазоси бор. Ҳар қалай ўн саккиз минг оламни яратишга сизу биз ожизмиз!

— Ахир табиат ҳам яратувчи-ку, наҳотки ер,сув, тоғу тошлар худонинг амри билан вужудга келган, десангиз.

— Бўлмасам-чи, худди шундай, Муборакхон. Сиз гирт атеист экансиз-ку, бунчалик ҳам бўлмаг.

— Иккиланиб юргандан кўра ё ишониш, ё ишонмаслик керак.

— Тўғри, демак сиз ишонмайдиганлар хилдан экансиз-да, мен эса аксинча... Э, қойил, умрим бино бўлиб, сиздай қатъий фикрли одамга биринчи маротаба дуч келишим, худди европаликларга ўхшайсиз-а, ваҳоланки сиз фан доктори ёки катта амалдор эмассиз, оддийгина муаллима... ҳайронман!

— Нима қипти, одам ўз фикри билан яшаши керак!

— Ҳар кимнинг ўз фикри борликка бор-а...— дўхтир суҳбатдошига синчковлик билан тикилиб, унинг фикрини тасдиқласа-да, гапининг давомини айтолмай тўхтаб қолди.

— Ниманидир айтолмаяпсиз...

— Сиз билан баҳс бойлашишнинг фойдаси йўқ экан!

— Мен нечта укол олишим керак?

— Киндигингиздан қирқта укол оласиз, чидашга мажбурсиз, акс ҳолда...

— Акс ҳолда қутуриб кетишингиз эҳтимолдан холи эмас, демоқчисиз.

— Худо асрасин!

Муборак қаршисида туриб валломатлик қилаётган



шифокорнинг сўнги сўзига жавобан ҳеч нима деёлмади. Дўхтирнинг оқ-сарикча мойил юзида хавотирга асос бўладиган ифода акс этди. Битта-ярим оқ оралаган куюк, қора қошлари пир-пир учди, пастки лабини бармоқлари билан ушлаб, нигоҳини Муборакдан олиб қочди.

— Тинчланинг, биз кучукнинг сизга ўтиб улгурган микробларини аллақачон даф қилдик, ҳар қалай қутурмаган ит бўлсин-да. Агар жуда кўнглингиз хижил бўлса, Балиқчи ота зиёратгоҳига боринг-да, назр-ниёз дегандек... Ит қопганлар, фарзанд кўрмаётганлар, бедаво дардга чалинганлар, хуллас, гуноҳкор бандалар ўша ерга бориб, худо йўлига назр-ниёз аташади. Эскичага ишонмасангиз ишонманг, лекин бундан ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайсиз!

Палата шифокори яна нималар деди, Муборак эшитмади, тўғрироғи, буни истамай, қулоқларини қўллари билан бекитиб, чойшабни устига тортиб олди. Бу қандай ҳолат, адоғи, чеки-чегараси йўқ саволларга жавоб топиш мумкинми ўзи?

... Масжид биноси бу ердан — мактабнинг орқа томонидаги катта тош йўлдан аниқ кўринарди. Нақшиндор устунлардан ёғилган ёрқин жилолар бу гўшада сирли ва илоҳий муҳит ҳукм сураётганидан далолат беради, тип-тиниқ чашма ва ундаги катта-кичик балиқлар жозибатор туюлмоқда эди, яланғоч дарахтлар совуқда ғарибгина бўлиб кўзга ташланади. Симтўсиқдан сал нарироқда сукунатга чўмган қабристон ястаниб ётар, унда-бунда ёдгорлик лавҳалари ўрнатилгани кишига қандайдир хотиржамлик бахш этарди. Қор барханлари орасига яширинган майсалар кўзни қанчалик қувонтирмасин, очиқ қабрлар кишини шунчалик ваҳимага соларди. Бежиримгина мўйналик пальтодаги аёл масжидга оёғи тортмайроқ кетиб борар, агар у шу тобда муқаддас зиёратгоҳга нима учун кетаётганини хаёлидан ўтказмаганида, ҳадиксираши ҳали замон чекинмасди. Аёл кўзларини оҳиста юмди, қора ит худди ёнгинасида изма-из юргандек ён-верига қаради, хаёлида жонланган экан. Шу атрофдаги хонадон болалари ҳали у масжидга элтувчи ёлғизоёқ йўлда кўриниши биланоқ ажабсиниб қараб туришарди. Афтидан, улар кўҳликкина аёлнинг бу жойга қадам ранжида этишидан ажабланишмоқда. Кўк чопони устидан белбоғ ўраган қотма киши — қоровул шекилли, белкурак билан масжид ҳовлисидаги қотиб қолган музни ўярди.

— Э, қизимей, сенга қайси бемазанинг ити ташланиб юрибди,— қоровул унинг арзини тинглаб,

афсус билан бош чайқади.— Қутурганмикан, деб гумонсираяпсан-да, бўлиши мумкин. Қайси йили қишлоғимизда бир хотин тўйдан қайтаётса, саёқ ит унга қараб ҳурибди. Шўрлик кўрқиб кетибди, ит баттар қувармиш. Шунда аёл ит қувганда бирдан ўтириш керак, деган ақидани эслаб ўтириб олибди. Кучук уни искаб-искаб нари кетибди, Балиқчи отага келиб, кийим-кечакларини назрига кўшиб, худо йўлига ташлаб кетди, ҳеч бало қилмади.

Эгнидаги қимматбаҳо пальтосини, ичидаги кийимларини бу ерга ташласа, қандай кетади? Қанча назр олса олсин, лекин кийимларига кўз олайтиришгани нимаси, қишнинг ўртаси бўлса, бунинг устига пальтоси қимматбаҳо. Чол уни анойи деб ўйлапти шекилли, керак бўлса, у оладиган назрлар ҳеч қандай худо йўлига ташланмаслигини, аксинча, юлғичликнинг бир тури эканлигини исботлаб беради.

— Ота, бу... эгнимдаги кийимларимни ташласам, қандай кетаман? Ахир пул берсам бўлмайдими?— деди Муборак ботинмайроқ. У қоровулдан тасдиқловчи жавоб эшитарман деб ўйлади, чолнинг юзида истиҳола ёки андиша сезилмади.

— Ит искаган кийимларни кийишни ўзингга эп кўрасанми, қизим? Ахир қутуриш балосидан омон қолганингнинг ўзи бахт-ку, худо кўрсатмасин, қутуриб кетсанг, кийимнинг сенга нима кераги бор?

Муборак Балиқчи отага ўзини етаклаб келган кўрқув туйғусининг мумкин қадар тезроқ даф бўлишини истар эди, шу лаҳзада бу алағдалик уни ўзига буткул оғдириб олди. Бу олатасир туйғудан батамом қутулишни истаган сайин акси бўлаёпти. Қора ит юрганда, турганда ва ухлаганда ҳам уни тинч қўймас, кўз ўнгида ириллар, овлоқ ва кимсасиз жойда танасини бурда-бурда қиладигандек дамба-дам сесканиб кетарди. Зиёратгоҳ қоровули ҳозирча пул билан қаноатланидиган бўлди, аммо эртагаёқ итнинг тумшуги теккан кийими борми, буюми борми, қутурмаслиги учун оқ латта илинган салки дорга осиб кетишини уқдирди.

Муборак эртага яна масжидга келишини ўйлаб, негадир кўнгли ёришиш ўрнига хижил тортиб, қора ит ҳамон ўзини таъқиб этаётгандек атрофга аланг-жалаң қаради. Аёл ўзидаги бу оний ҳолат аввалгиларидан энди кескин фарқ қиладиганини англагандек бўлди...

Чор-тараф оппоқ қор қўйнида, қир-адирлар ортидан тобора баландлаётган офтобга қаролмай аёлнинг кўзлари қамашди...

БОЛА

Уч-қуйруғи йўқ, деб таърифланадиган бу шаҳарнинг чекка мавзеларидан биридаги кўп қаватли уйлар худди эгизаклардек бир-бирига ўхшаш. Бола бу уйларнинг қанчалик даражада оқилона тиклангани ҳақида кўп марта ҳаёлга берилар, аммо ўйлаб ўйининг тагига етолмасди. Қувурлардан окувчи иссиқ ва совуқ сувнинг эҳтиёжга яраша бир текисда оқиб туришию ва яна қаергадир гумдон бўлиши боланинг назарида, энг донишманд одам ўйлаб топган иш бўлиб, тасаннога арзирди. Улар яшайдиган уй бир хоналик, балкони ҳам шунга яраша тор-танқис, ортиқча буюмлар сақланадиган тоқчадан бошқа ҳеч нарса кўзга ташланмайди. Уй ёнида темир панжара билан айлантирилган қафтдеккина ер бўлиб, онаси ҳар йили помидор, ҳар хил кўкат, экиб қўяр, аммо парвариш ҳарчанд яхши бўлмасин, ёлчитиб ҳосил

олишмасди. Ҳарна-да, болам, сотиб олганга пул чидармиди, ўзинг учун ўл етим, дерди онаси уни шу майдончада ишлашга мажбур қилиб. Тўғриси айтганда, бола онасининг фикрига кўп ҳам қўшилолмасди: ёз келиб, бозорлар мева-чеваю сабзавотга тўлиб кетса, помидор кўкатлар сувтекин бўлиб кетади. Қишликка етадиган қилиб, ул-бул тайёрламоқчи бўлганларга тагин ҳам тушиб беришади. Бола шу буйрадеккина жойда куймалангани учун атрофдаги тенгқурларидан уялар, кўпинча уларнинг даврасидан ўзини олиб қочарди. Айниқса, уларнинг тепасидаги уч хоналик уйда яшовчи Сарвар исми ундан бир синф юқори ўқийдиган болага юзма-юз келгулик қилмасин. Дадасининг колбаса ишлаб чиқарадиган цехи бор, тагида машина, ҳар куни сумка-сумка нарса

кўтариб, уйига кириб кетади. Сарвар синглиси билан ҳали ананас, ҳали найча билан симириладиган шарбат кўтариб чиқади. Журъат Сарварни кўриши билан болкон томонга ўтиб кетади. Қўшни боланинг эгнига қимматбаҳо кийимларни илиб олиши, ўзини ўзгалардан, айниқса, ундан юқори кўрсатишга интилиши Журъатга оғир ботарди.

— Намунча шу агаротингда ишлайверасан, тонналаб картишка оладиган деҳқондай тер тўкасан-а? Ундан кўра копток теп, валийбол ўйна, ҳали боласан-ку, катта одамларга ўхшаб рўзгор ташвишига кўмилиб қолгансан-ей,— деб қоларди баъзан Сарвар ўзини доноларча тутиб.

Журъат индамайди, биладики, Сарвар билан ўзи орасида ер билан осмонча фарқ бор, шу боис у билан мунозара қилишнинг фойдаси йўқ.

Очиғини айтганда, Сарвар улғаяётган оила билан уларники орасидаги тафовут нафақат еб-ичиш, кийинишда, балки умумий бир муҳитда, фикрлашда ҳам кузатилар, Журъат баъзан тўла-тўқислик, маъмурчилик ҳукм сурадиган кўшнилари оиласига ўзи тугул онасининг ҳам ҳавас қилишини сезиб қоларди: "Қанийди, отанг ҳаёт бўлса, Сарварнинг дадасига ўхшаб мол-дунё топмаса ҳам соғ-саломат юрса, биздан бахтли оила бўлмасди".

Ўшанда Журъат қадимий шаҳарга зиёрат учун кетган отасининг аллақайси машинада қандай қилиб ҳалокатга учраганини англайдиган ёшда эмасди. Хотираси фаромуши бермаса, ҳали уч ёшга етмаганди, ундан кейинги синглиси ҳам, онасининг қорнида бўлиб, кейинчалик дунёга келган укаси ҳам бу аччиқ ҳақиқатнинг тагига энди етишмоқда. Онаси улар берган саволларга кўпинча умид ва ишонч уйғотиб, "Даданг узоққа кетган, бир куни "лоп" этиб келиб қолади" дерди. Ким билсин, онаси ўзга кишига турмушга чиқишини назарда тутиб шундай деганми ёки уларнинг руҳиятини яралагиси келмаганми, ҳар қалай дадасининг оламдан ўтиб кетганини сир тутарди. Журъат йил сайин улғайиб, кетидан уни қувиб етаётган синглиси ва укасини боқишга бир ўзи ожизлик қилаётган онасининг мушқулини осонлаштириш ҳақида ўйлар, аммо қандай қилиб — бунинг иложини тополмасди. Кўча супургани учун бериладиган арзимас маошни онаси шўрлик қаёққа тортқилашни билмас, пул билан боғлиқ муаммолар эса тўлиб-тошиб ётарди: китоб, дафтар, озиқ-овқат, гоҳо иссиқ жонларига иситма тушиб, дори-дармон, баъзан тўй-маъракалар учун ҳам харажат лозим бўларди.

Бола ошхоналари деразасидан чиқарилган шлангни жўякларга тўғрилаб, жўмакни буради. Бир ҳафта олдин экилган помидор ва қалампир кўчатларини шу кеча-кундузда суғоришмаса, бутун ҳаракатлари чиппакка чиқади. Даставвал кўчатларни идишда сув олиб келиб суғоришди. Экинлар наҳорда тетик турса-да, кун қизий бошлагач, шалпайиб қолишарди. Онаси бугун бир шимдириб суғормасанг, буларнинг "одам" бўлиши қийин, дея тайинлаганди. Журъатнинг фикру ўйи мактабда ҳам шу бўлди, аммо шлангдан сув оқизса, кўшнилари норози бўлиши аниқ, шундан хавотири бор. Шлангдан жуякларга жилдираб энди сув оқа бошлаган эдики, уларнинг тепасида яшайдиган кампирнинг дийдиёси бошланиб қолди:

— Эй, сынок, закрой воду, а я стираю, ты мешаешь, напор вообще мало.

Журъат кўшнининг зардасидан сергак тортиб, юқорига қаради. Сочини қизғиш рангга бўяб олган кампир кўлларини даҳанига тираб, Журъатнинг нимадир деб жавоб қайтаришини кута бошлади. Бола "Сийчас"

деди-да, чопқиллаб уйига кириб кетди. Бир парча ернинг оламча ташвиши курсин, кошкийди онаси уни хижолатга солувчи ҳолатларни тушунса, ўзи ишда бўлгани учун Журъатнинг кўшнилари олдида ўнғайсиз ҳолга тушишини қаёқдан ҳам билсин? Мана, айтган иши чала қолди, онасига нима дейди энди? Яхшиси, челақда суғоради, ҳеч кимга малоллик туғдирмайди, онаси ҳам хурсанд.

* * *

...Бу дунёни бозорга ўхшатган шоирларнинг гапи ростга ўхшайди. Биров билан бировнинг заррача иши йўқ, ҳар кимнинг ҳоли-қудрат тортадиган ўз тирикчилик араваси бор, турмушнинг тошдан қаттиқлиги катталарга-ку кундек равшан, аммо айнан шу ҳақиқатга дуч келган тенгқурлари каби Журъат қам кун сайин, ой сайин фикран тиниқлашиб бораётгандек эди. Бола таътилга чиққач, қандай қилиб бўлмасин, пул ишлаб топиш, жилла курса, ўзининг эҳтиёжи учун зарурий кийим-кечак, ўқув қуроллари харид қилишни мўлжалламоқда эди. Ахир онаси бечора рўзгорнинг қай томонига кўндаланг бўлсин, ҳали у, ҳали бу, чеки-чегараси йўқ галвалар. Онаси унинг писта, қурт сотиш ҳақидаги таклифини рад этгач, бола ўйлаган режаси чиппакка чиққанидан дилтанг бўлди. Онасининг феъл-атвориға у тушунмайди, ахир кўмаклашишга уринса, бундан мамнун бўлмайди?

— Қўй, болам, сира ҳожати йўқ, кўшнилари олдида мени номусларга ўлдирасан-ку, бунинг устига писта ўлгур ҳамма ёқни ифлос қилади, ўзим фаррош бўлмасам ҳам майлийди. Писта чаққанларни кўрсам тутақиб кетаман!

Журъат ботиниб, бир сўз айтолмади. Таътил бўлишини кутади, энг яхшиси шу. Шаҳарда нима кўп, бозор кўп, яхна чой сотади. Ўтган йили синфдоши Мансур энг катта улгуржи бозорда яхна чой сотиб, ўзининг бутун каму кўстларини тўғрилаб олибди. Бу йил ҳам шуни чўтляпти, ўзида шундай ният борлигини сир тутди, менга таассуф соляпти, деб ўйлашини истамасди. Таътил келаверсин-чи, бир гап бўлар, айтганча, ҳали бу ишга онаси рози бўлармикан, гап шунда.

— Нима қилаяпсан, Журъат, ҳали жуда эрта-ку, бирпас ухла.

Журъат онасини қайтиб безовта қилгиси келмай, ошхона эшигини оҳиста итараркан, тозалаб ювилган бутилкаларга аввал тоғорадаги сувдан солди, сўнг ранг бериш учун қайноқ чойдан бир пиёлача аралаштириб, полга тикка-тикка қилиб кўйверди. Шу тариха бола бир ярим литрлик ўнта бутилкани яхна чойга тўлатиб, иккита сумкага бештадан жойлади-да, стулга ўтирди: энди тамадди қилиб олиши керак. Бола музлатгичдан сарёғ олиб, булка нонга ёқди ва ширинчой қилиб, апил-тапил симирди-да, бошига шапкасини бостириб кийди. Ҳали бозорга етиб бораман дегунча камида бир соат керак, бозор устига юки энгил эмас, ўн беш кило. Кеча у олти бутилка чой олиб чиққанди, ҳаш-паш дегунча пуллаб бўлди, ҳозир жазирама, одам ҳар дақиқада сув ичсин, айрону қимиз симирсин, ташналик чекинмайди. Худо хоҳласа, ўнта бутилка ҳам бир пасда ўз харидорини топиб кетса керак, юз сўмдан сотса, бир ярим минг сўм, ахир ҳар куни шунчадан жамғариб борса, ўн кунда ўн беш минг сўм. Аммо... манзила етгунча бўларича бўладиган кўринади, ҳали ҳеч қанча одимламай, иккала қўлининг кафти ҳам қийилгудек қизариб кетди. Эҳ-ҳе, улгуржи бозорга етгунича уч чақирим бордир-ов, шуниси алам қиладики, бу йўллардан на автобус, на трамвай юради, таксини эса фалон пулга ёллаш керак,



бундан не наф, икки оёғидан кўра маъқулроқ уловнинг ўзи йўқ. Бир соатда бўлмаса, икки соатда етар, шошиб қаёққа ҳам борарди, бозор қизиган пайтда иши юришади, савдогарлар унинг яхна чойини талашиб-тортишиб харид қилишади. Бола қайтишда энгил бўлишини ўйлаб, ястаниб ётган бедазор четидан одимлаб борарди. Унинг кўз олди тиниб кетди, ям-яшил ўтлоқ нимагадир сап-сарик тусда товланиб, кўнгли озди, шу аҳволда бозорга қандай етиб бораркин? Бола онаси зўрлаб узатган булочкани олмаганига афсусланди, тўғриси Журъат, шуни ҳам укаларига илинди, мен бозорда бундай егуликларнинг юз хилини кўраману, олиб ерман, деб ўйлади. Бола эринибгина, худди елкасидан кимдир зилдай юк билан босиб тургандек аранг юриб кетмоқда эди. Сумкадаги бутилкалар гўёки уни ерга киргизиб юборадигандек бўлиб, охири бола уларни бир-бирига тираб, майсазор устига қўйди. Қанийди, ҳозир ҳув ўша бозорда бўлиб қолса, хаёлпарастлик яхши-да, амалга ошмаган ишни ёлгондакам, орзу қилганингдай бажариб қўя қоласан.

Бугун — учинчи кун, бола шундан мамнун эдики, онаси чой сотишига қаршилик қилмади. Кўча-қўйда, ариқ ичида, бекатларда, хуллас, оёқ тагида думалаб ётган бутилкалар болага худди қадрли матоҳек кўринар, кучоқ-кучоқ қилиб, катта қопда уйларига келтирарди. Чой сотилган бутилкаларни қайтиб сўрашга биринчидан ийманар, иккинчидан, ўша одамни излаб топиш ҳам амри-маҳол эди.

Улкан оқимда кимдир у ёққа, кимдир бу ёққа ошиқар, гала-говурда бола ўтган-кетганининг диққатини жалб қилгиси келмай уни қийнаётган бутилкаларни тез-тез эгасига топширгиси келарди.

— Кеп қолинг, яхна чойлар бор. Ичсангиз, мазза қиласиз, сотаману кетаман, бутилкаси юз сўмдан, — Журъат томоғи йиртилгудек бўлиб бақирар, бозорга кириб чиқаётганларнинг, бу ерда росмана хўжайин бўлиб олганларнинг диққат-этиборини ўзига қаратиб, қўлидаги чой тўлдирилган лиммо-лим бутилкаларни кўз-кўз қиларди. Чойчақа топиш илинжида чиққан бу бола ўзига энг қулай ва гавжум жойни танлаганидан ҳеч ким унинг ёнидан бефарқ ўтиб кетолмасди. Қолаверса, чой энг арзон ичимлик бўлиб, олди-сотди учун бозорга кирганларнинг арзимас пуллари эвазига оширилар, бирор киши нарх-навоси устида талашиб-тортишиб ҳам ўтирмасди. Бир-бирига суркалиб, туртиниб, нимадир харид қилиш мақсадида раста айланиб юрганлар боланинг ёнидан ўтиб, сўраб қолишарди:

— Чой қанчадан, ука?

Шунда бола эпчиллик билан тўлдирилган бутилкани уларнинг қўлларига тутқазарди:

— Атиги юз сўмдан, ичинг, чанқовингиз босилади.

Чой сўраганлар ҳеч қандай эътирозсиз бутилкани олишар, шунда бола гул-гул ёниб, бақирришда давом этарди:

— Кеп қолинг, муздайгина чойлар бор. Ичсангиз дармонда, ичмасангиз армонда, бор-йўғи юз сўмдан.

— Чойингдан бер, — суратли майка кийиб олган қориндор киши болага яқинлашди.

— Мана, ака, юз сўмдан.

— Намунча қиммат, сенам жа ўзингча деловойсану, — ҳалиги киши бутилкани қўлига олиб, қулқиллатиб ича бошлади. Чанқови босилди шекилли, пешонасидаги терни рўмолчаси билан сидириб артди.

Бола хурсанд бўлиб кетди, навбатдаги харидорни истагандек, атрофга аланг-жаланг қаради. У яхна чой учун жуда кам харажат сарфлашини, лекин оз-оздан пул ййгишнинг машаққатларини ўзидан бошқалар

унчалик ҳис қилмаслигини ўйлаб, гоҳо тажанглиги ортарди.

— Ма, — барзанги шимининг чўнтагидан бир ҳовуч пул чиқарди-да, эллик сўмни ажратиб унга узатаркан, писанда қилди: — Эллик сўмам тешиб чиқмайди.

— Э, ака, кўтармайди, — боланинг кайфияти дарҳол ўзгарди, ўз мўлжалидаги нархга сотмаса, нима фойдаси бор, чой солинган бутилкаларни силласи қуригандек кўтариб келганини мана бу нусха тушунармиди?

— Тагин тортишганини қаранг, тур, йўқол, зумраша, сенга пул ишлашни ким қўйибди? Кўтармаса туёғингни шиқиллат, нима, сен чойингни оптомдан сотиб олганмисанки, устига ўзингни долянгни қўшиб сотсанг...

— Ака, унақа деманг, менам зарилликдан...

— Муштдайгина бўп мунча қайсарсан, мижозларингни норози қилсанг, ишинг юришмайди бола, билиб қўй!

— Нархи ёқмаса, ичманг эди, — жанжалга аралашди расталарга турли матоларни ёйиб қўйган жиккаккина киши.

— Э, сиз аралашманг, бу бола сизга ким, қариндошингизми? — ҳамон отдан тушса ҳам эгардан тушгиси келмасди барзангининг.

— Гап қариндошликда эмасу, энди шу болаям муҳтожликдан чиққан-да, ука. Ҳаммамизникиям тирикчилик...

— Майли, қўяверинг амаки, — бола ўзига хайрихоҳлик қилаётган кишига бир назарини солди-да, ҳалиги зикнанинг афтига қайтиб қарагиси келмай нари кетди.

Боланинг тинка-мадори қуриб кетса-да, чойлари тугаб, сумкаси бўшагани учун ўзини қушдек энгил сезди. Шўртигининг орқа чўнтагидаги қўлдан қўлга ўтавериб, гижимланиб кўрки кетган бир талай юз сўмликларни олиб санай бошлади: бир минг тўрт юз сўм. Бола пулларини тахлаб, яна чўнтагига жойлади, ўзини ўзи рағбатлантиргандек пичирлаб, яшавор, деб қўйди. Энди уйга равона бўлиши мумкин, у йўл-йўлакай учраган егуликлар — сомса, кабоб, гуммага суқланиб қарар, аммо азбаройи пули камайиб қолишини истамаганлигидан индамай ўтиб кетишга мажбур эди. Айниқса, шоколада печеньеларнинг тури кўплигини айтмайсизми? Савдогарларнинг йирик-йирик пулларни санаб, жамлаб сумкага жойлашларини томоша қиларкан, бола улар каби даромади мўл бўлишини орзу қиларди. Шундоққина унинг ёнидаги растага жойлашган қотмагина, қилтириқ гавдасига мос бўлмаган кенг бичиқдаги футболка кийиб олган киши сигаретани устма-уст тортаркан, ҳар дақиқада "Доллар оламинг, доллар" деб ўтган-кетганларга нигоҳ ташларди. Бола ҳали бу ернинг кўзга кўринмас қонун-қоидалари мавжудлигини билмас, бу маконга кўпчилик пул ишлаб топиш, иккинчи тоифадагилар эса ўз эҳтиёжларига яраша нимадир харид қилиш учун қадам ранжида этишларини идрок этарди, холос. Ўзи ҳам шулардан бири бўлиб, кечгача унча-мунча пул ишлаб топишни чўтламоқда эди. Кеч қурса, шу пулга сумка келар. Бир товуққа ҳам сув, ҳам дон дегандай... Ҳа, бунинг учун нафсини кўп нарсдан тийиши керак. Кўнгли тусаган нарсани олаверса, жамгарма тўплаши қийин. Кечаги, ўтган кунгини қўшиб ҳисобласа, ажабтовур сумма, онаси қоғозга ўраб, кўздан панароқ жойга олиб қўяркан: "Фақат ўзингга ишлатасан, Журъат. Ҳар куни беш юз, олти юздан ййғиб борсангман, бир ойда анча бойиб қоласан!" деб уни руҳлантириб қўйди. Бугун онаси унинг шунча пул билан кириб борганидан

боши кўкка етса керак. Бола бозор дарвозаси атрофида уймалашиб турган тўдага ўзини урди: лоторея ўйини экан, ҳали бунақа ўйинда ўз омадини синаб кўрмаганди, бир хаёли беш юз сўмга чипта сотиб олиб, ўчириб кўрмоқчи бўлди, ютуқ чиқса-ку нур устига нур, акси бўлса-чи? Бундай ўйинлар "манаман" деган бойвуччалар учун чиқарилган, ютуқ насиб этмаган тақдирда ҳам сарфлаган пулга афсусланмайди. Яхшиси, оч қорни, тинч қулоғи, уйга кетади.

Офтоб сездирмайгина тиккага кўтарилар, ҳар ким ўз ташвиши билан андармон бозорда одам унча-мунча сийраклашгандек эди. Бола негадир ортига бир қайрилиб қаради, бошидаги оқ кепкасини хўллаб олса, иссиқдан ўзини анча ҳимоя қилган бўларди-я. Аммо қани оқар сув, бозорнинг чор тарафи панжара билан ўралган, мўъжазгина дўконларда иссиқдан нолиган савдогарлар ўтиришарди. Бозорнинг шарқий қисмидан лойқа сувлари тўлқинланиб анҳор оқарди. Бола туртиниб-суртиниб ўша анҳорга бориб келгунча анча вақт кетишини ўйлаб, фикри ўзгарди: оппоқ кепкаси лойқа сувда баттар бўлади. У чанқади, тили танглайига ёпишгудек эди, музқаймоқ еб олса зўр бўларди-я, аммо бунинг учун юз сўмдан воз кечиши керак, э йўқ, пулининг баракаси учади. Ҳадемай мактаб бошланади, бу йил синглиси ҳам биринчи синфга чиқадиган, сумка, дафтар, қаламу кийим-кечак унга ҳам лозим. Эҳ, қанийди қоп-қоп пули бўлса, эгнидаги чоклари тикила-тикила идраб турган майка-шўртиқларини ҳам янгилаб оларди. Кўшни бола Сарварга ўхшаб башанг кийиниб юрса, у ҳам менсимасдан муомала қилишини йиғиштирармиди?

...Журъат уйга етиб келганида, онаси картошка арчиётган экан, пешвоз чиқиб, ҳол-аҳвол сўраган бўлди:

— Эсон-омон келдингми, болажоним? Чойларингни ўтказдингми, ишқилиб, мунча ранг-рўйинг бир ҳолатда, қорнингам роса очикиб кетгандир?

— Амалладим, ойи, қорним пиёзни пўсти бўлиб кетсам, ҳеч нарса емадим...

— Вой болажоним-а, бирор нарса олиб есангам майлийди, ўзингни мунақа қийнама. Жонингдан айлансан, пул бўлса топилар, соғлигингни йўқотсанг қимматга тушамиз.

— Э, ойи топганимни еб-ичаверсам, пул йиғолмайман, ҳар қалай сизга ёрдам бергим келади-да, ойи!

— Ўзим ўргилай ақллигинамдан, мени ўйлама, болам. Сизлар учун яшайман, ахир,— деди онаси унинг пешонасидан ўпиб. Шунда бола онасининг оқ-сарикқа мойил юзида акс этган ифодага рўпара бўлишдан негадир чўчиб, нигоҳини четга бурди.

— Дадам бўлганида бизам бошқача яшардик, а, ойи?

— Албатта, болам, лекин шу кўрган кунимизга ҳам шукр. Бизданам қийналиб яшаётганлар бор, ахир беш кўл баравар эмас.

Она-боланинг суҳбатига шу билан нуқта қўйилгандек бўлиб, бири ошхонага, иккинчиси уйга ўтди. Бола кўрпачага чўзиларкан, оғзини катта очиб эснади, сўнг кўл-оёқларини таранглаштириб керишди. Кўз ўнгиде бозордаги айқаш-уйқаш манзаралар бирин-кетин жонлана бошлади. Юзингда кўзинг борми демасдан, уни ҳақорат қилган ҳалиги барзангининг қиёфаси ҳадеб кўз ўнгига келаверди. Катта одамларга кичкина боши билан ақл бўла олармиди? Бошқалар юз сўм учун талашиб-тортишиб ўтиргани ҳам йўқ, у бўлса ўзининг нақадар хасис эканлигини кўрсатди-қўйди. Боланинг кўзларига ширингина бир мудроқ келди, вужуди толиқиш туфайли уйқуга майл сезмоқда эди.

... Бола қаердандир пайдо бўлган мелисанинг овозидан сергак тортди, озгингина жуссасига титроқ югурди, миясидан яшин тезлигида "Қамаб қўяди энди" деган фикр ўтди. Ўғрилик устида қўлга тушган кишидек кўзларини қаерга яширишни билмай каловланди. Банкасидаги охираёзган чойни тўкиб ташлагиси, банкани эса чил-чил қилиб синдиргиси келди.

— Ҳа бола, сен нима қилиб юрибсан?

Бола мелисанинг қутқусидан қалтираб кетди:

— Ўзим...

— Ўзингга ўзинг рухсат берсанг, жа зўрсану. Балоғат ёшига етмаганлар бозорда савдо қилиши мумкин эмаслигини биласанми ўзи?

— Йўқ...

— Ота-онанг борми?

— Ойим бор...

— Отанг-чи?

— Аварияда...

— Ёлғон айтма, сени ота-онанг пишиқлаб жўнатган, ҳозир одамлар устаси фаранг бўлиб кетган.

— Ука, қўйинг, шу болага тегманг, ўғирлик қилаётгани йўқ-ку!

Бола тегикланиб, сал нарироқда тўнкарилган яшик устига ўтириб олиб, қурут, писта сотаётган кампирга юзланди. Ўзини ҳимоя қилаётганлар топилгани учун қаддини ғоз тутди.

— Ўғирлик қилиш шартми, холажон? Бўйи бир қарич бўп бозорга чиқишни ким қўйибди бунга. Қонун буни таъқиқлайди, ёшинг неччида ўзи?

— Ўнда...

— Тем боле, ўн уч, ўн тўртда бўлсанг ҳам майли экан!...

Бирдан чор-атроф қоронғилашиб кетди, бола кўрқувдан энтикиб йиғламоқчи бўлар, аммо бахтга қарши товуши ичидан чиқмасди. Таажжуб, бу қандай ҳолат? Гўёки ўзини ўзи бошқаришга қодир эмасдек Журъат кўзларини зўрға очди ва беихтиёр:

— Ойи, пулларим қани, пулларим?— деб қичқариб юборди.

— Вой ўлай, вой ўлай, нима бўлди сенга, терлаб кетганингни қара-я, болам?— ошхонадан югуриб унинг ёнига кирган она фарзандидаги фавқулудда ҳолатдан кўзлари ҳайратга тўлиб тошди.

— Тушимми, ўнгимми, мени мелиса тутиб олиб, бор пулимни олиб қўйди, шунга сўраяпман, ойи,— бола таҳликали ҳолатдан ҳамон ўзига келолмас, рўй берган ноҳушликни ойдинлаштириб олишга зўр бериб уринмоқда эди.

— Ҳа, шундоқ демайсанми, болагинам-а, кўрқитиб юбординг-ку, туш кўрибсан, ана пулларинг жойида турибди...

— Ростданми?

— Вой, ана ишонмасанг туриб қарагин, уч ярим минг сўм пулингни боягина санаб, анув қутичага солиб қўйдим.

Онаси шундай дея секингина шкафни очди-да, укасига келтирилган туфли ичидаги пулларни унга кўрсатди. Бола енгил тин олди, хайрият ўнги эмас, туши экан ва ўрнидан қўзғолиб, онасига юзланди.

— Ҳалол пулга ҳеч ким ҳеч қаерда чанг сололмайди, болам. Ахир бу пешана теринг эвазига топилган пул-да.

Бола кўрган тушининг таъсири худди туман каби тез тарқаганидан сакраб юборди....





Зарина РАҲМОНОВА

Аллақачон кечирдим сени

* * *

Оғриқлардан ингранар юрак,
Тўкилиб бормоқда кўзларим.
Йигирма йил умрим ўксинар,
Йигирма йил нени изладим?

Судралади ҳорғин қадамлар,
Лабларимда қотган сукунат.
О, телба дард, телба изтироб,
Борлигимни кетдинг ўғирлаб.

Юлдузлари қулаган осмон,
Тутолмадинг, афсус қўлларим.
Қара, сўнги нафасларимдан
Сен томонга ҳаёт йўлладим.

Куйдирмоқда бўғзимни Алам,
Тўлганмоқда кўксимда Видо.
Мен дунёдан ўтмайин, нечун
Мендан ўтиб кетмоқда Дунё?!

КЎЗИМНИ ТИКИБ

Кутганимни яхши биласан,
Аммо кутқу тушмас дилингга.
Тушунаман,
Масофа олис,
Келмоқ жуда малолдир сенга.
Излаб кетар
Хавотирларим,
Изларингга
Йўлим энтикиб.
Афсуе,
Сезмай қолдим
Кетганинг,
Кўзларингга кўзимни тикиб.
Келолмасанг,
Ўйлаб ўтирма.
Аллақачон кечирдим сени.
Билсанг, чин ишқ таъмасиз бўлар,
Бунда тенгдир
Рўёси,
Чини.
Баски, келиб бўлма оввора,
Истамайман, қийналишингни.
Мен Худодан ўтдим, содиқ
Бир сулувга уйланишингни.

ТУНИМ КЕЧДИ
Туним кечди, кундузимдан туним кечди,
Дардим оғир, тағин сенга юқмасин-да.
Излаб юрма, тополмайсан, энди бекор,
Изларимни супурганман кетмасимдан.

Чорлаяпти, боғи кавсар сабуҳлари,
Кўнглим сезар, ортиқ бунда қололмайман.
Манзил тайин, кетяпман, манзил тайин,
Сочларимга боғлаб олиб армонларим.

Ҳали замон чечакларга кўмиламан,
Кўзларимда қизил гуллар очилади.
Ишон, сендан бўлак фақат ўлим севдим,
Қара, сўраб кепти ажал совчилари.

Юрак тома-тома тугаб бораётир,
Учаяпман, маънос руҳим осмониди.
Хайр жоним, энди бошқа кўришмасмиз,
Мен кетяпман ҳур қизларининг маконига.

ХАЙРЛАШДИК

Хайрлашдик,
Хайр демадим.
Кўрқдим,
Ноҳуш сўзинг сеҳридан.
Ўзингизни асранг, демадим,
Паноҳида асрайди Эгам.
Ортингиздан боқмадим узоқ,
Ахир сўнги йўл эмас-ку бу.
Тезроқ қайтинг, демадим,
Эвоҳ!
Тилгинамни куйдирди шу сўз.
Айтолмадим, соғинаман деб.
Юрак титраб-титранаверди.
Қаршингизда ҳаяжонланиб,
Телба кўнгиладан гудранаверди.
Қора кўзлар...
Қон-қора кўзлар,
Ёшдан баттар қорайиб кетди.
Хайрлашдик,
Хайр демадим,
Сиз ҳам
Хуш қол, деганингиз йўқ,
Сизни ҳамон кутаяпману,
Аммо ҳануз келганингиз йўқ.
Кутмасликка ҳаққим йўқ маним,
Келмасликдан сиз ҳам бенасиб.
Ҳижронларнинг риштасин узиб,
Кўришармиз, биз яна ҳали...
Хайрлашдик,
Хайр демадик...

БИРИНЧИ УЧРАШУВ



Дурдона АБДУМАЖИД қизи

Менга меҳрин тутади ҳаёт

КЎЙЛАРИМ

Салқин оқшом чўқар оҳиста,
Уфқ узра бош кўяр қуёш.
Мен боғларни кезаман аста,
Қуюқ ўстан теракзор сирдош.

Шивирлайди кимдир бемажол,
Тўкламан тонги шабнамга.
Йўлларимда эса бир шамол,
Киприкларим беланар намга.

Салқин оқшом, тентирайди ёз,
Дарёларда оқар ўйларим.
Лаҳзаларим ўтар қандай соз,
Кўкни кучар сўнги кўйларим.

ҲАЁТ

Қароғимда яшайди севинч,
Кунларимда бошланади бахт.
Бахтиёрман ошноларим тинч,
Менга меҳрин тутаяди ҳаёт.

Қутлағайдир юракдаги ҳис,
Шеърин менга улашар ҳасрат.
Шундай дамда суйғулар изсиз,
Гўзаллигин тутар табиат.

Нигоҳларин нурдек таратган,
Бўлдим илҳом парисин асри.
Мени ўтган қўшиб яратган,
Худо мени севади асли.



Қиличбек МУСТАФО

ҲАЛОСКОР ҚОҶОЗЛАР



Ҳикоя

Марғуба остона ҳатладию, меҳмонхонадан келаётган таниш овозларга сергак тортиб қулоқ солди.

— Етти минг сўм камми?

— Еттитангиз киссангизда турсин, Мавлонбек! — Бу тўнғич ака бўлмиш Тўлқиннинг товуши. — Бу ҳовли аслида тўнғич ўғилники бўлиши керак, бир вақтлар сал аҳмоқлик қилиб чиқиб кетганман, ҳозир шу хатони тўғрилаш пайти, нега ундан фойдаланмаслигим керак? Ҳовли эвазига ўзим ўн минг бераман.

— Аҳмоқлик қилгансизми, бошқами, бир мартага бу ҳовлидан воз кечгансиз, — деди дағаллик билан Мавлонбек, — энди сизнинг даъвогарликка ҳаққингиз йўқ. Туфлаган тупукни қайтиб оғизга олса шармандалик-ку?!

Кенжа ука Шокир гапга аралашди:

— Бу туришда келишолмаймиз... Келинлар, яхшиси, қуръа ташлайлик, ютуқ кимга чиқса, ҳовли ўшаники, нарҳини кейин келишамиз.

— Чўпчақингни ўзинга айт, укагинам, — деди Тўлқин овозини баландлатиб, — қонун ҳам, бошқаси ҳам мен тарафда.

Марғуба ака-укалар нима устида гаплашаётганини сезгач, бир зум карахт туриб қолди. Сўнг беҳол ётоқхонага кириб кетди. Юраги бемехр ака-укалар баҳсидан эзилиб, тобора изтиробга тўлиб-тошарди.

Эшик ғийқ этиб очилди. Марғуба у ер-бу ерини тўғрилади. Ётоқхонага кирган қайнонаси экан.

— Қайнагаларингиз келганди, — деди Ҳамробуви бўсағада туриб, — Асқаримнинг қирқида қабрига тош қўйишмоқчи эканлар, қандайини қўяйлик деб сизнинг олдингиздан ўтишмоқчи.

Марғубанинг юраги эзгин хаёлдан сирқираб кетди: "Ҳозиргина ҳовлини савдолашиб туришганди-ку, ака-укалар?! Бу юзсизликни кўрган кўзлар кўр, эшитган қулоқлар қар бўлиб қолмайдами?..."

— Акаларимга раҳмат айтинг, — деди Марғуба дилидагини тилига кўчирмай, — укамизнинг қабрига қанақа тош қўяйлик дея бошлари оғримасин, топганда болаларим билан ўзимиз қўямиз...

— Ниятингиз кўп яхши, — деди Ҳамробуви, — фақат акаларингизга бунақа дея ўтирманг, ҳар ҳолда урф-одатни ҳам ўйланг. Акаларингизнинг кўзи тирик туриб уч бола билан сизнинг югуриб юрганингизни кўрган қишлоқ нима дейди? Бордию болаларингиздан орттириб, уч-тўрт сўм берсангиз, унинг йўриги бошқа...

Марғуба қайнонасининг гапини эшитгиси келмай:

— Яхши... Бораверинг, ҳозир чиқаман, — дея мингирлади.

Марғуба мактабда муаллима. Бошланғич синфлар билан шугулланади. Мана, кўргилик экан, — ўтгиздан ўтар-ўтмас эридан айрилиб, тул қолди. Эри Асқаржон туман газ идорасининг бошлиғи эди. Топиш-тутиши тузуккина, қариндош-уруғ тугул, етти ёт бегоналарга ҳам меҳрибон, имкон қадар ёрдам қўлини чўзар эди. Аммо яхшининг умри қисқа деганлари чин экан. Бундан бир ой аввал у автоҳалокатга учради. Оғир аҳволда, касалхонага келтиришди. Қишлоқ туман марказидан хийла узоқ бўлгани учунми, ҳарқалай бу шумхабар оиласига анча кеч етиб келди. Ҳалокатдан сўнг роппароса бир кеча-кундуз ўтгандан сўнг, Марғуба чошгоҳга яқин касалхона йўлагига пайдо бўлди. Юраги кўрқув ва таҳликадан гурс-гурс урмоқда. Кўзларида филт-филт ёш.

— Кечирасиз, кириш мумкин эмас, — дея оппоқ либосдаги врач аёлни тўхтатди.

— Мен... Исматип Асқарнинг оиласиман... — аранг гўлдиради Марғуба.

— Биламан... лекин у кишининг олдига кириш мумкин эмас. Аҳволлари оғир...

— Қачон кирсам бўлади эса? — сўради аёл юраги така-пука бўлиб.

— Тўғриси, — деб чайналди врач, — ҳозир олдида одам бор. Қани, ўша... чиқсин-чи, кейин, кўрамиз.

Марғуба касалхона йўлагигаги чарм қопламали курсилардан бирига омонат чўкди. Икки кўзи эри ётган палатада. "Ё, Худо, ўзинг асра. Болаларимга раҳминг келсин, эримни бағримизга қайтар".

Орадан ярим соатча вақт ўтди. Ниҳоят, палата эшиги қия очилдию, у ердан чиққан қалта сочли, қалта кўйлак кийган аёлни кўриб Марғубанинг бутун вужудига газабми, аламми шунга ўхшаш шилимшиқ туйғу ўрмалади: "Наҳотки..."

Шу хира туйғу Марғубани буткул қамраб олди. Бироқ эрининг олдига кириб видолашишга улгурмади. Врачлар унинг жони узилганини айтишди. Марғуба ув тортиб йиғлаб юборди.

Дафн маросими, еттилик худойи эл қатори ўтказилди. Асқаржоннинг ака-укалари бел боғлаб хизмат қилишган бўлди. Ўшанда Марғуба қайнагаларидан хурсанд бўлган эди. Аммо бугунги хуфёна суҳбат... Шусиз ҳам тилка-пора бўлиб юрган аёл юрагини баттар нимталади. Устига-устак, Марғуба ўша чошгоҳ



касалхонада қўрган манзара-чи?! Ким ўша аёл?! Асқар акага қандай яқинлиги бўлган? У ўз ўлими олдидан нега ўша жувон билан учрашди. Наҳотки, у Асқар акага Марғубадан ҳам азиз бўлса?!

Бу хил савол-жумбоқлар Марғубани ўша чошгоҳдан бери қийнайди. Ҳатто дафн маросими, мангу айрилиқ ҳам уни юпатолмади. Ўша калта сочли, калта кўйлакли жувон ҳар гал кўз ўнгида жонланаркан, беихтиёр ич-ичида яна ўша туйғу — ғазаб ва алам, шилимшиқ рашк гимирлаб қолади.

"Бу хонадонда мени ушлаб турадиган ҳеч нарса йўқ, — шу ўй Марғубанинг тез-тез хаёлидан ўтарди, — тўғрироғи ҳеч қачон бўлмаган экан..."

Шу сабаб қайноғаларининг хуфёна маслаҳати фақатгина унинг нафратини кўзгади. Бор аччиқ ҳақиқатни, ака-укаларнинг юзсизлигини очиқ-ошкор этиб бу хонадондан бош олиб кетишга ўзича қарор қилди.

* * *

Марғуба кириши билан Тўлқин қўлини фотиҳага ёзди. Уйдагилар унинг ортидан қўлларини юзларига суришди...

Тўлқин олдидаги пиёлани қўлига олиб:

— Энди, келин, — дея узоқдан гап бошлади. — Инсон яралибдики — ўлим ҳақ! Биз истаимизми-йўқми, ҳаммамиз бу дунёни тарк этамиз. Шундай экан, ҳа деб ўзингизни қийнаманг, сиз ҳали болаларингиз учун ҳам кераксиз. Тўғри, эрта келган, эрта кетмак керак, нима дейсиз, энди қийналиш эмас, уриб бошимизни ёрганимиздаям Асқаржон тирилиб келмайди. Ўша учун тақдирга тан беришимиздан, тирикларнинг эртасини ўйлашимиздан бошқа чорамиз йўқ. Сизни чақиримиздан мақсадимиз Асқаржоннинг эртдан кейин қирқини ўтказишни ўйлаб турибмиз. Қирқига уч юз кило гуруч олмоқчимиз. Ошнинг тагига Жомнинг бозоридан тўрт-беш пуллик қора кўчқор олмоқчимиз. Абдурашид мойчига юз кило зиғир ёғ тайинладик. Ака-укалар эл-улусга аралашиб юрибмиз, кейин Асқаржон ҳам эгарнинг устида эди, одамлар гапирмасин деймиз-да... Галатепалик Холиқ сантарошга тош буюриб қўйганмиз, агар оғир ботмаса, Собиржон билан шу тошни бориб қўриб келсангиз. Худойи кун тошнияма укажонимнинг қабрига қўйсак. Ҳозир тилга олганларимни чўтга солса, беш-олти сўмга бориб қолади. Буёқда биримизда бешта, бошқамизда олти қоракўз берсанг ейман, урсанг ўламан деб қараб турибди...

Марғуба унинг гапини бўлди.

— Беш-олти сўмингиз қанча бўлади?

Уйдагилар "ялт" бир-бирига қараб олишди.

— Гап харажатда эмас, келин..., — биров ўйланиб қолган Тўлқин мақсадга кўчди. — Ростини айтганда, сизга "берди"сини айтиш учун гапни узоқдан бошлагандим. Бундан бу ёғига, сизнинг топганингиз уч қора кўзга етиб турса, шунинг ўзи бизга катта давлат. Бу ёқда, ёши бир жойга бориб қолган энамам бор... ҳар нарсани тановул қилавермайди: сиз қарайсиз, қарамайсиз эмас, кундуз кун ишдасиз, энамнинг иссиқ-совуғидан хабар олишга вақтингиз етадими-йўқми, мана гап қаерда. Ўша учун энам энди меникида...

— Йўқ, меникида... — Мавлонбек шарт акасининг гапини кесди.

— Бир пасгина сабр қил! — Тўлқин укасига ялинганнамо қараб олиб, давом этди. — Болаларингиз,

бу ёқда энам, унинг устига ҳовли, сизга оғирлик қилмасмикан деймизда, а?..

— Гапни майдаламай, дангалини айтаверинг? — деди Марғуба шартта. — Гулдайгина эрини тупроққа бериб чидаган инсон, бошқа кўргуликларгайм чидайди.

— Биз сизнинг ташвишингизни ўйлаямиз...

— Менинг ташвишимни?.. — Марғуба Тўлқиннинг гапини оғзидан олди. — Менинг ташвишимни ўйлайдиган одамлар, эримнинг тупроғи совумай, бола-чақаси билан ҳовлидан қувиб чиқариш ташвишида бўлмасди. Мени ўйламаслигингиз мумкин, ўйлайдиганим энди йўқ. Аммо укангиздан қолган уч қора кўзни ўйламаслик, боя сиз тилга олган на шариатга, на шароитга тўғри келади. Биласизларми, ҳозир сизларни кўриб, эшитиб туриб, нима алам қилаяпти. — Марғуба уйдагиларга бир-бир қараб чиқди. — Мабодо биз, сизларни бирор муддат сўраб бормасак, силар ўқимишли, мансабларинг бор, дея хафа бўлардинглар. Ўша пайти мен, акаларингиз хафа бўлмасин, уларни тез-тез йўқлаб турайлик, десам, укангиз, сен акамларнинг у гапларига унчалик ҳам ишонаверма, ҳозир биздан олаётган ёрдами туфайли, бизни сўраб турибди, эрта бир кун биздан борадиган ёрдам тўхтаган кун, акамлар саломини насиё қилади, десалар уларни койирдим. Койиб нотўғри қилар эканман, мана нимаси алам қилади.

— Тугадими? — Мавлонбек Марғубага ўқрайиб қаради.

— Йўқ! — Марғуба бошини кескин чайқади. — Қўрқманг, савдоларингга халал бермайман, гапим тугаши билан бу уйдан чиқиб кетаман.

Шу пайт дарвоза қаттиқ тақиллади. Меҳмонхонада ўтирганлар бир-бирига хавотирли кўз ташлашди.

— Ким экан-а? — деб тўнғиллади Мавлонбек, машварат бузилаётганидан норизо.

Кенжа Шокир бўсағада бир бурдагина бўлиб ўтирган онасига им қоқди.

— Эна, чиқиб қаранг-чи, ким экан?

Ҳамробуви шарпадек сидрилиб ташқари чиқди. Меҳмонхонага ўлик сукунат чўқди. Дераза ойнасидан кулранг, гезарган осмон парчаси гира-шира кўзга ташланади.

Бир пайт Ҳамробуви калта сочли, қизғиш, енг-ёқасиз, калта кўйлак кийган, қош-кўзлари обдон бўялган жувонни бошлаб келди.

Марғуба аёлни таниб беихтиёр қалқиб тушди:

"Шу етмай турувди. Бу ҳам ҳозир бошлайди, шарманда бўлдим."

— Кечирасизлар, — деди нотаниш аёл, — мен Холтўраева Санобарман, туман нотариал идорасида ишлайман. Исматов Асқар ўлими олдидан баъзи нарсаларни расмийлаштирган эди. Шуни сизларга маълум қилмоқчиман.

— Нимани расмийлаштирган? — беихтиёр оғзидан чиқиб кетди Тўлқиннинг.

Санобар индамай сумкасидан бир даста қоғоз чиқарди.

— Аввало, марҳум Асқар Исматов ўз ҳовлисини хотини Марғуба Исматова номига ўтказди.

— А?..

— Нима?!

Ака-укалар чаён чаққандай сапчиб ўринларидан туриб кетишди.

Марғубанинг кўзларидан эса милт-милт ёш оқарди.



Ўқтам МИРЗАЁР



Елкадошим, сафларда бор бўл!

Ўқтам Мирзаёв 1956 йилда туғилган.

Шоир ижодидан намуналар ўтган асрнинг 80-йилларидан эътиборан марказий нашрларда чоп этила бошлаган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. "Огоҳ кўнгил", "Яхши кўнлар кувончи" деб номланган шеърий тўпламлар муаллифи. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган шеърлар шоирнинг яқинда нашрга тайёрланган "Соғинч дафтари" номли шеърий китобидан олинди.

Ўқтам Мирзаёв "Ўзбеккино" Миллий агентлиги қошидаги «Киночилар уйи»нинг раҳбари вазифасида хизмат қилмоқда.

ЗАМОНДОШАРГА

Ватан — менинг кўнглим,
Ватан — сенинг кўнглинг,
Ватан обод бўлар,
Кўнгли обод бўлса!

Тобора юксалар,
Орзулар нарвони.
Тинч бўлса, яшнаса,
Ватан кўрғони.

Белингни боғлагин,
кўнглингни чоғла.
Меҳр кўй Ватаннинг
ҳар гиёҳига.
Ватан обод бўлар,
Кўнгли обод бўлса!

Дўстим, елкадошим,
Сафларда бор бўл.
Улуғ Истиқлолга
Бошлади Сарбон.
Кўнглимизда ҳурлик,
елкамизда ҳурлик.
Истиқлол туғини
кўтарди карвон.
Бизлар карвон бўлдик,
Сафдош — беармон!

Обод ватанларда
ободлик — байрам.
Озод ватанларда
озодлик байрам.
Чехрангда табассум
Кўрсам, замондош,
кўнглимда байрамдир,
кўнглимда байрам.
Бахтинг шу — Истиқлол
Офтоби боида.



Қалбингдан тафт олар
ҳатто кўёш-да!
Миннат йўқ,
еганинг-бир чўқим ош-да,
Ватан обод бўлар,
Кўнгли обод бўлса!

ҒАЛАБА

Шамол турди,
Даврин сўрди.
Ёмғир ёғди.
Сабр қилди ер.

Шамолнинг кўзига
Тупроғин сочди.
Булутга кўксини керди, беписанд.
Ёмғирни ирмоқ қилди аямай,
Бардош билан ер.

Асради гулларни сағрида,
Ана, кўринг, қизғалдоқлар —
Тўп, тўп қизалоқлар.
Қиқир-қиқир энтиқар,
Онасининг бағрида.

ЕР

Ер, ўғлимсан, бўзатойимсан,
Кучоғимга сиғмаган болам.
Ер, қизимсан, гулчирайимсан,
Ўзинг бўлиб кўринар олам.

Қани, жилға бўлсам-да чоғиб,
Юзларингни ювсам эркалаб.
Қани, бир бор имконин тоғиб,
Пешонанга кўя олсам лаб.
Туморимсан, юракка осган,
Ардоқловчи дил оромимсан.

Ҳориб келсам, бағрига босган,
Ер, онамсан — меҳрибонимсан.

ЮРАК

Ғалаба нашъаси барибир ширин,
Аёвсиз курашдан толиб чиқсанг ҳам.
Атрофи бурқсиган фасод дунёда,
Тухмат, маломатга қолиб чиқсанг ҳам.

Бурчак-бурчакларда ўйнаб турар мушт,
Нега сен етимсан, бечора, сағир?
Ҳар қадам пойингдан чалар беимон,
Ғалаба, бунчалар йўлларинг чағир?!
Пичоғини қалбга санчиб турар вақт,
Бардошим етганча оёқ тирайман.
Қаддимни ростлайди вужуддаги шахд!
Манфур хужумларга шундай ярайман.

Бир бора, ўн бора — юракда санчиқ,
Ёлғизгина умид унга суянчиқ...

Биламан, ғолиблик нашъаси ширин,
Кўксим тоғлар каби қудратли, юксак.
Осмоннинг тоқига тегади бошим.
Яна бир қаддимни кўтарсам бешак!

...Тоza ҳаволарда яйра эй, юрак!
Гуприб, юзимга беролдинг сайқал.
Кўксимда мардона урганнинг учун,
Ушбу сатрлардан кўяман ҳайқал!

ВАРРАКЧА

(Болалик таассуротларидан)

Ҳов болалик, болалик-а,
соддагина болалик.
Шокиласи жилвир, жилвир
Варракчалар ясадик.



Қувнаб-қувнаб орзумизни
самоларга чоғладик.
Варрагимиз иқболига
Умидимиз болалик.

Учди бизнинг варрагимиз,
Ҳаммасидан зўр, баланд.
Виз-визагин визиллатиб,
Дилларимиз қилди банд.

Эрмак бўлиб қолди шўрлик
Елвизаклар қўлида.
Энди унинг овозини
Эшитамиз йўлига...

* * *

Шамол — баҳорнинг дугонаси,
Ёмғир — ошиқларнинг девонаси —
Шаррос изҳор этар ишқини.

Ловуллайти баҳорнинг юзлари,
Ялтизлар — маҳалланинг қизлари.

Севгининг суврати шундайдир —
Шамол баҳорни етаклаб дайидир.
Шов-шов ёмғир изғийди кўчада —
Ёлқинли ҳислари қалбида.

Дув-дув гап ариқлар лабида.

ОНАИ ЗОРИМ

Ёш қўшилиб ёшимга,
Қиров кўнди бошимга.
Қайтмас умр тулпори,
Ул навқирон ёшимга.
Истаганим не ўзи?
Истаганим дийдорми?
Орангизда онамдай
Содда, меҳрибон борми?

Дунё тўкилиб борар,
Кўз ўнгимда чокидан.
Онажоним, айланай,
Сочингдаги оқингдан.



Биз учун келтирганинг
Андухлар энди ёрми?
Қавму қариндош ичра,
Ўзингдек табон борми?

Армоннинг аччиқ чашими,
Юзларимни тилдиё.
Эгилган кезде қаддим,
Қисмат юкин илдиё.
Оромижон суҳбатлар
Энди абад хуморми?
Кезиб, дерман оламни,
"Нури жаҳоним, борми?"

"Йўқ", шовулар кўзда ёш,
"Йўқ", кўнгилда қотди тош.
Қиёматгача бардош,
Етармикан, қариндош?
Изларига қўйдим бош,
Кўнгил меҳрга зорми?
Чашмаи қалбим менинг,
Йўлимда интизорми?



Холиқназар ОЛИШ

Бир куйлаб дунёни қўғим келади

ДЕҲҚОН ЙГИТ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Уйғонади қуёш эрта тонг,
Ёруғлар бахш этар очунга,
Қайтган каби гўё қалдирғоч,
Айвондаги қадрдон инга.

Асалари шошар гўнғиллаб,
Илк наҳрдан ийққани нектар.
Белин маҳкам боғлаб чумоли,
Маконига ризқини элтар...

Хонқизи ҳам ёйиб қанотин,
Керишади ширин энтикиб.
Ҳар жондорга тирикчилигин,
Сочмоқ бошлар табиат кулиб.

Елкасига орқалаб кетмон,
Салмоқ билан йўл чизар йигит.
Она замин тароватидан
Сархуш бўлар — ҳар сахар йигит.

Қадоқ қўли яратар хирмон,
Меҳнат-иждод йўлдош доимо.
Бесамар ҳеч кетмагай ахир
Ихлос билан эл қилган дуо!

Чароғон тун:
Муъжаз сой бўйи,

Интиқ кутар у дилдорини.
Юрагига жойлаб яна кўр,
Даласига тўкар борини...

Унга бахт ёр, у замин ўғли
Юксалтирар эл хирмонини.
"Оқ олтин"дан тоғ бунёд этиб,
Кўтаради ўзбек шонини!

НОЯБР ТОНГИДАН БОШЛАНДИ БАҲОР

Ҳазонлардан баргак тақди тол рангин,
Сарғайган юзларин сийпади мезон.
Авзойи бузулди рашқдан булутнинг,
Чақинлар чақнади кўзлардан бир он.

Худди баҳордаги каби эди тонг,
Ушандаги каби илиқ-соф ёмғир.
Оғир гумбурлардан осмон уриб бонг,
Рақиб ошиқларни титратди зир-зир...

Баҳордаги каби камалак-тожсин,
Бошига тақдиро висола келди,
Ушандаги каби шўхчан ва саррин
Элчи шаббодалар югурди-елди.

Толнинг баргаклари сочилиб кетди,
Социга илашди булбул навоси.
Наво-ки, кўнгиллар очилиб кетди,
Баҳордек яшнади кузнинг ҳавоси.

Висолни кўзпана қилди оқ чойшаб...
Бошланди кўкламнинг сурури, гашти.
Висолдан сўз очди лаблар шивирлаб,
Висолдан кўнгиллар бир дам яйрашди...
Ноябр тонгидан бошланди баҳор!..

ОНАЖОНИМНИ ҶОЛАБ

Гоҳо ёлғизликни тусаб қоламан,
Кўнгил истаб қолар сокин дамларни.
Невараларимнинг ҳам ҳархашалари,
Қува олмай қолар дилдан ғамларни.

Фарзандлар бир дунё ташвиш кўтариб,
Ёнимга келсалар дилим оғринар.
Онажон, кўзларим Сизни излайди,
Юрак симиллайди, кўнгил соғинар...

Гоҳида ўзим ҳам гўдакдек бўлиб,
Маъсум кўзингиздан ўпгим келади.
Соғинч ҳисларимни қўшиқлар қилиб,
Бир куйлаб дунёни қучгим келади!

Онажон, бу соғинч қалбим армони,
Сизни кутавериб тўрт бўлди кўзим.
Сокин дамларимда дардлашгим келди,
Суҳбат қургим келди, бир Сиз, бир ўзим.





Нуриддин ИСМОИЛОВ

«КЕЧИР МЕНИ, РАЪНО!»

Ҳикоя

Нуриддин ИСМОИЛОВ — 1969 йил Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида тугилган. Ўрта мактабни тугатгач, 1991-1997 йилларда Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетида таҳсил олган.

Бир қанча ҳикоя ва қиссалари матбуотда эълон қилинган. "Одамлар орасидаги одамлар" деб номланган ҳикоялар тўплами, "Ўлимга маҳкум қилинганлар", "Миллиардерга қўйилган тузоқ", "Бургут тоғда улғаяди", "Жаҳолат қурбонлари", "Омонат ғор сирини", "Иблис салтанати" номли саргузашт-детектив романлари китоб ҳолида чоп этилган.

...Поездда Самарқандга кетаётгандик. Ҳамроҳим анча гапдон чиқиб қолди. Олис йўлда шундай ҳамроҳ борлиги ҳам яхши-да: зерикмайси. Хуллас, ўтмишдан гаплашдик, келажакдан, суҳбатимиз охир-айланиб муҳаббат мавзусига бориб тақалди. Шунда ҳамроҳим купемизнинг очиқ эшиги ёнидан ўтиб бораётган шўх ёшларга ҳавасланиб қараркан:

— О, қани эди, уларнинг ёшлиги менда бўлиб қолса! — деди.

Бу гапни эшитиб кулиб юбордим.

— Вақтида жигарингиздан роса урган шекилли, — дедим.

— Сўраманг, — деди шеригим армон ила. Сўнг жойлашиб ўтириб олгач, кўшиб қўйди: — Келинг, мен сизга ўз муҳаббат тарихимни айтиб берай, баҳолаш ўзингизга ҳавола.

Шундай қилиб, кутилмаганда ғалати севги тарихини эшитдим. Уни сизга айрим исмларни ўзгартирган ҳолда айтиб бермоқчиман, марҳамат.

Мен тўққизинчи синфда ўқиётганимда севиб қолганман. Синфимиздаги энг гўзал, энг аълочи ва бошқа ҳамма энг... энгларнинг эгаси Раънони.

Бу кутилмаганда содир бўлди. Ўша куни нима фалокат босиб математикадан фақат мен уй вазифасини тайёрлаб келибман. Ҳамма синфдошларим мендан кўчирди. Худди тоғни талқон қилиб қўйгандай кўкракни кериб доска олдида юрибман. Шунда... гўзал Раънога кўзим тушиб қолди. У менга сал ҳайрон қолгандай қараб турарди, кўзларида ўзгача ифода зоҳир. Юрагим гупириб уриб кетди. Оёқларим қалтираб, ўз-ўзимдан илжай бошладим.

Ўқитувчимиз биз билан саломлашиб бўлгач, бирма-бир уй вазифани текшира бошлади.

Энг қизиги, масала нотўғри ечилган, бунинг устига, мисолнинг жавоби ёнига ўзим билмаган ҳолда бир чизик чизиб қўйган эканман. Барака топқур синфдошларим ҳам худди шунга такрорлашибди. Ўқитувчимиз бизни ёнига навбат билан чақириб, битта-битта "икки"ни жингалак қилиб қўя бошлади. Мен чиқиб келганимда сабр косаси жуда тўлиб кетган экан.

— Кимдан кўчирдинг? — дея муаллим менга кўзойнаги тепасидан қаради.

— Ҳеч... Ҳеч кимдан, — дедим мен гўлдираб. Шу ондаёқ ўнг қулоғим қаттиқ қизиб кетди.

У маҳаллари негадир мактабимизда педагогиканинг бунақа усули оммалашган эди.

Бутун синф жим-жит. Ҳамманинг кўзи бир неча дақиқада шолғомнинг қариндошига айланган каминада.

Танаффусда синфимизнинг энг... энг гўзали ёнимга келди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ўзингиз биласиз, тирноғимгача қалтироқ кирди.

— Сиз бутун синфга яхшилик қиламан деб жазоландингиз...

Сир бой бермадим.

— Ҳечқиси йўқ, — гўдайдим мен, — пашша чаққанчалик ҳам бўлмади.

— Кўзингизда ёш пайдо бўлгандек туюлди менга, — дея ажабланиб сўради қиз.

— Буниси "маскировка" эди. Агар шундай қилмасам, Ботир ака тепиши аниқ эди.

Раъно жилмайди. Унинг ҳусн-жамолини янада гўзаллаштирган табассумини кўрдим-у, довдираб қолиб, сал бўлмаса йиқилаёздим. Шу билан яна кўнғироқ чалиниб, навбатдаги дарс бошланди.

Раънодан кейинги партада ўтираман. Қизнинг силлиқ таралиб, битта қилиб ўрилган қоп-қора сочига термулиб, хаёлан у билан боғ-роғларда сайр қиламан. Унга гулларнинг энг чиройлисини ҳаётаман... У эса боягидек жилмаяди. Мен яйраб кетаман, кейин...

Кейин қўлидан ушлаб...

— Дафтарни жойига қўй, — ёнгинамдан вишиллаган овоз келди бир пайт.

"Зухра қандай қилиб келиб қолди бу ерга?" — дея ҳайрон бўлиб ёнимга қарасам, ўтирибди биқингинамда афтини бужмайтириб.

— Қайдан пайдо бўлдинг?! — деб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Қўлимда эса унинг гижимланган дафтари. Зухра кўрсаткич бармоғини пешонасига ниқтаб айлангирди-да:

— Жинни-пинни бўлдингми? — деди.



Бунинг нафаси совуқлигини! Онаси қиш чилласида туққанми?!

— Энди битта дафтар оберасан, — деди Зухра.

— Музқаймоқ ейсанми? — дея унинг "чангали"дан кутулиш учун агайин гапни бошқа ёққа бурдим.

— Қаерда сотяпти? — ҳайрон бўлиб қаради у менга.

— Боя танаффусда кўрдим.

— Ейман.

— Бошқа нарса хохламайсанми?

— Шоколад ҳам бормикан...

"Қарс" этган овоз келди бир маҳал. Кейин қулоғим қизий бошлади. Билдимки, физика ўқитувчимиз Толиб ака ёнимда. Кўрқа-писа ўқитувчига қарадим. "Мана сенга шоколад!" деди у ғазаб билан. Бутун синф менга зигирча ачинмади, қайтанга ҳамма қаҳ-қаҳ отиб кулди. Фақат Раъно... Фақат шу қизгина менга ачиниби, кўзида ёш билан қараб турарди. Тарсаки еб-ку, ўрганиб қолганман, аммо биров сенга ачиниби қараб турса ғалати бўлиб кетаркансан...

Танаффусда Раъно ёнимга келди. Ўзини мажбурлаб жилмаяркан:

— Кундан-кунга шўх бўп кетяпсиз, — деди у. — Зухра билан бунчалик апоқ-чапоқдигинингизни билмасаканман...

— Йў-ў-ў-қ, — дедим кескин бошимни чайқаб. — У менга халақит берди.

— Қанақасига?

— Ёз... ҳа, ёзаётгандим. Адабиётга тайёрланаётувдим.

— Физика дарсида-я...

Ёлғоним ошкор бўлмаслиги учун "ҳм" деб қўя қолдим.

— Тушунарли... агар ўқитувчининг ўрнида мен бўлганимда, бу бетингизга ҳам туширган бўлардим.

Ичимдан "қанийди" деган бир нидо келди. Ахир бу қизнинг чиройли кафти юзимни силайдиган бўлса, кун бўйи ҳамма дарсда бутун синфни бошимга кўтаришга ҳам тайёрман.

Шу пайт кўнғироқ "вой-вой"лаб қолди-ю, гап-сўзни тугатишга мажбур бўлдик.

Дунёда энг оғир фан қайси деб сўрашса, ҳеч иккиланмай "химия" деб жавоб берардим. Очиғи, шу фанга ҳечам тушунмайман. Ўқитувчимиз қанақадир қоришмалар дейдими-ей, яна эквивалент-пеквивалентига бало борми...

— Тўхтасинов! — деди ўқитувчимиз узоқ вақт журналга тикилиб тургач. Бу каминанинг фамилияси. Лекин шарифим айна дамда тилга олинишни ҳечам истамаган эдим. Бироқ... тақдир экан, начора.

— Лаббай, — дедим оҳиста. Жавобимни, менимча, ўзимдан бошқа ҳеч ким эшитмади.

— Тўхтасинов! — бу сафар ўқитувчининг овози асабийроқ чиқди.

— Мен, — дея секин бўй кўрсатдим.

— Қулоғинг том битганими? — ўқитувчининг гапига синфнинг у ер-бу еридан чиққан "пиқ-пиқ" кулги саси қўшилди. Ҳатто кимнингдир "икки қулоқ ҳам кетган", деган сўзларини эшитгандай бўлдим.

— Доскага чиқ! — буюрди ўқитувчи. Шунда олдинги партада ўтирган Раъно қандайдир қоғозни гижимлади-да, парта устига, мен ўтадиган томонга қўйди. Миям яшин тезлигида ишлаб кетди. Доскага чиқаётганимда у қўйган қоғозни сездирмасдан олиб ўтдим. Ўқитувчи уйга вазифа қилиб берилган масалани доскада ечишимни буюрди. Хурсандман, зеро, Раънонинг ёрдами билан муаллимнинг чиғиригидан оппа-осон ўтиб кетаман.

Доска томон ўтирилдим-да, суяклининг нозик қўллари билан ёзилган уйга вазифани доскага кўчира бошладим. Яна икки дақиқа вақтим бўлганда "беш" олишим аниқ эди. Аммо мутлақо кутилмаганда қулоқ қурғур яна қизиб кетди-ю, мен қаҳр билан боқиб турган муаллимга юзландим.

— Мени аҳмоқ деб ўйладингми?..

Кўнғироқ чалинди. Мен чуқур нафас олдим. Раъно яна ёнимга келди.

— Айбдорман, — деди бошини эгиб, — мен туфайли...

— Йўқ... йўқ, ҳечам унақа деманг. Ўзим сал нўноқроқман. Тайёр ошни тўкиб қўйдим. Бошқа бўлганида...

— Сиз ўқитувчига эътибор бермадингиз-да...

— Ҳа-а, шундай бўлди. Энди пишиқроқ бўламан.

— Ялқовлик қилмай, уйда тайёрланиб келинг-да, — жилмайди Раъно. — Ҳозир яхши ўқимасангиз, ўқишга қандай қирасиз?

— Ўқимасдан яшаб бўлмайдами?

— Ундай ҳаёт чиройли эмас-да, — Раъно жиддийлашди.

"Нима қипти? — хаёлимдан ўтказдим мен. — Ана, ўтган йили мактабни тугатганлардан биронтасиям ўқишга киролгани йўқ. Мен ўқиганимда шохим чиқармиди? Жа, узоқ кетсам, ўқитувчи бўларман. Ҳозир эса, бу касб бўлмай қолди. Муаллимларнинг бари нолигани-нолиган. Маоши каммиш. Ҳатто бир сафар ойлик ўрнига ароқ беришибди. Ўзи мактаб бўйича қолган эркак ўқитувчилар бешта. Шу "маош"ни олишди-ю, бир ҳафта биронтасиям қорасини кўрсатмади".

— Мен ўқитувчи бўлмайман, — дедим виқор билан.

— Жуда яхши, ўқиб бошқа касбни эгаллайсиз, — деди Раъно.

Яна кўнғироқ чалинди. "Эндиги дарс жисмоний тарбия, насиб этса, бу сафар қулоқнинг "иситма"си чиқмайди", деган ўй ўтди хаёлимдан.

Ўқитувчи синфга иккита тўп кўтариб кириб келди.

— Хў-ў-ш, — деди у чўзиб ўзига ярашмаган ингичка овозда. — Қизлар воллейбол ўйнайди, ўғил болалар футбол. Ҳамма спорт кийимини кийсин-да, стадионга ортимдан етиб борсин!

Бунақа гап кимгаям ёқмайди, дейсиз. Тезликда бутун синфимиз билан стадионда пайдо бўлдик. Мароқ билан тўп сурарканман, ёнгинамиздаги кичик майдончада спорт кийимида елиб-югураётган, сарвиқомат Раънога қараб-қараб қўяман. Ўзимнинг нималарга қодирлигини кўрсатиш учун битта-иккита рақиб ўйинчиларни алдаб ўтаман. Гол бўлганда эса, қаттиқроқ бақириб, қўлларимни осмонга кўтараман. Бунинг барисини Раъно кўриб турганлигига шубҳам йўқ эди. Бироқ кутилмаганда қўнчим йўққа чиқди. Бектош мени алдаб ўтаман деб йиқилиб тушди-да, оёғини ушлаганча дод-вой сола бошлади. Шу пайт ёнимда ўқитувчимиз пайдо бўлиб қолса бўладими? У Бектошнинг оёғини ушлаб кўрди-да, "Ким қилди?" дея сўради. Жабрланувчи қўлини бигиз қилиб каминани кўрсатгач, менга жуда яхши таниш бўлган овоз янгради: "Қарс!" Қарабсизки, қулоғимга қўшилиб башарам қизил рангга кириб турибди.

"Ишқилиб, Раъно кўрмаган бўлсин-да", деган ўйда бошимни кўтардим... ва даҳшатдан қотиб қолдим. Икки қадам нарида кўзлари жовдираган алфозда Раъно менга қараб турарди... Энг ёмони, тўсатдан қиз пиқиллаб йиғлаб юборди ва ўқитувчига қараганча:

— Бўлди-да энди, ҳадеб ураверасизларми? — деса бўладими!

Ўлай агар, муаллимлардан шунча таёқ еб, бу қадар изза бўлмагандим... Ахир, ўйлаб кўрсангиз, ғалати-да: тарсакини еган мен-у, йиғлаган Раъно...

Тўғриси, шу пайтгача ўқитувчиларнинг шапалогига унчалик эътибор бериб ўтирмасдим, назаримда, бу педагогиканинг ажралмас қисми эди. Бугун, кўзлари жиққа ёшга тўла гўзал Раъно, менинг суякли синфдошим менга ачиниби, мўлтираб қараб турганида илк бор бундай тарбия усули менга, менинг ёшимга энди тўғри келмаслигини пайқадим. Шу англаш таъсирида

шартта муаллимнинг қўлидан силтаниб чиқиб кетдим.

Раъно эса, пиқ-пиқ йиғлаганча кийиниш хонаси томон чошиб кетди.

Болалар бирдан жим бўлиб қолишди.

Ҳатто ўқитувчимиз ҳам миқ этолмас, фақат бизга ҳайрон бўлиб қарарди.

Биз эса, эҳтимолки, айнан шу дамда ўсмирлик остонасидан ҳатлаб ўтиб, йигитлик даврига қадам қўймоқда эдик. Бизда энди йигитлик ғурури, шаъни, қолаверса, номуси уйғонмоқда эди. Биз айти шу дамда энди мўйлабларимиз сабза уриб қолганини сездик. Биз айти шу дамда, тўққизинчи синфда ўқиб юрганмизда ўз қадримиз, иззатимиз хусусида ўйлай бошладик. Ҳа, биз, хусусан, мен бир лаҳзада улгайдик. Бунга Раъно, балки менинг унга муҳаббатим, балки (ким билади дейсиз) унинг менга шафқати сабаб бўлгандир...

Дарс тугаб, синфга қайтиб келдик. Аммо биз энди ғўр ўсмир йигитчалар эмасдик. Нимадир ўзгарганди...

Танаффусда Раъно ёнимга келмади, буни ўзим ҳам истамасдим. Зеро, баъзан гаплашмасдан туриб ҳам кўп нарсани гаплашиб олса бўларкан.

Жисмоний тарбия ўқитувчимиз шапалоқ урган қулоғим зингилларди. Баъзан айрим гап-сўзларни эшитмай қолардим. Буни биринчи бўлиб ўғил болалар англашди. Нимагадир улар бирдангина меҳрибон бўлиб қолишди. Ҳатто кейинги соатда ўқитувчи мени доскага чақириб, бир неча савол бера бошлаганида ўша чақмачақар Бектошнинг ўзи биринчи бўлиб ёнимни олди:

— Бунинг қулоғи оғрияпти, — деди.

Шу сўзларни айтarkan, Бектош кўзлари қизариб кетган Раъно томонга гердайиб қараб қўйди, гўё шу қилиги билан бояги иши учун узр сўраб, қизнинг олдида ўзини оқлагандай бўлди.

Орадан кунлар ўтди. Энди синфдошларимиз бизни Анвар-Раъно деб чақирарди. Уларнинг ҳаммаси биз иккаловимиз бир-биримизни ўлардай севишимизга чиппа-чин ишонишарди. Ҳатто мен ҳам баъзан бундай гап-сўзларга ишониб қолардим.

Раъно менга меҳрибон эди. У ёнимга яқинлашса бас, синфдошларим, кейинроқ бориб эса, ҳатто мактабдошларим аста-секин, сездирмасдан, бениҳоя одобли кишиларга хос тарзда бизни ёлғиз қолдиришга уринишарди. Улар бу ишлари билан бизга катта марҳамат кўрсатгандай бўлардилар гўё. Бора-бора мен ҳам қизнинг ёнига яқинлашсам, унинг дугоналари секин-аста сирғалиб чиқиб кетадиган бўлишдики, зум ўтмасдан Раъно иккаламиз ёлғиз қолардик.

Бу ҳолни кўриб мен кулардим. Раъно андак хижолат чекарди, аммо бу дўстларча гурунглашиб ўтиришимизга халақит бермасди.

Ишонасизми, биз деярли бир ярим йил мобайнида, яъни, ўнинчи синфни тугатгунга қадар кўпчилик, деярли барчанинг назарида Анвар-Раъно бўлиб юрдик. Ҳолбуки, гурунглариимиз дарслару келажак мавзуида бўларди, жуда нари борса ҳамқишлоқларимиз ёинки синфдошларимиз хусусида гаплашардик.

Мен муҳаббат истардим, назаримда, муҳаббатимга эришгандек ҳам эдим. Аммо бизнинг муносабатларимизга нимадир етишмаётгандек эди. Ўлай агар, бу нима эканлигини ўзим сира тасаввур қилолмасдим, аммо нимадандир тўла қониқмаётганлигим рост эди. Дейлик, ҳар тонг мактабда Раънони кўрардим, бундан қувониб кетишим рост эди, аммо ҳаяжонланмасдим... Буни қандай тушунтирсам экан. Айти пайтда бу кўнгил

тўлмаслигига ўзимга-ўзим иқрор бўлишга ҳам чўчирдим, назаримда, бу ношукрликнинг намунаси бўларди, айниқса, қизни қаттиқ хафа қилиб қўйишдан чўчирдим...

Мактабни битирдик. Раънонинг қистови билан политехника институтига ўқишга кирдим. Фақат факультетларимиз бошқа бўлди. Ётоқхонамиз бир-биримизникига яқин эди.

У пайтлари тошкентлик талабалар ҳам пахтага борарди.

Бир куни теримдан қайтаётиб, иккита юқори курс бола билан арзимаган гап устида жиқиллашиб қолдим. Хуллас, биттаси юзимга шапалоқ тортиб юборди, унга иккинчиси қўшилди. Шошиб қолганимдан ўзимни бир амаллаб ҳимоя қилишга тушдим. Худди шу маҳал қиз боланинг кўнғироқдек овози янгради:

— Бўлди-да энди, ҳадеб ураверасизларми?

Янглишим мумкин эмасди, қаршимизда юқори курсдаги болаларга ўқрайиб қараганча Раъно турарди. Йигитлар тўнгиллай-тўнгиллай нари кетишди...

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: менга яна нима керак эди, ахир? Меҳрибон, оқила, гўзал Раъно ёнимда бўлса... Аммо кўнгилнинг сирларини тушуниб бўлмас экан...

Мен... мен бошқа бир қизни севиб қолдим.

Телбаларча.

Муҳаббат деганлари бошқача бўларкан.

Одам фақат ўшани, суюқлисини ўйларкан, ўшанинг хаёли билан ухлаб, ўшанинг хаёли билан уйғонаркан.

Албатта, гап мен ёниб-куйиб севиб қолган қиз ҳақида эмас. Бунинг устига, у қиз менга насиб қилмади: кетди-борди биттаси билан.

Кейин, асл муҳаббат нелигини англагач, Раъно билан орамиздаги муносабат дўстликдан бошқа нарса эмаслигига иқрор бўлдим.

Гарчанд синфдошларимиз, таниш-билишларимиз, ҳатто ота-оналаримиз аллақачон бизга эр-хотинликни тайин қилиб қўйишган бўлса-да, Раъноникига совчи юбора олмадим...

Раъно уч йил кутди. Ўқишни битирганимиздан сўнг. Унгача бир оғиз сўз айтмасе-да, бир оғиз таъна қилмасе-да, умид билан кутди. Аммо мен бунга журъат этолмадим. Назаримда, мен билан турмуш курса, Раъно ҳам бахтсиз бўладигандек эди. Мен, биргина ўзим бахтсиз бўлсам майли эди... Аммо Раънонинг бахтсизлигини кўтаролмасдим. Ўқитувчи мени урганда у қанчалик изилаб йиғлаган, ачинган бўлса, суюқсиз турмуш шапалоғи Раънонинг оппоқ юзига тушганида мен ҳам шунчалар ўртанган, азобланган бўлардим...

* * *

Ҳамроҳим оғир "уф" тортиди.

— Буни қаранг. Орадан шунча йиллар ўтиб кетди. Кеча Раъно қизини турмушга чиқарди. Таклифнома юборган экан, бордим. Яхшигина тўй бўлди.

Раъно... ҳамон менга ўшандай меҳрибон, гамхўр. Эрига "Қариндошимиз" деб таништирди. Менга ҳам шу маъкул кўринди.

Назаримда, мен икки жонни бир умр қийналиб яшашдан қутқариб қолгандайман. Чин севги йўқлиги қийноғидан. Яна ким билади дейсиз...

Ҳамроҳим сигарета тутатди.

Мен узоқ ўйланиб қолдим, аммо аниқ бир хулосага келолмадим: ҳамроҳим тўғри йўл тутганми ёки нотўғри...





Ойгул УБАЙДУЛЛА қизи

Тўкилаётган яфроклар

ТУРКУМ

* * *

Кўнглум маҳзанида ўсади фироқ,
Бағрим эзилди, бағрим минг қуроқ.
Яғонам, йўлларинг тушдимми йироқ,
Рухим дунёсидан бўйлаган сўроқ,
Кел-эй, озорингу жабринг-ла тўлдим!

Кўзимга ҳайратни тўлдирган борим,
Сўзингга, ўзингга интигим, зорим,
Ўқисик дилимдаги ўқисгим, ёрим,
Жонимга ҳижронни санчган озорим,
Кел-эй, озорингу жабринг-ла тўлдим!

Соғинч кулбасида сарғайган жонман,
Тақдир битигида лаҳзаман, онман,
Дунё чорбоғида синган ниҳолман,
Жабринг дастидан бемор, беҳолман,
Кел-эй, озорингу жабринг-ла тўлдим!

Кўнглум маҳзанида ўсади фироқ,
Бағрим эзилди, бағрим минг қуроқ,
Яғонам, йўлларинг тушдимми йироқ,
Рухим дунёсидан бўйлаган сўроқ,
Кел-эй, озорингу жабринг-ла тўлдим!

* * *

Сўзларинг бағримни нимталар, тилар,
Ҳолимни сўроқлаб тийро тун келар,
Кўнглумни армонлар сийпалар, силар,
Ҳолатимни ҳолим англайди, билар,
Сен менга кераксан, жуда кераксан!

Бардошим чокидан сўқилди, нетай,
Сабрим яфроғлари тўқилди, нетай,
Тоқатим ўртанди, ўқинди нетай,
Васлинг, висолингга юқиндим, нетай,
Сен менга кераксан, жуда кераксан!

Умидим қошиндан йиғлаб қайтади,
Соғинчим бағрини тиглаб қайтади,
Хаёлот кўнгулга эртақ айтади,
Бағримда минг йиллик ҳижрон ётади,
Сен менга кераксан, жуда кераксан!

* * *

Дариғо, меҳрингга зорман, маҳбубим,
Зордирман васлингга ҳар лаҳза, ҳар он,

Ўйларинг азоби бағримни ёқиб
Имконсизлик ичра эрийди имкон.

Ситаминг қалбимга ёғдиради тош,
Озор даласида улғайган жонман.
Ғанимат онларнинг гирдобларида,
Тўзғиб келаётган ғанимат онман.

Меҳринг қўллари-ла олгин кучоғлаб,
Кўнглум осмонлар-ла беллашсин, ечсин.
Вужуд кулбасида кўз очган ҳижрон
Узоқ-узоқларда қолиблар кетсин.

* * *

Умидим васлингга зор бўлган кеча,
Азобинг жонимга дор бўлган кеча.
Ҳаётим ҳажрга ёр бўлган кеча,
Илинжим — чечагим хор бўлган кеча.
Сени истадим, Ҳаққа топиндим!

Соғинчинг азобин қалбим-да, ичди,
Жудалик қайчиси қисматим бичди,
Айролик сабринг туғунин ечди,
Кўнглум-а йиғлади, ўздан кечди,
Сени истадим, Ҳаққа топиндим!

Гумону шубҳа дайдийди, саёқ,
Дилимда бўй чўзар аразим — қиёқ,
Савалар бағримни ситаминг — таёқ,
Чорлайди ўзига хаёлот — маёқ,
Сени истадим, Ҳаққа топиндим!

Найлайин, руҳимни бир тигки ўяр,
Кўнгул дарахтини аламлар суяр,
Тўкилаётган яфроғлар куяр,
Дилгинам умиднинг тағмини туяр,
Сени истадим, Ҳаққа топиндим!

* * *

Вақтнинг панжасида кунларим ўлар,
Жоним риштасига ҳажрлар тўлар,
Илинжим чечаги, охири, сўлар,
Суйдигим, соғинмай кўйдингми, аё?

Кўзимда ҳайратни ундирган ўзинг,
Гоҳ ғамдан, гоҳ дардан тўйдирган ўзинг,
Жафо қўлларида сўйдирган ўзинг,
Суйдигим, соғинмай кўйдингми, аё?



Бу дунёда топган бир тотли қайғум,
Умидни армонга алмашган қайғум,
Рухим саҳросини ювади қайғум,
Суйдигим, соғинмай кўйдингми, аё?

* * *

Озоринг — бағримга отилган пайкон,
Ҳижроннинг доғидан қувраб борар жон,
Йўлларинг қайрилмас сира мен томон,
Соғинчдан бағрим-а куяди чунон.

Ёлғизлик чўлида кезади хаёл,
Ҳажр дарёсида сузади хаёл,
Бағримни эзғилаб, эзади хаёл,
Ситаминг қалбимни тинчитмас
алҳол.

Меҳрингдан меҳр тиланган ўзим,
Азоб қўлларида силанган ўзим,
Армон маконига йўланган ўзим,
Нетайин, бағримда тикланган тўзим.

Озоринг — бағримга отилган пайкон,
Ҳижронинг доғидан қувраб борар жон,
Йўлларинг қайрилмас сира мен томон,
Соғинчдан бағрим-а куяди чунон.

* * *

Кел, келақол дея, чорламай кўйдим,
Фироғ ханжари-ла бағримни ўйдим,
Азоб саҳросида қақшадим, куйдим,
Келмасим, ахийри, ҳижронга тўйдим,
Соғинчга-да тўйдим, армонга тўйдим!

Туйғулар либосин тилимга бердим,
Армонлар давосин дилимга бердим,
Хаёл сочларини қўлимга бердим,
Ҳажр йўлларини йўлимга бердим,
Ўзимни сабрга, тўзимга бердим!

Соғинч кечасида бағрим сўқилди,
Садоқат фаслида сенга тўқилдим,
Кўнгулда ИШҚ суви лиммо-лим
кўрдим,
Вужудда, ажабо, ЎЗИНГНИ кўрдим!

Улугбек ЖУМАЕВ

ЁРУҒ ИЗТИРОБЛАР КУЙЧИСИ

Ижодкор кўнглини тафтиш этиш баробарида ўзига яқинлашади. Ва худди шу унга мангулик эшигини очади. Ўз шахсияти ва истеъдодни асарлари саҳифасига муҳрлаб кетади. "Ўзини санъат асарларида акс этирадиган ижодкордек бошқа даҳо йўқ", деган эди француз ёзувчиси Сарт.

Инсон разиллик, ҳийла-найранг, ёвузлик каби қусурлардан ҳамиша нафратланиб келган. Нафрати дастлаб фикр, ҳис-туйғуларда акс этади. Аста-секин норозилик сўзга чиқади. Сўз эса исёнга, ҳақпарастликка лиммо-лим баркамол бадиий асарларга айланади.

Буни шоир Амирқул Пўлкан фаолиятида ҳам кузатишимиз мумкин.

Бугун шоир орамизда йўқ. Мана йигирма беш йилдирки, унинг хотираси бор, китоблари яшайпти. Фарзандлари ва мухлислари қалбида қайғу ва ўкинч... Шоир бевасининг сочларига йиллар қирови ёғилмоқда. Унинг хотираси кўнгилларга ёруғлик солади, бироқ армони отаси Умарқул Пулкан пешонасига из бўлиб, онаси Зулфия момо кўзларига соғинч бўлиб босилади. Ҳар йили Чигатой қишлоғи қабристонидagi шоир қабри гулларга бурканади.

*Биламан балки умрим,
Сўқмоқдек қисқа бўлар...
Биламан, бу дунёда,
Ҳеч нарса мангу қолмас...*

Бир файласуф айтадики, инсон фикрлар экан яшайди. Инсоннинг ҳеч қандай ўтмиши ёки келажаги йўқ. Бугуни бор холос. Бу — инсон тўла эркин дегани эмасми? Инсон озод куш каби эркин ва хур.


Аммо шоир қалби ҳамиша изтиробда. У тинимсиз ҳақ-ҳақиқат излайди. Бу йўлда ўзини тафтиш этади, айбунуқсонларини, ўзини фош этишдан тортинмайди.

*Ўтмишини хаёлдан қочиролмайман,
Манглайдан шўримни ўчиролмайман.
Ҳаммани кечирдим дунёга келиб,
Мен фақат ўзимни кечиролмайман.*

Яшалган ҳар фурсат, ўйланган ҳар ўй, ташланган ҳар қадам инсон елкасига улкан масъулият юклайди. Шоир Амирқул Пўлканнинг ҳаётий фалсафаси шундан иборат. "Кўп нарса йўқотдим бепарволикдан" дея оқ кўнгил бўлганлигидан нолийди. Агар бошқалардек юлғич, тошбағир бўлганида яхши яшармиди? Бу инсон

ва жамиятнинг азалий муаммоси. Дунёда икки оқ ва қора куч ўртасида тинимсиз кураш боради. Баъзан эзгулик, баъзан эса ёвузлик голиб келади.

*Барчасига келса ҳамки дуч,
Титрамас ҳеч одамнинг жони.
Аслида-чи икки душман куч,
Тутиб турар бутун дунёни.*



Амирқул Пўлкан шеърлари ҳақида сўз айтган кишилар аввало унинг тўғри сўзлиги, самимийлигига юксак баҳо беришган. Жумладан 1979 йили нашр этилган "Булоқ" китобига Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин шундай сўзбоши ёзади: "Унинг шеърлари халқ оғзаки ижодига хос рангин оҳангларга бойлиги, самимийлиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради".

Шоир Икром Отамурод эса бир пайтларда Амирқул Пўлкан шеърлятига таъриф бериб шундай деганди: "У ўзининг қисқа фаолиятида халқимизнинг катта бой оғзаки ижоди билан замонавий шеър йўлларини бирлаштиришга интилди. Сўзни оҳанг билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилди. Унинг шеърларини ўқиганда одам таниш киши билан ёнма-ён гаплашгандек бўлади".

Санъаткор ҳамиша изтироблар, қайсар хаёллар исқанжасида ўртанади. Бироқ дард ногоҳон қалбига бостириб кирганда, унинг кўз ўнгига дунё ўзгача тусда жилолана бошлайди. Тўғрироғи, қайғу қалбларини поклайди, шу билан инсон руҳий оламини бир қадар юксакка кўтаради.

Балки шу сабабдир, қайбир файласуф шоирликни муқаддас қайғу деб атаган эди! Шоир бўлгандан кейин ҳақиқатнинг кўзига тик қараб яшаш керак, зеро фақат шоиргина рост сўзлашга маъсул бўлади.

*Сен менинг орзум бўл,
Кўшиқ бўлиб янгра қалбимда.
Муқаддас бўй бўлгин,
Умри узун бўл,
Армон бўлиб қолма қалбимда!*

*Зангор бўшлиқларда тунги,
Юлдуз бўлиб порла, қувонай.
Сабо бўлиб эсгил тонгги —
Гузалигинг шавқига қонай.
сени куйлаб ўтай,
Хур бўл,*



*Ёниқ қалбим бўлиб қол,
Умримга мезон бўл,
Мақсад бўл,
Кўзларимга нур бўл, севгилим!*

Шоир самимий сўзлар, дилбар оҳанглар ёрдамида кўнгли дунёсини ўзга қалблар билан боғлайди. Бу гўзал сатрлар сарин саболардек сизга ҳузур бахш этади. Дилингиз аллақандай нозли туйғулардан энтикади. Ўзингизни илоҳий бир дунёга кириб қолгандек сезасиз. Беихтиёр сеҳрли бу сўзлар сизга ҳам юқади. Муҳаббат боғига кириб келиб, ундан чиқа олмаётган ошиқ изтиробларига шерик бўласиз.

*Кетдингиз сиз мени тирик ўлдириб,
Кетдингиз қўл етмас манзиллар сари.
Наҳот хато қилсам сизга дил бериб,
Наҳотки бир тушдек тугаса бари?*

Ёниқ ҳислар, туйғулар ошиқ кечмишидан сўзлайди. У бир дилрабо жафоларидан нолийди. Ўтган кунлар нечоғлик фусункор. Улардан яхши-ёмон хотиралар қолган. Севги-муҳаббат ёнишлари хаёлга айланган.

*Ўтмиш қолди бунда, келажак қолди,
Кетдингиз лаб тишлаб ёлғиз паршон.
Озор чекдингизми, нималар бўлди:
Сўрамоққа бир лаҳза берингиз имкон.*

Шоир ошиқлиги билан фахр этади. Бобоси Пўлкан бахшидан қолган сўз оҳангларига сўз қўшиб, ажиб бир

уйғунлик ҳосил этади. Сўз ва оҳанг бирлашиб кўркам бир бутунликни яратади ва бу муаззам обида сизни ҳайратга солади. Шеърдан кўра кўпроқ оҳангга маҳлиё бўласиз.

*Сен-ла кечган даврим менинг соз ўтди,
Ўртамизда қанча фиरोқ, ноз ўтди.
Сездирмасдан баҳор ўтди, ёз ўтди,
Баҳоримни энди ёздан сўрайман.*

*Шоир қалби билмас асло ҳаловат,
Ишқ бўлмаса надир назму маҳорат.
Гоҳ топмадим оловлардан ҳарорат,
Ҳароратни гоҳо муздан сўрайман.*

Ошиқлик бир йўловчиликка монанд. Абадият ва ҳақиқат йўли бу. Бу сўнгсиз сафарда инсон кўнглига йўлдош бўлиб ёлғиз ишқ қолади.

*Ишқ — холоскор.
Иш — қутқарувчи куч.
Ишқ — ҳақиқат йўлида қурилган кўприкдир.*

Бу кўприкдан фақат қалби пок, эзгу ҳисларга тўла, дунё чирки, хою ҳавасларидан қутулиб тозарган инсонларгина ўта оладилар. Тўғрироғи, бундай солиҳларни ишқнинг ўзи танлайди ва унга илоҳий неъмат ато этади.

Амирқул Пўлкан худди шундай толеъ ёр бўлган ҳассос шоир эди.



Келдиёр ТҮЛИЕВ

Монг чиройи барчага бирдай



ТОҢГ ҲИСЛАРИ

*Эрта тонг. Сокин, ғуборсиз тонг,
Вужудимда қайнайди ҳислар.
Тоғ ортидан қуёш урар бонг,
Майсалардан келади ислар.*

*Тоза юрак, топ-тоза қалблар,
Уммон бўлиб жўш урар ҳайҳот.
Жўш уради орзу-умидлар,
Қандай яхши бу жўшқин ҳаёт.*

*Тоғлар гўзал, боғлар чиройли,
Қувончлардан жимирлагай тан.
Қуёши бор, тунлари ойли,
Чиройлидир муқаддас Ватан!*

*О... нақадар хушбўй бу ҳаёт,
Севимлидир гўдак исидай.
Эрта тонг тинч, замин барҳаёт,
Тонг чиройи барчага бирдай.*

*Эрта тонг. Сокин, ғуборсиз тонг,
Вужудимда қайнайди ҳислар.*

*Тоғ ортидан қуёш урар бонг,
Майсалардан келади ислар.*

Қандай гўзал бу жўшқин ҳаёт!

БОҒИНЧ

*Баҳор менинг биринчи севгим,
Юрагимда очилган лола.
Вужудимни қучиб, эркалаб,
Илк туйғусин этган ҳавола.*

*Баҳор менинг биринчи севгим,
Уммон бўлиб тошаётган ҳис.
Бойчечакдан чамбарак тақиб,
Йўлларимга боқиб турган қиз.*

*Баҳор менинг биринчи севгим,
Нозиккинам, капалаккинам.
О... шунчалар покдир Баҳорим,
Эркагинам, меҳрибонгинам.*

*Баҳор менинг биринчи севгим,
У дилимда яшнаган қувонч.*

*Яшнаётган кўнглимда мангу,
Боқий ҳаёт, умрга ишонч.*

Баҳор менинг биринчи севгим!!!

* * *

*Суратинга термулиб кўзим,
Нигоҳларим тош қотмиш бир зум.
Хаёллардан қидириб сени,
Сурат бўлиб қолибман ўзим.*

ХАЁЛ

*Хаёл, бир зум тарк этгин мени,
Сенсиз бир зум кўкларни қучай.
Онам таққан мунис туморни
Чақалоқдай ўйноқлаб ётай.*

*Ё ер узра курагин силжиб,
Илк майсалар униб чиққандай.
Ёки сокин дарёдан оқиб,
Таскин берай ўзимга жиндай.*

Хаёл, бир зум тарк этгин мени...

Афросиёб

Сўғдиёна маркази

Милоддан аввалги минг йилликда Ўрта Осиёда бир неча йирик тарихий-маданий вилоятлар — Хоразм, Сўғд, Бақтрия, Фарғона, Шош (Чоч) пайдо бўлган.

"Авесто"нинг энг қадимги худудий географик номлари Ўрта Осиё вилоятлари билан боғланган бўлиб, Сўғдиёна — Гава Сўғда(Сўғд макони) деб номланган. Видевдат китобининг биринчи бобида санаб ўтилган вилоятлар Яшт мамлакатлари рўйхатидан анча фарқ қилади(Сўғд-Гава). "Авесто"да келтирилган қадимги маълумотлар Ўрта Осиёда ҳарбий сиёсий бирлашма ташкил топган даврларга (мил.авв. IX-VIII асрлар) мансубдир. Бу бирлашма — Арешайёна ёки Арёнам Вайжо жуда катта ҳарбий аҳамиятга эга бўлган. "Авесто"да шу даврда ҳукм сурган подшолар сулоласи рўйхати келтирилган. Ўрта Осиё илк темир даврига оид моддий маданият ёдгорликларига ниҳоятда бой. Бу даврга оид топиб текширилган қишлоқ ва шаҳар харобалари қадимий маданий ўчоқлар бўлиб ҳисобланади. Милоддан аввалги минг йилликнинг бошларига оид



ёдгорликлардан Зарафшон воҳасида — Афросиёб ва Кўктепа ҳисобланади. Шу даврга оид хом гиштан ва пахсадан қурилган бинолар, меҳнат қуроллари, ҳунармандчилик буюмлари Ўрта Осиёда моддий маданият юксак даражада бўлганлигидан далолат беради. Милоддан аввалги VII-VIII асрларга мансуб Сўғдиёнада топилган археологик ёдгорликлар илк темир даври қишлоқ ва шаҳар харобаларидир. Улар суғорма деҳқончилик билан шуғулланган аҳоли маданиятидан далолат беради. Шунингдек, сакларнинг ёдгорликлари қуйи Зарафшон худудидан топилган бўлиб, улар асосан мазор-қўрғонлар ёки катта жамоа қабристонларидан иборат.

Моддий маданият ёдгорликлари Ўрта Осиёда ҳунармандчилик, қурилиш ва меъморчилик қай даражада тараққий қилганлигини, хўжалик ҳаётининг турли томонлари, турмуш ва ижтимоий муносабатларни ўрганишга имкон беради. Афросиёбдан топилган моддий манбалар сўғдлар тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Афросиёб мудофаа девори билан ўралган бўлиб, шаҳар ичкарисида турли қурилишлар бўлган.

Аҳамонийлар ёзуварларида (Геродотнинг "Тарих" асарида ҳам) Сўғд чекка вилоят сифатида кўрсатилган. "Авесто"нинг Видевдат китобидаги рўйхатда Бақтриянинг Сўғддан кейин тилга олиниши қадимги форс ёзуварларида Сўғднинг ҳар доим Бақтриядан сўнг санаб ўтилиши улар орасида худудий чегара бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Юнон даври ёзма манбаларида Марокандага юриш қилаётган Александр қўшинлари йўлида Амударё Бақтрия ва Сўғд ўртасидаги чегара сифатида кўрсатилган. Окс-Амударёдан шимолроқда сўғдийлар ерларининг жойлашганлиги тўғрисида далиллар учрамайди.



Бу манбалар аҳамонийлар даври маълумотлари билан тўғри келади. Чунки бу ёзувларда Бақтрия Сўғд билан Арея ёки Сўғд билан Парфия оралигида жойлашган деб таъкидланади. Аммо қадимги форс манбаларида Ўрта Осиё вилоятларининг чегаралари ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Қадимги юнон тарихшуноси Аррианнинг ёзишича, Окс дарёсидан ўтиш билан Сўғдиёна ерлари бошланган. Страбон маълумотларида Сўғдиёна чегаралари анча кенг бўлиб, муаллиф Сўғдиёнани "Бақтриядан юқорида, шарқий йўналишда" Окс ва Яксарт оралигига жойлаштиради. Қадимги муаллифларнинг Ўрта Осиё жанубидаги халқларнинг жойлашуви ҳамда тарихий вилоятларнинг ҳудудий чегаралари тўғрисидаги тасаввурлари бир мунча умумий бўлган. Римлик тарихчи Курций Руфнинг келтирган мисолида: "Танаис (Сирдарё) бақтрияликларни скифлардан ажратиб туради", ёки, бақтрияликлар "урушқоқ скиф қабилаларидан унча узоқ бўлмаган жойларда яшайди".

"Авесто"нинг энг қадимги қисмлари Сўғдиёнага таъриф бериб, мамлакатни иккита номда ажратиб кўрсатади - Сўғда ва Гава Сўғда. Олим А.Сағдуллаев "Қадимги Ўрта Осиё тарихи" рисоласида: "Бу далил Сўғда "мамлақати" яна Гава сингари алоҳида вилоятларга бўлинишидан далолат бермасмикан ёки Гава Сўғданинг энг қадимги номини ташкил этганми?"- деган ўринли фикрни айтади. Олим ўз фикрини давом эттириб, Сўғдиёна ҳудуди аҳамонийлар даврида ва бундан қадимроқ замонларда Амударёдан ўтиш билан бошланмаган, чунки Қашқадарё воҳасида топиб текширилган ўтроқ сўғдий аҳолининг қишлоқ харобалари Амударёдан анча олис масофада жойлашган; шунинг учун ҳам

Сўғдиёна билан Бақтрия ўртасидаги ҳудудий чегаралар Амударёдан ўтмаган бўлиши керак деган тўғри далилни келтиради.

Ўтроқ аҳоли яшовчи вилоятлар ўртасида чегара вазифасини табиий географик омил сифатида чўллар ва тоғлар бажарган. Кўп ҳолларда чўл ва тоғлар этник чегараларда аралаш жойлашув ерларга айланиб қолганлиги тасодиф бўлмаса керак. Ҳисор, Бойсун ва Кўхитоғ тизмалари Бақтрия ва Сўғд ўртасидаги табиий чегара бўлган. Сўғдиёна - ҳозирги Қашқадарё ва Зарафшон воҳаларидир. Сўғдиёнанинг географик чегаралари: ғарбда Бухоро воҳасидан шарқда Ҳисор тоғлари бўйлаб, жанубда Қашқадарё ва Кўхитоғ оралигида, шимолда эса Нурота тизмаларига бориб тақалган.

Милоддан аввалги VII-VI асрларга мансуб моддий манбалар Ўрта Осиё маданияти тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Сўғдиёнада атрофи деворлар билан ўралган уй-қўрғонлар, қишлоқ ва шаҳар харобалари, айрим катта-катта қалъалар - Афросиёб, Кўктепа, Ерқўрғон, Узинқир топиб текширилган бўлиб, бу ёдгорликлардан қадимги уй-жойлар, саройлар, кулолчилик ва металлчилик устахоналарининг қолдиқлари қазиб очилган. Ушбу шаҳарларда бинокорлик, ҳунармандчилик ва савдо юксак даражада ривожланган. Айниқса Афросиёб Сўғдиёна маркази сифатида антик ва илк ўрта асрларда эса сиёсий, савдо-ҳунармандчилик ва маданият маркази сифатида муҳим роль ўйнади. Буюк Ипак йўлидаги савдо маркази сифатида илк ўрта асрларда Афросиёб тараққиёти юксак шаҳарга айланди.

*Шермуҳаммад ЭРНАЗАРОВ,
ЎЗМУ тарих факультети ўқитувчиси*



САМАРҚАТВОДЖОЛТВОТ


Маишхура ҲАСАНОВА

Тоғдай қувончимга қўшилган ғуссам,
Менинг тўқисимсиз ва бир камимсиз.

Бахтимсиз-оғулар қўшиб бахтимга,
Минг йилки фикримни банди айлаган.
Уйқу нима-билмас қорачуғимга,
Абад муҳрланган, абад жойланган -

Кўзёшсиз, қувончу ғамимга шерик,
Кўнглим зулматини ёритган чироқ.
Бир сиқим оловни қўлимга бериб,
Умримни куйдирган фироқсиз, фироқ.

Кулгусиз — умрбод тегмаган лабим,
Сабрсиз — жонимга қоқилган, битган.
Дунёда топганим, ёлғиз матлабим,
Куйсиз дил қатидан сўкилиб кетган...

Сиз учун муносиб калом излайман,
Ногоҳ юрагимдан кўтарилар оҳ.
Мана яна, яна, яна бўзлайман —
Сизни севмоқ — азоб, севмаслик — гуноҳ...

Сахарлар тураман чор-атроф хира,
Сўнг излаб йиғлайман дийдорингизни.

Яна умрингизга изтироб қотиб,
Сўнгсиз саволларга сўрмасман жавоб.
Энди энтикмайсиз соғинчга ботиб,
Энди гуноҳингиз гуноҳмас, савоб.

Энди эшигингиз қоқмайди шодлик,
Энди ғам изингиз пойлаб юрмайди.
Дунёда сиз учун бир бахтли шўрлик,
Юрганин кўнглингиз айтиб турмайди.

Хатолар қилмайсиз юрак номидан,
Кўзингизда кибр аралаш ғурур.
Унута бошлайсиз ўзингизни ҳам,
Наҳот унутади юраги қургур?

Гуллар сирларини айтмайди сизга,
Эшита олмайсиз булбул азонин.
Ҳали сеҳрланган севги юртида,
Уволи тутуди севги хазонин.

Кечиринг мен шўрлик адашиб қолиб,
Безовта қилганман дардларим айта...
Кўрқманг, тинчлигингиз бузмоқлик учун,
Бўлди, тушингизга кирмайман қайта...

Юрагимда на нафрат, на ишқ,
Муаллақман ҳавода гўё.
Зериктирар оппоқ, рангсиз қиш,
Қолган ранглар барчаси рўё.

Оқиб тушар ҳисларим юпун,
Кипригимда муздайин қотар.
Сайҳонда бир ўтовдек юрак,
Борлиғимда хувиллаб ётар.

Ишончимсиз менинг, сиз менинг шубҳам,
Сиз менинг шодлигим, менинг ғамимсиз.

Бўлди, мен безовта қилмайман сизни,
Энди оромингиз бузилмас сира.

Маъмура ЁҚУБОВА

ИЛТИЖО

Қаро тун чодрасин борлиққа ёйди,
Тилла миҳлар қоқди кўкка ҳур қизлар.
Намхуш бир ифорнинг сасини туйди,
Шовуллаган боғлар, кимсасиз кезлар.

Ҳеч зот йўқ, кўчада кетяпман танҳо,
Бақа тилдан қолган, ухлаган сой ҳам.
Юлдуздан илтижо қилурман якка,
Сеҳрли бағрига олса-чи шу дам.

Бир ёруғ, нурли кун ҳада эт, Тангрим,
Кунгираларда ҳилол балққан кун.
Ғам фироқ, тоза кун ҳада эт, Тангрим,
Мулки-манглайида офтоб қалққан кун.

Фақат эзгулик-да йўғрилган беҳад,
Бир шаффоф, нилий тонг йўллағил, Эгам.
Шу тонгга юзланган барча бандангни,
Лутфу-караминг-ла қўллағил, Эгам.

МУҲАББАТ

Қушлар исминг тилга олишиди,
Сўроқлади сени майсалар.
Кетди десам, жимиб қолишиди,
Юрагимга санчди найзалар.

Мана, ўша биз суйган чинор,
Қаршисида турибман ёлғиз.
Муҳаббатнинг шаробин зинҳор,
Кўлга олмай яшайин сенсиз.

Ишқинг билан яшайман фақат,
Ҳур, малаклар айтмоқда ўлан.
Учраштира бизни муҳаббат,
Хайр дема кўзларинг билан.

Хайр дёмоқ мушкулмас балки,
Лек шу сўздан мужкин тийилмоқ.
О! Азизим, сенга ярашар,
Ишқимдай илоҳий туйилмоқ.

ЗВАРМЕ САДОЛАРИ

Дилафруз **ГАЙБИЕВА**

БЕНИКИМАН МЕН

Азизим, унутма, сеникиман мен,
Сеники ҳамиша қалбим, вужудим,
Ўксима ёнингда бўлмасам гар,
Сеники орзуйим, ҳатто умидим.

Ишонма ўзгалар не десалар ҳам,
Муҳаббат ягона кўкда ҳилолим,
Унутма сен учун яралганман мен,
Ҳаётим мулкида танҳо султоним.

Мисралар тўкилар қалбим тўридан,
Шеърларим сен учун, сенга аталар.
Ишқининг мунаввар оппоқ нуридан,
Бахт қасри орзуси дилда яралар.

МЕН СЕНИНГ УМРИНГДА

Мен сенинг умрингда мисоли томчи,
Бир бора завқ бериб ўтдим-а кетдим,
Олисга бормади томчи қувончи,
Ўтказган кунингда қуридим битдим.

Мен сенинг умрингда мисоли бир шам,
Тунингни бир лаҳза ёритиб ўтдим,
Сен учун қадрсиз, жонсиз бир санам,
Ўтказган кунингда туғилдим, ўлдим.

Мен сенинг умрингда мисоли шабнам,
Латофат бахш этиб, сўнг адо бўлдим,
Зиё йўқ ҳаттоки кўзларимда ҳам,
Ўтказган кунингда яшнадим, сўндим.

Мен сенинг умрингда мисоли бир куй,
Куйини сайраган битта қумрингман,
Эслаб тур, азизим, сурганингда ўй,
Толёбинг қатида толим нурингман.



Нафиса **РУСТАМОВА**

* * *

Сенга интилиб бормадим ҳамон,
Талпиндим хаёлим сатҳида туриб.
Неча бор ўлсам ҳам, бу жоним омон,
Яшадинг кўзларим ичида кулиб.

* * *

Кўзларинг кўзимнинг нуридан олди,
Ишқинг юрагимга ўтини солди.
Бу дунё кўзимга сиғмайин қолди,
Сенсиз қолсам, ёлғон менга муҳаббат.

ИШҚ

Юрагимни беозоргина
Азоблари қийнайверади.
Иккимизни сиғдирмаган ишқ,
Қалбимизда йиғлайверади.

Муҳаббатга ошно бўлиб мен,
Йўлларидан топганим озор.
Севиб туриб қадрим билмай сен,
Ўз-ўзимдан айладинг безор.

Биз шунчалар узоқмиз ҳатто,
Ўртаимизда сахро айрилик.
Тақдиримиз ёзилган ҳатто,
Борму бундан ортиқ кўргулик.

Сен билмайсан меҳрсизлигинг
Бўғзимгача тиқилади жон.
Афсонага айландинг, лекин
Хаёлимда руҳинг ҳукмрон.

Қоврилади жисмим беаёв,
Ҳасталигим англаёлмайман.
Ҳижронларда кезаман яёв,
Ўз бахтимдан сўзлаёлмайман.

Мазмун керак умрга аммо,
Ҳайф кетмоқда Худо берган кун.
Ҳар кунимда битта муаммо
Севги армон бўлади нечун.

* * *

Беўйлов қадаминг тушса гар чоҳга
Бошингдан тошлар-у қумлар ёғилар.
Бўронли бўҳтонлар тинар-у, аммо,
Номингнинг чанги-ю губори қолар?

* * *

Дунёни айбламанг, дунё беғуноҳ,
Инсонлар ўзгарар, замона эмас.
Айби шу — замона бизларга ҳамроҳ,
Аслида бу дунё инсонга паноҳ.





МЕН ҲЕЧ КИМ ЭМАСМАН, ЎЗИМДАН БЎЛАК

(шоир Азим СУЮН ижодхонасида)

— Устоз, шеърларингиз билан яқиндан таниш бўлган шеърят ихлосмандлари болалигингиз ҳақида ёруғ хотираларга эга бўлади. Фақат тоғ табиатига хос бўлган гўзалликлар кишини энтиктиради. Суҳбатимиз аввалида болалигингиз, болалигингиз ўтган жойлар, хотираларингизда қолган воқеалар тўғрисида гапириб беринг.

— Ёшим болалигимдан узоқлашган сайин, у менга шунча яқинлашиб келмоқда. Кўпинча унинг хаёллари билан яшайман. Сийратимни-да, суратимни-да ёлқинлантириб юборади хотиралар.

...Нурота тизма тоғлари икки силсиладан иборат: Оқтоғ тизмалари ва Қоратоғ тизмалари. Қоратоғ тизмаларининг энг баланд нуқтаси Заргар чўққисидир. У Ҳаётбоши ҳам дейилади. Унга ёндош Паррандозота ва Бешбармоқота қояларининг Самарқанд тарафидаги биринчи ва ягона тошқулбада — қўрғонда ўсиб-улғайганман. Аммо тўққиз ёшимгача қайлардадир мактаб борлигини, уларда болалар ўқишларини билмаганман. Тўғри, китобни билганман, кўрганман, лекин китоб фақат мулла Суюннинг уйидагина бўлади, уни фақат катта отам (бизда бобони катта ота дейишади)гина ўқий олади, деб ўйлаганман. Бу китоблар Қуръони Карим, Яссавийнинг "Ҳикмат"и, "Чор китоб", Навоий, Бедил, Ҳувайдо, қандайдир "Муаммо" китоби, пайгамбарлар, жангномалар ҳақидаги китоблар, Машраб, Сўфи Оллоёр китоблари эканлигини кейинроқ билганман.

Менинг мактабга боришим ҳам қизиқ бўлган. Биз яшаб турган дарадан — Қарисойдан беш-олти километр этакда етти йиллик мактаб бўлган. Ўқитувчилар орасида шундай суҳбат кечган: "... мулла Олим аканинг бир ўғли бор, катта отаси мулла Суюн билан тоғма-тоғ юради, деб эшитганмиз. Ёши нечада экан?.. Катта йигитча бўлиб қолган, дейишади.."

Бир куни бир киши уйимизга келди. Биз бир тўп бола ҳалинчак учиб турардик. У киши бизга

яқинлаб келди, салом бердик. Қайсингнинг отинг Азимбой, деди. Мен яқинлаб бордим. Ёшинг нечада, деди. Тўққизда, дедим. Ахир тўққиз ёшда эдим-да. Мактабга бормаёсанми, сенинг тенгдошларинг ўқишяпти, ўқишинг керак, истасанг ҳозироқ олиб бораман, деди. Мен индамадим. У менинг қўлимдан етаклади. Хуллас, ўша куни мен мактабга бордим. Янги ҳаёт бошланди...

Ўша киши — ўқитувчи — биринчи ўқитувчим Қирқйигит Абдулҳақимов ҳозир саксон ёшни қоралаб қолган. Ундан бир умр миннатдорман. Овлоқ тоғларда юраверганимда нима бўлар эди?..

Бизнинг мактаб аввал етти, кейин саккиз йилликка асосланган эди. Кейин ким ўқимоқчи бўлса Қўшработ, Фориш, Ғаллаорол туманларидаги ўн-ўн бир йиллик мактабларга кетар эди.

Ноилож мен Гарашадаги Маяковский номли 88-сонли мактабга кетдим. Мактаб ўша пайтлари Ғаллаорол туманига қарар эди. 1967 йил 10-синфни фақат аъло баҳолар билан якунладим. У пайтлар мактабни аъло баҳолар билан якунлаган ўқувчига "Олтин медал" бериларди. Бу ажойиботларни қаранг. Битирувчилардан мен ва тагин бир синфдошим шу медалга лойиқ топилдик. Аммо... "олтин медал" битта. Бу мактабнинг ҳақиқатпарвар, адолатпарвар (мен ҳақ гапни айтяпман, бирор қочирим йўқ) ўқитувчилари қоқ иккига бўлинди. Биринчи Накурт қишлоғидан келган Суюнов Азимбойга деса, иккинчи тараф ўзимизнинг Гарашадан чиққан... фалончига (синфдошим, энг қадрдон дўстим эди) дейишди... Тараф-тараф, талаш—талаш...

Алал оқибат, "Олтин медал" иккимизга ҳам берилмади! Албатта, бу гарашалик ўқитувчиларимнинг кўпи вафот этиб кетишди, кўпчилиги ҳаёт. Барчасидан бирдек миннатдорман. Ҳақиқат деганларини шулардан ўрганганман. Умуман, кимки менга сабоқ берган бўлса, майли, ундай-бундай гаплар ўтгандир, баридан



миннатдорман. Уларнинг ҳаммаси ҳозир мен билан фахрланишади...

Кейин ҳам... омадсизлик исканжасидан қутилишим осон кечмади. Ўқийман, деб Тошкентга йўл олдим. Пулсизлик. Менинг умуман, қўлларим ҳеч қачон тузукроқ пул кўрмаган.

Хуллас, ТошДУ (ҳозирги Миллий университет)нинг журналистика факультетига 1967 йил ҳужжат топширдим. Ўша пайтлар қандайдир қарор бўлган: бошқа факультетларни билмадиму журналистика факультетига Самарқанд вилоятдан битта талаба қабул қилинарди. Иккита беш ва иккита тўрт баҳо олганлигимга қарамасдан мандатдан ўтолмадим. Қишлоққа қайтиб кетдим. Совхозда матлубот жамияти деган ташкилот бўларди. Ўша ерга тоғам Эсонбек Мамадалиев орқали бош бухгалтернинг кичик ёрдамчиси деган ишга қабул қилиндим. Маошим 27 сўм.

Қаранг, энди бу ерда ҳам... раисимиз бу ерга қўл қўй, у ерга қўл қўй, деб қандайдир қозғоларга имзо чектирар эди. Сенга ҳеч нарса бўлмади, шоирсан-ку, деб қўярди. Имзо чекаверибман. Бир куни раисимиз ишдан кетди. Текширув бошланди. Қарасам, катта сумма бўйнимда. Охири яна тоғам жонимга оро кирди (У Селсоветда военком эди), мени бир бало қилиб ажратиб олди.

1968 йил тагин Тошкентга келдим. Ҳужжатлар топширдим. Фақат журналист бўламан, дейман. Журналистика факультети шоирлар тайёрлайди, деб ўйлаганман. Ахир Абдулла Ориф ҳам журналистикани битирган... Тагин бултурги ҳол. Мандатдан ўта олмадим. На илож, энди уят кучидан қишлоққа бормай, Пойариқ тумани марказига йўл олдим. Бу ерда накуртлик Омонхон эшон бобомиз — отамнинг қадрдони яшар эди. Бундан ташқари Накуртда у кишининг ўғли Бахтиёрхон билан тўртинчи синфгача бирга ўқиган эдик (Ҳозир ўша Бахтиёрхон Тўраев фалсафа фанлари доктори, профессор).

Омонхон бобом мени ўз ўғиллари сафига қўшди. Ўғиллари нима еб-ичса, мен ҳам ўшани еб-ичдим. У киши шеърлар ҳам ёзар эди. Бир сўз билан айтганда, кўнгилош чиқиб қолди... туман газетаси "Коммунизм байроғи" масъул ходими Омон Кувватов деган журналист ёрдами билан туман маданият уйига безакчи-рассом вазифасига ишга ўтдим.

Май ойи келиб мен армия сафига кетдим. Кетмасдим. Отсрочкам бор эди. Ёзишди. "Азимбой ўқишга кираман, деб Совет армиясидан қочиб юрибди. Тоғаси военком, "Ҳарбий билет" тўғрилаб берган", деб ёзиб беришди. Бу гаплар тўғри. Лекин нима қилай, тезроқ ўқишга кириб, шоир бўлмоқчи эдим. Ёзишганидан хафа бўлмадим. Аммо қалин синфдош, дўстим отаси иккаласи қўшилиб ёзганларидан хафа бўлдим. Тагин денг, жаннатмакон бир тоғда ўсган йигитча, Худо лаънатлаган бийдай чўл— саҳродаги қурувчи-батольон қўшинига тушиб ўтирса-я...

Қисқаси, яна икки йил ўтди. Мактабга 7 ёшда борадиган бола 9 ёшда мактабга бордими? Ҳа! 2 йил ютқаздими? Ҳа! 2 йил ўқишга кира олмадими? Ҳа! Тагин 2 йил ютқаздими? Ҳа! Армияда 2 йил бўлдими? Ҳа! Тагин 2 йил ютқаздими? Ҳа! Бу 6 йил дегани! 6 йил ютқаздиқ... дегани!

Армиядан қайтиб... Тўхтанг, тагин бир қизик ҳолат.

Солдатликдан қайтдим. Икки чамадон икки қўлимда. Оғир-оғир. Онам бечора шошган. Қўни-қўшнилари келган. Қариндош-уруғлар шу ерда. Мен юз ойдинликдаман. Жамулжам бўлганлар онамга Азимбойнинг чамадонларини очинг-чи, биз ҳам кўрайлик, нималар олиб келибди... Содда онам бечора икки чамадонни очган — иккаласи ҳам лик тўла китоб!

Ана, хўш, шундай қилиб, армиядан қайтиб... ҳужжат топширишга улгурдим. Тагин ТошДУ. Журналистика! Тагин мандатдан ўтолмадим. Иншо ёзишимдан 4-5 кун олдин ўнг қўлимдан даҳшатли оғриқ берувчи кўм-кўк яра чиқди. Бош бармоғим остидан. Тирноғим ярим очилиб, осилиб қолди. Оғриқдан куну тун инграб йиғлардим.

Не азобда иншо ёздим. Натижа уч. Шунга ҳам шукр қилдим. Оғзаки 4. Домла, 5 қўяр эдим, лекин иншонгиз 3 экан-да, деди. Бу домла Мухтор Худойқулов экан. Тарихни бешга топширдим. Зухра опа исмли аёл эди. Немис тилидан, табиий, уч. Хуллас, яна мандатдан ўта олмадим. Кимдир биров маслаҳат берди: солдатларни сиртқи бўлимга қабул қилиши мумкин. Ниҳоят сиртқи бўлимга илдиним.

Биринчи курсдаги биринчи дарс. Серрайиб охири партада ўтирибман. Дарс-парс билан ишим йўқ. Чунки домла Яссавийдан гапираётган эди. Холбуки, мен Яссавий "Ҳикмат"нинг ҳали биринчи синфга бормасимдаёқ кўп жойларини ёд билар эдим. Отам ва бобом мулла Суюн уни қайта-қайта овоз чиқариб ўқийверганидан... ёд олиб қўйган эдим.

Хуллас, олдимда бир даста шеър. Қўлёзма. Шу билан бандман. Сезмай қолибман, бир пайт дарс ўтаётган домла тепамда турибди. Бир оғиз ҳам сўз айтмай у қўлёзмаларимни олиб қўйди. Тамом, дедим, ўзимга ўзим. Лаънати шеърлар... тагин галва...

Дарс тугади. Ҳаммамиз чиқа бошладик. Домла менга, сиз қолинг, деди. Қолдим. Домла менга ширин жилмайиб "Зўрсиз-ку", деди тўсатдан. Титраб кетдим... Умримда биринчи марта эфирроф эшитаётган эдим. Кимлигимни суриштира кетди. Мен ҳаёт йўлимни айтиб бердим. Эшитгач, йўқ деди домла жиддий тортиб, сиз кундузги бўлимда ўқишингиз керак, бироқ унга ўтказиш менинг қўлимдан келмайди, у ерда кўпроқ бошқачароқ одамларнинг болалари ўқийди... Ва лекин, кечки бўлимга ўтказишга уриниб кўрсам...мумкин... хоҳлайсизми?"

О, хоҳлаганда қандоқ!

"Нега менинг дарсимга қулоқ солмадингиз. Ахир мен Яссавийни... таъқиқланган улуг шоир ҳақида тушунча бераётган эдим-ку" — деди домла бир пайт. Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Нимаси таъқиқланган? Менинг ота-боболарим фақат Яссавийни ўқишади-ку, ўқиганда ҳам йиғлаб...

Мен "Ҳикмат"дан ўқий бошладим: "Мухаббатнинг бўстонида булбул каби, саҳар чоғлар нола қилиб қўнгим келур..." Домла тек қотиб қолди. Кўзлари ёшланди. "Сиз ўқийсиз! — деди қатъий. — Мен сизни Миртемир домлага олиб бораман. Мен ҳам тоғдан келганман..."

Мени тақдир рўбарў қилган бу домла ҳозирда филология фанлари доктори, профессор, хокисор инсон Ботирхон Акрамов эди.

Мен иккинчи курсдан журналистика факультети кечки бўлим толиби бўлдим. Қурилишга ишга кирдим. 4-разрядли сувоқчи-моляр касбини армияда эгаллаган эдим.

— **Шундай қилиб омадсизлик исканжасидан қутилиб кетдингизми?**

— Ҳа! Лекин том маънода кейинроқ. Яъни Мустиқиллик бошлангандан кейин. Айтиб берайми?

1991 йил "Халқ сўзи" газетаси ташкил қилинди. Мен Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб эдим. Мени газетанинг бўлим муҳаррирлигига таклиф қилишди. "Келинг, — деди, — Бош муҳаррир оғзидаги носини туфлаб, — газетачилик даври келди, энди адабиёт ўлади". Адабиёт ўлмаслигини билсам-да бордим...

1992 йилнинг ажойиб бир кунда муҳтарам Президент мени йўқлатди...

Ишларим юришиб кетди. Салкам ўн йил "Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталарида Бош муҳаррир вазифасида фаолият кўрсатдим. Зомин туманидан Ўзбекистон Олий Мажлисига депутат бўлиб сайландим. 2002 йилдан бошлаб "Гулистон" журнали Бош муҳарририман.

Ҳа, суҳбатимиз ижод ҳақида бўлиши керак эди. Бурилиб кетди... Аммо, билинг, ижод йўли — шахсий ҳаётингиз йўли!

Замонамизнинг буюк файласуфи, фалсафа фанлари доктори, профессор Виктор Алимасов "Топган ва топинган битикларим" китобида менга шеър бағишлабди:

Эй, Азим!

*Шоир-Кўк фарзанди, унинг Ерда қолгани шараф,
Танҳо Рабдан кечиб башарга ёр бўлгани шараф,
Валек бил, Эрк ҳам Кўкда, Ҳақ ҳам Кўкда,
Эркни, Ҳақни деб шоирнинг дорда ўлгани шараф.*

— **Майли, шеърга қайтайлик. Кўпчиликни, жумладан адабиётни ҳам бир савол қийнайди: шеърятга лов этиб кириб келган ёшлар адабиёт ихлосмандларида катта умид уйғотилади-ю, биров муддатдан сўнг матбуотда кўринмай қолишади. Бунинг сабабини қандай изоҳлайсиз?**

— Адабиётга, хусусан шеърятга, сиз айтмоқчи "олов" бўлиб кирган ёшлар кўп бўлган, тузуқкина ном ҳам чиқарган, адабиёт ихлосмандларида умид ҳам уйғотган, аммо кўп ўтмай сувга ташланган чўғдай... ўчган.

Биласизми, илҳом билан меҳнат ялакатмағиз, бирга яратилган. Илҳом бўлса-ю, меҳнат бўлмаса, тагин денг, қора меҳнат бўлмаса натижаси ёмон, палағда. Шеърят фидоийлик талаб қилади. Албатта, аввал истеъдод. Истеъдодсиз шоир минг фидоийлик қилсин — илк зинада депсиниб қолиб кетаверади. Истеъдод илҳоми ва меҳнати билан яратилган асарнинг қаноти бўлади.

Кейинги йилларда мен бир нарсанинг гувоҳи бўлдим. Аёнки, мустиқиллик хур фикр берди. Аммо бу хур фикр қайси бир шоирга насиб этди. Ўз тенгдошларим мисолида айтяпман бу гапни. Жуда озчиликка...

1976 йил Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида "Ёшлик баёзи" деган тўплам нашр

этилган. Унда адабиётга энди кириб келаётган 48 шоирнинг ижоди берилган. Ҳозир бу қирқ саккиз катта шоир қаерда?..

Клеанф деган юнон файласуфи ўтган. Унинг бир машҳур гапи бор: "Юришни хоҳлаганни тақдир етаклайди, хоҳламаганни — судрайди".

— **Ижод аҳли шоирга, шеърга турлича таъриф беради. Сизнингча, шоиру шеър аслида ким у нима?**

— Ҳақиқатан ҳам шоир ким у шеър нима?

Азалий ва абадий савол!

Энг аввало "Қуръон"нинг шеърӣ оҳангларда нозил бўлганлигини унутмаслик керак.

1988 ёки 1989 йилнинг ёз кунларидан бирида Тошкентга қозоқнинг машҳур шоири Ўлжас Сулаймонов келди. Мен Ёзувчилар уюшмасида ишлар эдим. Бодомзор чойхонасида ош қиладиган бўлдим. Етти- саккиз кишимиз. Ош зўр бўлди. Майи ноблар булоқ суви... истаганингча. Суҳбат қизигандан қизиди. Шеърлар ўқилди. Деярли ҳамманинг кайфи тарақ... ғира-шира қоронғулик туша бошлади. Турдик. Кўчага йўналдик. Мен орқароқда қолдим — чойхоначи билан ҳисоб-китоб қилиш керак — Уюшманинг масъул ходимиман, ахир. Оёғимга бўшаб ётган бир шиша урилди. Уни беихтиёр тепиб юборибман. Қарангки, шиша бир четдаги сўрида карта ўйнаб, ошхўрлик қилиб ўтирган тўданинг дастурхонига учиб- бориб тушди. Бари ёш-яланг экан. Сакраб туришди. Менга етиб келган биринчи йигит келасолиб қўлларимни орқага қайирди. Қолган саккиз йигит ҳам етиб келди. "Кечирасизлар, атайлаб қилганим йўқ, тасодиф..." дедим шоша-пиша. Биттаси, тўхта, деди, қўлларимни қайириб ушлаб турган йигитга, бу Азим Суюн-ку, Ўзбек, қачон халқ бўласан, деб ёзган шоир. Қўлларим бўшалди. Ҳамма жимиб қолди. Ҳалиги йигит шеъримни ўқий бошлади:

*Ўзбекнинг ўти бор, дерлар
Ва лекин "чўп"и бор, дерлар.
Ҳайҳот, бундай эл кўрмадим,
Бир-бирин кавлашиб, ерлар.
Ўҳ, ботириб, қайдасан?*

*Бири чиқса баланд тоққа,
Бири тушар қулатмоққа...*

Тўғрими, деди, у менга ошкора юзланиб. Ҳа, дедим. Қучоқлаб кетди. Дастурхонга тортишди. Пиёлаларга қуйилди. Менинг шаънимга кўтаришди... Чойхоначи билан ҳисоб-китоб қилаётганимда у "Худо сақлади, улар туремшиқлар, нашавандлар... пичоқдан омон қолдингиз, қандай сақлади, Худо барҳақ", деди шивирлагансимон...

Ҳа, бу ерда, қаранг, шеър жодули кучга айланди, шеър ҳалоскор қудратга айланди. Менинг ҳаётимни сақлаб қолди!

Энди шеърнинг сеҳрига қаранг. Пушкин шеърятига ошuftа бўлиб юрган кезларим. "Боқчасарой фонтани" шеъри хотирамга ўрнашиб қолди.

Кўнгил безовталиги бошланди. Пул йиғаман... кўриб келаман. 1985 йил "Қайдасан, Қрим, қайдасан, Боқчасарой, дедиму кетдим. Бордим. Кўрдим. Ўша



Пушкин қандай тасвирлаган бўлса... ўшандай Боқчасарой фонтани. Опоқ мрамор фаввора, қизил гул, кўз ёшлари...

Мана, бир шеър сеҳри. Демак, шеър бу ерда сеҳр. Бу сеҳр мени йигирма кун бутун Қримни кезишга чорлади. Пушкин юрган йўллар бўйлаб юрдим. Гўёки Пушкин бўлиб Қора денгиз қирғоқларида шеър ўқидим.

Кейинроқ Лермонтов юрган йўллар бўйлаб қилинган саёҳатим ҳам шундай.

"Шеър ёзаман зерикканимдан..." — дейди "Дон-Жуан" асарида инглиз лорд Байрон. Бу нима? Олифта гапми? Йўқ. Истеъдод қалбининг заруриятини, эҳтиёжини айтаяпти у. Шеър ёзмасдан туролмаслигини, шеър ҳаёти эканлигини, дилини тўкмай яшайолмаслигини айтаяпти.

Шарқда эса "шеър ёзади шоирларнинг фақирини..." — дея бўзлайди бахши Фозил Йўлдош ўғли.

Шеър заҳматига чидаган кимсагина шоир бўлиши мумкин, демоқда у. Шеър бойлик келтирмайди, моддий бойлик келтирмайди, маънавий бойлик манбайи, демоқда Фозил ота. Шоирлик номини олиб юриш чидаганга чиқарган, демоқда Фозил ота.

Шоир, шоир қалби олисдан кўринадиган тоққа ўхшайди. Тоғдан олисда туриб, унинг бағрида нима борлигин билиб бўлмайди. Унинг бағрида нима борлигини билиш учун тоғнинг бағрига бормоқ, у билан сирлашмоқ керак. Худди шунингдек шоирнинг китобини бағрга босиб ўқиш керак. Унда қалб хазинасию, меҳр-муҳаббатини, сеҳру-сирларини, қисқаси, ўзининг айтолмаётган, лекин айтмоқчи бўлган барча синоатларини топади.

Хуллас, "Мен ҳеч ким эмасман, ўзимдан бўлак" (Азизий).

— **Янги китобингиз — "Ватан фасллари"нинг чоп этилганига ҳали кўп вақт бўлмади. Лекин китоб ўз мухлисларини топиб улгурди. Бу ижодкорнинг бахти. Шундай эмасми?**

— "Ватан фасллари" уч минг нусхада чоп этилди. Бу халқимиз учун уммондан томчи холос. Лекин бу кун шароитида шуям тузук. Тошкентдаги китоб магазинларини айланиб чиқдим. Бари сотилиб кетибди. Қувондим. Ҳолбуки, кўплаб унвондор қаламкашларнинг китоблари ҳам ҳар хил расталарда қалашиб ётибди...

"Ватан фасллари" ютуғи ҳақида ҳеч нарса деёлмайман. Ҳарқалай, шеър умри шоир умридан узоқ бўлиши керак. Бу менинг шиорим. Ютуғи бўлса, мухлис айтсин. Аммо биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотида қўйилгани чин.

Олтинчи март куни Усмон Азим ишхонамга

кириб келди. "Азим, деди у, шу китобинг ҳақида ёзмоқчиман. Китоб тақдимотида бўлдим, лекин менга китоб тегмай қолди. Бир китоб берсанг..."

Мен донг қотиб қолдим. Усмон Азим "Ўзбекистон халқ шоири", ўзбекнинг донгдор шоири. Унинг асарларини имкони бўлиб тўлиқ нашр қилинса... нақ ўн том бўлади.

— **Сиз бир қанча мамлакатларда ижодий сафарларда бўлгансиз. Уларнинг адабиёти билан бизнинг адабиёт ўртасидаги тафовутни нимада кўрасиз?**

— 1992 йил Туркиянинг Бурса шаҳрида 27 давлат вакиллари тўпландик.

Ўзбекистонга қайтгандан сўнг Хуршид Даврон ёзаяпти: мен дўстим билан Туркия сафарида бирга бўлдим. Биз Эркин Воҳидов, Рауф Парфи билан баробар илк марта ўтказилган туркий халқлар шоирларининг анжуманларида қатнашдик. Жуда кўп давраларда шеър ўқидик, нутқ айтдик. Ана ўша кунлари Азим Суюн давралар гули бўлди, десам хато қилмаган бўламан. Унинг Турон-Туркистон, туркий тарихларга оид шеърларини тинглаганлар, нутқларини эшитганлар на фақат шоирнинг салоҳиятига, шу билан баробар ўзбек шеърятининг улғуворлигига тан бердилар. Турк шеърятининг оқсоқолларидан бири "Ўзбек шеърятини туркий шеърятини ичида энг улуғи эканлигига яна бир бор ишондим" деди.

Албатта, бундан мен фахрланаман. Менинг ўрнимда бошқа биров бўлса ҳам бу сўзлардан фахрланган бўларди. Хуршид Даврон чин шоир. У, биринчидан жуда нозиктаъб инсон, яхши дўст! Ҳамма давралар учун латиф шеърлари бирдек. Хуршиднинг шеърларини мен саҳрода сувсиз қолиб кетиб... сувга етган йўловчидек ўқийман. Айниқса, "Тунги боғ" китобини.

Собиқ шўролар пайтида ҳам, кейинчалик ҳам бир неча давлатларда адабий анжуманларда, йиғилишларда қатнашдим. Аммо бири яна муҳим. 2005 йилда Жанубий Корея республикасида Осиё маданияти ва адабиёти алоқалари маркази очилишига бағишланган халқаро симпозиумда қатнашдим. Бу симпозиум Осиё мамлакатлари маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

— **Устоз, сир бўлмаса ҳозир қандай асарлар устида ишляпсиз?**

— Шоирнинг халқидан сири йўқ. Янги шеърлар, тўғрироғи, "Ўзбек йўли" деган дoston ёзаяпман. Биласиз, "Ўзбек Давлати" дostonим "Ватан фасллари" китобимда чоп этилди. "Ўзбек йўли" эса унинг узвий давоми. Замонавий дoston.

Сухбатдош: **Башорат ОТАЖОНОВА**



ЭЗГУЛИКНИНГ МЕВАСИ ШИРИН

Ҳар бир ривожланган мамлакат тарихига назар солсак, унинг тараққиётга эришишида таълим-тарбияга берилган эътибор асосий омил бўлганлигини англаймиз. Жаҳон ҳамжамиятига мос равишда ўз тараққиёт йўлида дадил одимлаб бораётган юртимизда ҳам айни кунларда умумий ўрта таълим соҳасига катта эътибор берилмоқда. Бу соҳада жаҳон талабларига жавоб берадиган давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилган. Ҳукуратимиз томонидан умумий ўрта таълим соҳасида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ушбу қонун ҳужжатлари ижросининг аҳволи билан танишиш мақсадида Самарқанд шаҳар Халқ таълими бўлими бошлиғи Муҳиба Бобобековани суҳбатга тортдик.

— Ҳукуратимиз томонидан умумтаълим мактабларига катта эътибор берилмоқда. "Таълим тўғриси"даги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури, 2004-2009-йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастури педагогларимизнинг келгуси фаолият ва вазифаларини белгилаб берди. Бу қонун ҳужжатлари асосида қабул қилинган Фармон ва қарорларнинг ижросини таъминлаш борасида бўлимимизда қатор ибратли ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Президентимиз И.Каримовнинг Конституция қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган "Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устивор вазифамиз" деб номланган маърузадан келиб чиқиб, бўлимимиз тасарруфидаги барча таълим муассасаларида "Ижтимоий ҳимоя йили" дастурлари ишлаб чиқилди. Бу дастур асосида фахрийлар уюшмаси 35 нафар нафақадаги ўқитувчиларнинг ҳар бирига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

— Яқинда шахримизнинг 2750 йиллик юбилейи дунё миқёсида кенг нишонланади. Бу тантанага тайёргарлик борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Дарҳақиқат, барча самарқандликлар каби биз ҳам бу улуг тантанани муносиб кутиб олишга ҳаракат қилаёпмиз. Яқинда мактабларимиздаги "Камолот" ЁИХ сардорлари билан "Менинг шахрим — менинг фахрим" мавзусида анжуман ўтказдик. Анжуманда "Камолот" сардорларининг шахримиз ўқувчиларига Самарқандни тоза ва озода сақлаш, мактабда ўз-ўзини бошқариш бўйича Мурожаатномаси қабул қилинди. Бундай ибратли ташаббусни Республика миқёсида оммалаштириш лозимлигини раҳбарият ҳам таъкидлаб ўтди.

Жонажон шахримизнинг 2750 йиллигига бағишлаб вилоят телерадиокомпаниясида "Самарқанднинг ўтмиши, бугуни ва келажаги" телевикторинаси ташкил қилиниб, унда шахримиздаги мактаб ўқувчилари фаол қатнашиб келмоқдалар.

Яна шу қутлуғ санага бағишлаб 37-умумтаълим мактабда шахримиз инглиз тили ўқитувчилари ўртасида беллашув ўтказилди. Унда 62 фан ўқитувчилари кўпгина шарт бўйича ўз билим ва маҳоратларини намойиш этишди. Беллашув ўта кўтаринки, ҳолис руҳда ўтди.

Ўйлайманки, бундай тадбирлар ўқитувчиларимизни ўз устларида ишлашга яна-да ундайди.

— Меҳнат ва моддий манфаатдорлик. Бу икки ташунча ҳар доим ёнма-ён юради. Ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича қатор янгиликлар жорий қилинди. Унинг моҳияти билан таништирамангиз...

— Дарҳақиқат, киши ўз меҳнатининг мевасидан баҳраманд бўлса, унинг меҳнат қобилияти ва сифати янада юқорилашаверади. Шу сабабли ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими ишлаб чиқилди. Илгари мактабдаги ўқитувчиларнинг фаоли ҳам, ўртамиёнаси ҳам меҳнатлари учун бирдай маош олишарди. Бу эса ўз-ўзидан таълим даражасининг тушиб кетишига сезиларли даражада таъсир қилганди. Янги тизимга кўра, ўқитувчи меҳнатининг самарадорлигига қараб ойлик маошига устама ҳақ олади. Устама ҳақ ўқитувчининг касбий маҳорати учун алоҳида, синфдан ташқари тарбиявий ишлари учун алоҳида белгиланган миқдорда тўланади. Ўз меҳнати самарасини моддий шаклда қўлга киритган ўқитувчида, албатта, янада ўз устида ишлаш, меҳнати самарадорлигини ошириш йўллари устида изланиш эҳтиёжини келтириб чиқаради. Устама ҳақ олмайдиган ўқитувчи эса ҳамкасбининг маоши кўпайганлигига гувоҳ бўлгач, унда ҳам моддий манфаатдорлик миқдорини ошириш учун изланишга, меҳнати самарадорлигини оширишга, демак, ўз устида ишлашга, билимини ошириб боришга эҳтиёж туғилади. Бу нарса ўз-ўзидан педагоглар ўртасида соғлом рақобатнинг шаклланиши учун замин ҳозирлайди.

— Ҳозирги кунда барча шаҳар ва туманда таянч мактаблари ташкил қилинган. Бундай мактабларнинг вазифалари нималардан иборат?

— Аввало, бундай мактаблар бизга нима учун кераклигига аниқлик киритсак. Маълумки, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг 3-босқич вазифаларининг ижросини таъминлаш мақсадида умумтаълим мактаблари услубий кенгаш ва бирлашмаларининг ролини кучайтириш давр талаби бўлиб қолди. Ана шу талабни бажариш учун мактабларга маълум бир йўналишдаги фанлар бўйича узлуксиз методик хизмат кўрсатиш мақсадида таянч мактаблари ташкил қилинди. Шаҳримиздаги мактаблар маълум бир фан бўйича таянч

мактаб мақомига эга бўлишди. Бу таянч мактаблари вилоят Халқ таълими бошқармаси, вилоят Таълим маркази ва бўлимимиз билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режага эга бўлиб, ушбу режа асосида фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Барча таянч мактабларида таълим-тарбиянинг долзарб масалаларига доир семинар-тренинглари режа асосида мунтазам олиб борилмоқда. Бундан ташқари Халқ таълими вазирлигининг "Фан ойликларини ўтказиш тўғрисида"ги 16-сонли буйруғи асосида ҳам талай ишлар амалга оширилди.

Таъкидлаш ўринлики, мактабларда фан ойликларини ўтказиш ўқувчиларнинг нафақат маълум бир фан доирасидаги қизиқишларини, билим ва малакаларини ошириш, балки уларни касбга йўналтириш борасида ҳам муҳим қадам бўлди. "Маърифат" газетасининг 2007 йил 6-сонидан чоп этилган тавсиялар асосида мактабларда фан ойлигини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Халқ таълими вазирлигида тасдиқланган жадвал бўйича март ойи кимё фани ойлиги деб белгиланган. Шу сабабли бу ойда шахримизнинг барча мактабларида 1-март куни Давлатимиз Мадҳияси янграб, Давлат байроғи кўтарилши билан кимё фани ойлиги очилди. Бугун март ойи давомида мактабларда ушбу фанга бағишлаб турли тадбирлар, кўрик-танловлар ва беллашувлар ўтказилди.

— **Ҳозир мактаб таълими соҳасида "Самарқанд методи" деган атама пайдо бўлди. Уни шарҳлаб берсангиз...**

— Ушбу атаманинг пайдо бўлишига мактаб ва оила ҳамкорлигини янада юқори босқичга чиқариш масаласи

сабаб бўлди. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир бола сифатли билим олиш ҳуқуқига эга. Шу сабабли ҳар чоракнинг охириги ўн кунлигида фан ўқитувчилари ўқувчиларнинг ўтилган дарсларни қай даражада ўзлаштирганликларини очиқ-ҳисобот дарс сифатида намойиш қилади. Бу дарсга синфдаги ўқувчиларнинг ота-оналари, маҳалла қўмитаси вакиллари, ҳамкасб ўқитувчилар кириб, дарс жараёнини, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини кузатиб боришади. Ўз кузатишлари асосида фанни ўқитиш бўйича ютуқ ва камчиликлар юзасидан ўз фикрларини билдиришади. Ота-оналарнинг талаб ва истаклари ўқитувчига келгуси ишларини режалаштириб олиш имконини беради. Бу метод, албатта, ўз ижобий натижаларини тезда кўрсатади. Биринчидан, мактаб ва оила ўртасидаги алоқа-янги босқичда намоён бўлади. Иккинчидан, ота-онада фарзандининг билимини назорат қилиб бориш масъулияти ортади. Тўғри-да, қайси ота-она фарзандининг бошқалар олдида уялиб қолишини хоҳлайди. Таълим-тарбияга бундай ёндашув унинг сифатини ошириш имконини беради.

— **Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат! Шу ўринда устозларга, "Ёшлик" муштарийларига тилакларингиз...**

— Ўқитувчилар бола қалбига ҳамиша эзгулик уругини эксинлар. Вақти келиб, унинг ширин мевасидан барча бирдай баҳраманд бўлсин. Бундай бахтга эришиш устоз деган номни кўтариб юрган барча ҳамкасбларимга насиб этсин!

Азимжон ҚОДИРОВ суҳбатлашди



Нурулло ОСТОНОВ

НАЗМ

Қалбимда тўғёнлар садоси тинимас



Нурулло Остонов 1992 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. "Юлдузлар чақнаган тун", "Баҳор рақси", "Йўлдаги булоқ", "Юрагимнинг безовта гули", "Қадим йўлларда", "Осмон тўла фаришта", "Фасли кўклам", "Тонгга пешвоз чиқайлик" номли шеърлар тўпламларининг муаллифи. Айни пайтда Самарқанд шаҳар ҳокимлиги муассислигидаги "Самарқанд" газетасининг Бош муҳаррири вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

ВАТАН ШАЪНИ

Ватан, боболардан мерос каломим,
Ё наврўз пайғомим, мози қарвоним.
Сенсиз мен қуёшсиз, нурсиз гиёҳман,
Тилга кирармиди тилсиз забоним.
Ватан, ўланларинг рақсида туғман,
Авон гиламларинг кўксига чўғман.

Мевали дарахтсан, йўқ тош отмаган,
Бўғингга осилар сотган-сотмаган.

Шунчалар бағрикенг осмон ҳимматинг,
Гарчанд чандиқларинг изи қотмаган.
Бешиқларинг турфа гулларга тўлсин,
Эшиқларинг қизу улларга тўлсин.

Дунё баҳра олди илм-ирфонингдан,
Кўзим қувонади шаъну ҳонингдан.
Машиқдан мағрибга қадар овозанг,
Оврупага ўрин бердинг ёнингдан,
Саҳрода ташнага сув бермоқ савоб.
Қуёш остонангда қилади тавоб.

Осмондан узилиб тушган жаннатсан,
Бошларга ёғилиб турган раҳматсан,
Пайғамбар назари тушган қадим юрт,
Сабрдан тикланган улуғ давлатсан,
Лойсувоқ уйлариинг иймон бешиги,
Ҳар битта алломанг дунё эшиги.

Ялласиз гўшанг йўқ, алласиз уйинг,
Хислатсиз решанг йўқ, боласиз тўйинг.
Муқаддас саждагоҳ, кўнгиш жавҳари
Тугингда чорласин юлдузинг, ойинг.
Элни тарк этмасин қут-баракалар,
Сенга муборакдир тўй-мағракалар.

САМАРҚАНД МАДҲИ

Гулгун ватан бўстонида дилдор Самарқанд,
Юлдуз чаман осмонида гулзор Самарқанд.
Боғлари бол, оби зилол бағри хушанбар,
Кўксига зеб бермиш ҳилол, шаъни музаффар.

Илми улуғ, бахти тўлуғ, ҳуммор Самарқанд,
Байрамларинг бўлсин қутлуғ алёр Самарқанд.

Дўстга очиқ дарвозаси, тўкин дастурхон,
Олам аро овозаси тилларда дoston.

Алломалар бешигида бардор Самарқанд,
Ҳар фарзанди эшигида сардор Самарқанд.

Авлиёлар қўллар мудом чилтонларини,
Ҳидоятга йўллар мудом султонларини.

Кўҳна замин тупроғида зуннор Самарқанд,
Обидалар ардоғида туммор Самарқанд.

Қадим сўғднинг садосидан, Зардўшт Самарқанд,
Пиру комил дуосидан, баркўш Самарқанд.

САРБОН САМАРҚАНД

Олам элининг ифтихори, сорбони Самарқанд,
Кўнгиш уйининг меҳрибони, дарбони Самарқанд.

Дилдор топмадим дунё кезиб етти иқлимда,
Тинчлик элининг дилда бори, посбони Самарқанд.

Ҳар бир қаричи авлиёлар, пирлар макони,
Тарих қатида барча замон мардони Самарқанд.

Нозли хироми ғулғулага ташлади жонни,
Бир ишва билан олди хаёл жонони Самарқанд.

Ёғий пайкони шуғласида олди аланга,
Кун бўлди қуёш, жангу жадал қурбони Самарқанд.

Қаддини тутиб қайта бино бўлди неча бор,
Мангу жовидон бўлди яна фармони Самарқанд.

Зардўшт ишқидан ваҳдат сари қўйди қадамни,
Қадри улуғу, нурга тўлиқ осмони Самарқанд.

Алп Эртўнганин хур чамани, раҳиони Самарқанд,
Дунё элининг шаҳсувори, достони Самарқанд.

ТИНМАС

Муҳаббат оғриқми, тузалиб кетса,
Муҳаббат риштами, узилиб кетса.
Ёки келинчақми, сузилиб ўтса —
Қалбимда тугёнлар садоси тинмас,
Кўнглимда ҳижронлар дарёси тинмас.

Ҳар тонг деразамдан иффор келади,
Мени соғинтирган баҳор келади.
Ойдаи тўлиб ул ёр, дилдор келади.
Қалбимда кўкламлар сабоси тинмас,
Кўнглимда армонлар навоси тинмас.

Севги саҳросида ташина булоқман,
Қанча яқинлашсам, шунча йироқман.
Кечиб кетолмадим ғамза-финоқдан,
Қалбимда Карбало саҳроси тинмас,
Кўнглимда айрилик жафоси тинмас.

Ўзим гуноҳкорман, кўндир гуноҳим,
Ўзинг ишқ бергансан, қўлла, Илоҳим.
Менинг ҳаётимсан, танҳо паноҳим,
Қалбимда муҳаббат нидоси тинмас,
Кўнглимда булбули гўёси тинмас.

ТОЗА ГҲА

Сен бокира бир тоза гулсан,
Кипригинга губор қўнмаган.
Очилади чечаклар кулсан,
Лабларингда қуёш уйнаган.

Сочларингнинг занжири афсун,
Сеҳради телба хушимни.
Айт, кўзларинг бунчалар маҳзун,
Ўқиётир менинг ҳукмимни.

Қошларингнинг қалдирғочига,
Банди бўлди бандаи Машираб.
Мени осил ишқ оғочига,
Жасадимни кетманглар ташлаб.

Ситорангда ҳаё гулхани,
Қизғалдоқлар ёнар тафтидан,
Гулзор қани, аё, гул қани,
Адаштирди жунун афтидан.

Мақтовларим ҳали ичимда,
Ўзинг хушрўй ҳуру малаксан,
Ўн саккиз минг олам ичинда,
Энг муқаддас зеби фалаксан.

Абдуғафур РАСУЛОВ

«ЎҚИШ ОЛАМ ҲАҚИДА ЭМАС, ОЛАМНИНГ ИЧИДА ТУРИБ ФИКРЛАШДИР»

Истеъдодли мунаққид Абдуғафур Расуловнинг "Танқид, Талқин, Баҳолаш" китоби нашрдан чиққанига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо қисқа давр ичида талабалар ва адабиёт ихлосмандлари орасида севиб ўқиладиган ушбу қўлланма, ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, ўзбек адабий танқидчилигининг тош босадиган асарларидан бири бўлиб қолади. Жаҳон адабий танқидчилигининг энг сара асарларини синчиклаб ўрганган мунаққид, бирор мавзу юзасидан фикр билдиришдан олдин бу борадаги бошқа фикрларни ўзаро чоғиштириб, тўғри ёки нотўғри томонларини асослаб беради-да, сўнгга ўз фикрларини баён қилади.

Китоб учта фаслдан иборат бўлиб, ҳар бир фасл яна учтадан бобга бўлинади. Ҳар бир фаслда баён этилган фикрлар янгиллиги, манбаалардан ўринли фойдаланиб ёзилгани билан ўқувчини мушоҳадага чорлайди. Маълумки, яхши ёзилган асар инсон қалбини майинлаштиради, туйғуларини ўткирлаштиради, — деб ёзади мунаққид. Хўш ана шу ўткир туйғули китобхон билан танқидчи орасидаги фарқ қачон, қандай вазиятларда кўринади? Китобда Навоий, Ғаззолий, Сайфи Саройи, Мунис, Чўлпон, Аристотель, Кант, Гегель, Белинский, Бахтин каби танқидчи ҳамда ёзувчиларнинг бу борадаги қарашлари келтириб ўтилади.

Ҳар бир олим, ёзувчи ўз истеъдоди даражасига кўра сўз айтади. Сўзнинг буюк қудратини нозик ҳис қила оладиган истеъдодли адабиётшунос Абдуғафур Расуловнинг мазкур қўлланмада айтган фикрлари оҳорлилиги билан ҳам ажралиб туради. Бу каби кенг қамровли, холис ҳамда маҳорат билан ёзилган асарлар камёб. Лекин мен китоб жавонимда турган Озод Шарафиддиновнинг "Ижодни англаш бахти", Иброҳим Фафуровнинг "Ҳаё — халоскор", Қозоқбой Йўлдошевнинг "Ёниқ сўз" ҳамда Абдуғафур Расуловнинг "Танқид, Талқин, Баҳолаш" китобларини қўлга олганимда ҳаммиша роҳат туюман.

Бехзод ҚОБУЛОВ,
талаба

Биз таҳририят ходимлари фурсатдан фойдаланиб устоз мунаққид Абдуғафур Расуловни қутлуғ 70 ёшлик юбилеи билан муборакбод этамиз. Қуйида таниқли олимнинг "Танқид, Талқин, Баҳолаш" китобида тилга олинган қўйма фикрлардан намуналар келтирамиз.



* * *

Талқинда бадиий асарнинг ютуқларини кўрсата-вериш асос эмас.

* * *

Инсон қалби нозик, энг таъсирчан, биллурдай покизадир. Қалбга таъсир этувчи восита яна ҳам нозик, яна ҳам покиза, олмасдай сержило — серқирра, бебаҳо бўлмоғи лозим... Энг қаттиқ жисмлар олмос билан қирқилади. Нозик, таъсирчан қалбга яна ҳам нафис, пок-покиза санъатгина таъсир этиши мумкин.

* * *

Танқидчи истеъдоди фикрининг изчил ва қатъийлигида, ифода тарзидаги рамзийлик, услубдаги бетакрорликда кўзга ташланади.

* * *

Кўп ўринларда бадиий адабиёт сайқаллаш-тирилган журналистикага айланаёзди.

* * *

Ҳаёт ҳақиқати қаршисида ҳадиксираш, уни баралла овоз билан айтиш ўрнига бир чимдим-бир чимдимдан намоеън этиш — бадиий асарни кўламдан маҳрум этади, заифлаштиради, умрини қисқартиради.

* * *

Танқидчининг масъулияти адабиёт даргоҳини сохта, юзаки матнлардан тозалаш учун олиб борган курашда сезилади.

* * *

Истеъдодли сиймолар яратган маънавий бойликлар Яратганнинг алоҳида рўйхатида туради — унутилиб, йўқ бўлиб кетишига йўл қўйилмайди. Бошқача айтганда мангу асарлар Яратганнинг истеъдодли зотлар қулоғига қуйган, кўзига кўрсатган, тили билан айттирган, қўли билан яраттирган мўъжизадир. Мангу асарлар ҳақида гап борар экан, "яратилган" деган ибора қўлланилади. "Яратилиш" да илоҳийлик, ғайришуурийлик, мангулик тамғаси бор.

* * *

Бадиийлик табиати мавҳум истакларни эмас, мавжуд ҳаётнинг ич-ичидан келтириб чиқарилган идеал тасвирни тақозо этади.

* * *

Абдулла Қодирий асарларида ҳали етарлича талқин қилинмаган оталар ва болалар муаммоси бор.

* * *

Мурод Муҳаммад Дўст қаҳрамонларини, улар орасидаги муносабатларни шу даражада аниқ, нозик биладикки, асарини эмин-эркин, ўйнаб-ўйнаб ёзади.

* * *

Матннинг мағзини чақишни, сатрлар сийратига синчиклаб қарашни машҳур асарлар талқинлари орқали кўрсатилса, микроанализ моҳияти аниқ кўринади.

* * *

Туйғулар тўлқинининг ақл-идрок синовидан ўтган тушунчага айланиши, ижодкор асарини чин ўрганиш томон ташланган собит қадамдир.

* * *

Микроанализ — адабий матнни теран ўрганувчи, унинг ботинидаги ҳолатлардан хабар берувчи таҳлил йўсини.

* * *

Талқин талқинга йўл очади.

* * *

Матёқуб Қўшжоновнинг "Синчалак" номли тадқиқоти бадиий кечинмадошликнинг аниқ кўринишидир. "Синчалак" асарини яратган Абдулла Қаҳҳорни қуёш десак, "Синчалак" тадқиқоти муаллифини ойга қиёслаш жоиз: қуёш нури ойга ўтаяпти. Ойнинг ўзига хос нуридан баҳра оладиганлар қанчадан-қанча...

* * *

Кечинмадошлик бадиий асар руҳини ҳис этишдир.

* * *

Жанговорлик танқидчининг бош белгиси эмас.

* * *

Услуб — ўзлик. Услуб — характернинг ботиний суврати. Услуб қайсидир маънода тақдир. Машҳур кишиларнинг илк илмий ижодий қарашлари билан охирги қадамлари, излари аро узвий бирлик, боғлиқлик бўлади.

* * *

Поэзия — қалб изҳори, унинг нурланишлари, рангланишлари, оғриқлари...

* * *


Озод Шарафиддинов — эҳтиросли инсон, қалб кишиси эди. Лекин унинг гаплари, мақолаларида ҳароратга, жўшқинликка йўғрилган тиниқ фикр, нозик мушоҳада, теран ақл ҳамиша етакчилик қиларди. Қалб ва Ақл мунаққид Озод Шарафиддинов услубининг асоси.



Собир УНАР

ДУНЁ ШУНДОК ТУРУРМИ?

Қисса



Рассом Оловиддин СОБИР ўғли

Оилада бахтли бўлмаган инсон ҳеч қачон бахтли бўлолмайди.

Лев ТОЛСТОЙ

Уч кун ўтди. Дили хуфтон бўла бошлади. Шу кунгача у ажаб қилдим, хўб қилдим деб юрган эди. Аммо кунлар ўтиб ҳаёт бу қадар рутубатли, қоп-қоронғи бўлиб қолишини сира ўйлаб кўрмаган экан.

Ошхонага бориб музлатгични очди. Пиёлада битта чақилган тухум бор экан. Ўшани қовуриб егиси келди. Лекин битта кам-да. Музлатгичнинг декчаларини қарай-қарай тагин битта тухум топиб олди. Икковини қўшиб

қовурса, баҳарнав, нонушта дегулик бўлади. Туз топила қолди-ю, аммо ёғ деган исқот қайгўрда экан? Ёғнинг идиши — бакалашка бўшаб қолган. Бошқа идишларга овқатдан оргганини қуйиб қўярмиди хотини, қайси бирига қуйиб қўярди — ҳеч тополмади. Охири бакалашканинг тубидаги беш-ўн томчи ёғни товага ялингандек сирқитиб, иккита тухумни тутатиб, куйдириб амаллаб пишириб еди.

Ўзи тухум дегани тузук овқат. Шу нарсанинг бориға шукр: ошқозонни қийнамайди, юмшоқ, тез ҳазм бўлади. Ошга ўхшаган оғир овқат есанг кун бўйи қорнинг думбири бўлиб юради. Айниқса кечқурунги ош обдон қийнайди кишини. Шаҳарда пайшанба куни даҳмаза билан ош дамлаш расм. Тўйиб ухлаганингда кейин қурмағур хўп қийнайди-да. Кечаси бир уйда бир ўзинг ухласанг экан... Адабиёт газетасининг тунов кунги сониди катта бир шоир наҳор ошни мадҳия қилпти. Нима эмиш, ўзбек ўғлонлари тун бўйи хотини билан ошиқ-маъшуқ ўйнаб чиқади, шу боис эрталабдан жуда кетади-да ош...

Э, садағанг кетай ҳукумат, шунча кифтини келтириб гап топишганини қаранг. Бундан кейин кечаси ором олиб эрталабдан қаттиқ овқатга тайёр бўлмаган ошқозонни кўпам қийнаманлар, деб кўринг-чи. Умумий одатга айланиб қолган. Ҳар қандай зиёли, министр, ундан каттаси ҳам азонлаб нима керак экан-а, дейди-ю, ўзи тўй ё маросим қилса наҳорга мўлжаллаб қўл қовуштириб тураверади. Демак, бу одатни биз истамаганимиз ҳолда аслида хоҳлаб турамыз.

Ширинқул тухумнинг тагидаги ёғларни ҳам нонга суркар экан, дарвоқе, бугун пайшанба-я, деб қўйди. Лекин унга пайшанба, жумаларнинг аҳамияти қолмаган. Уч кундирки, бўйдоқлик аламини тортапти. Бунчаликка бораман деб ўйламаган эди. Жаҳл чиқса ақл кетади деганлари рост кўринади. Мана энди ҳаммаёқ хувиллаб ётибди. Уч хонадан иборат уйининг ҳам ҳайҳотдек эканини кўриб ажабланиб қўйди.

Ваннага кириб пайпоги, майкасини совунлаб ювди. Кўйлагининг ёқаси ва кир бўлган энгларинигина ювиб кўймоқчи эди, бошқа жойлари ҳам ҳўл бўлганини кўриб тўлиқ ювиб ташлай қолди. Шўям қийин иш эканми, Мағфиратга қолса бу кирлар ваннада нақд бир ой ётарди. Ҳа, бир ой!..

Бир ой эмас-у, бир ҳафталаб ётарди-да. Негадир шу тобда унинг бир оз кўнгли юмшади. "Бекор "талок" дебман. Нега айтдим шуни? Шунчаликка бориш шартмиди?"

Ваннахонадаги усти латга билан ёпилган тоғорани очиб қаради. Бир талай пайпоқлар, ўғлининг ювилмаган иштон-майкалари, Мағфиратнинг ҳам халати ётибди. Алланечук бўлиб кетди. Файрати кўзиб уларниям ювиб-чайиб ташлади. Ўғлининг ахлат-сийдиқларидан доғ бўлиб кетган иштонларидан жирканмаганига ўзиям ҳайрон қолди. Лекин ҳарчанд уринмасин, бу доғларни кеткиза олмади. Хотини уларни темир тоғорага солиб, порошок қўшиб қайнатармиди, ишқилиб бир нарсалар қиларди-да. Энди-и...

Шунда бирдан кўзига икки яшар ўгли кўриниб кетди. У кўк елим тувакка ўтириб олганча кўзлари қизариб: — Дада, ман титоппан, — дегани кучана туриб. Кучаниб бўлгач, ўрнидан туриб: — Ана, — деган ва бурунини жийриб: — Вақхай, — деганди. Ширинқул ўғлининг қилиғига қота-қота кулган эди. Кулиб-кулиб хотинига бунга айтиб берган, тувакни биринчи марта ўзи ҳожатхонага тўкиб, чайиб келган эди.

Энди ўша кунлар жуда ширин. Энди ўша кунлар арзанда. Ўша кунлар жудаям узоқ...

Иссиққа тоби йўқ. Сув иссиқ, ванна иссиқ, бунинг устига кун ҳам иссиқ. Терлаб-тепчиб кетди. Баданидан, қўлтиғидан ҳид таралаётганини сезиб бир чўмилиб олди. Артиниб бўлгач девордаги соатга қаради: ҳали еттиям бўлмапти. Кунлар узун. Ишга боришга эрта. Соат 9 да боришинг кераг-у, аммо эл қатори 10-11 да борсам ҳеч ким ҳеч нарса демайди. Нашриётларнинг иши ҳозир шунақа: ўзини ўзи боқса бўлди, китоб чиқар, сот, фойдасини кўр, яша. Минбаъд давлатнинг пулига шерик бўлакўрма. Ўз кунингни ўзинг кўр!

Икки йил бурун катталарнинг кўзига яхши кўриниш мақсадида марказий газетада бир мақола чиқарган эди. Нима палакат босдию шу мақола ўзининг зарарига хизмат

қилди. Катталардан бири шу мақоладан сиёсий хато топибди. Бу одам замондан орқада экан-ку, деганмиш. Шундан сўнг бирлашма директори уни чақириб: "Эҳтиёт бўлмайсанми, ким сенга мақола ёз деб эди, энди ишинг масаласи кўрилиши мумкин", деди. Ширинқулнинг аъзои бадани титраб кетди. Ахир мақола бошдан-оёқ мақтовдан иборат эди-ку. Баъзи бир шахсий мулоҳазалар ҳам бор эди, холос. Ўшанда бирлашма директори уни чақириб олиб: "Яхши иш қилсан, пуסיб юравермай фаолроқ бўлиш керак, бунақа мақолаларни кўпроқ ёз, қўлингдан келади. Мен кейин сизларни қариқиз қилиб ушлаб ўтиравермай ўстирайин, шогирдларим фалон-фалон ишларга кўтарилди, дейин. Тушундинг-а?" деган эди. Бу гаплар аниқ эсида. Ўшанда Ширинқул директорга фаол бўлишга ваъда берган эди. Устозим менинг қадримга етади деб қувонганди. Аммо... иш тескарисига кетди.

Шундан икки ҳафта ўтмай директор яна чақириб олиб: "Ука, шу вазифангни топширмасанг бўлмайди чоғи, қўйишмаяпти", — деди. Ширинқул дабдурустдан нима дейишини ҳам билмай қолди. Шалвираб, ичидан зил кетиб турган эди, директор: "Ўзи сан бола, қиличнинг дамига қўл уришни яхши кўраркансан-да, а?" деди. Ширинқул ялт этиб устозига қаради, "Тушунмаяпман, устоз, ўшанда ўзингиз чақириб, "барақалла, яхши мақола ёзибсан", дегандингиз-ку, деди юрак ютиб ҳам бир оз қизишиб. Устоз шундай дегани эсидан чиққан эканми ё эсласини келмадимми, ҳар нечук ҳовридан тушмади. Кейин бари бир йигит бекорга нобуд бўляпти, деб ачиндимми: "Ўринбосаринг ким, анови жипириқми?" деди. Ширинқул директор кимни назарда тутаяётганини англаёлмай қолди. Кейин муддаони тушуниб ерга қараган кўйи: "Жипириқ эмас-ку" деди. "Жипириқ-да, жипириқ. Бош муҳаррирликни у сендай эплаёлмайди", деди. Шундагина директор, ҳей, бола, аслида сени ёмон кўрмайман, деган маънода гапираётганини тушунди. Ширинқул директор шундоқ ҳам яхши танийдиган ўринбосари Авазни ортиқча ҳимоя қилиш лозим эмас деган қарорга келди. Директор шу маънонинг давоми ўлароқ: "Маили, жипириқ бўлмаса жуда яхши. Ўшани сенинг ўрнинга қўйиб турамыз-да, бу гаплар бости-бости бўлгандан сўнг, бир-икки ойдан кейин тагин жой алмашиб оласизлар", деди.

Ширинқул ноилож "хўп" деди. Аммо нега ишлар бу қадар тескари кетганига дабдурустдан кўнкулмагани учун тамом шалвираб қолди. Идорада ҳам ўтиролмай уйига кетди. Тўйиб-тўйиб ичди. Ишга чиқмай қўйди. Охири бир кун кечаси ўринбосарининг уйига телефон қилиб: "Дўстим, ўзингиз бу ёғига жиловни қўлга оласиз, директорга мен сизни айтдим, бошқа муносиб одам йўқ дедим", деди. Ва ўтириб аризани ёзди. Хотини телефондаги гапини эшитиб турган экан, "нима гаплар бўляпти ўзи, дадаси, ҳеч бунақа бир ўзингиз ичиб ётмасдингиз-ку?" деди суйкалиб. "Ҳеч гап йўқ", деди унга сир бой бермай. "Аваз акага нима деганингизниям тушундим, ҳеч бунақа аҳволда кўрмаганман сизни, менга айтинг ҳеч бўлмаса?" деб туриб олди.

Ширинқул ошхонага ўтди-да ярим бўшаган шишани олиб икки пиёлага қўйди.

— Ичасанми? — деди хотинига.

— Йўқ, — деди у.

Қараса эри икки пиёлани ҳам бирин-кетин сипқориб юборади.

— Мана бунга камайтириб беринг, маили, — деди. Сўнг эри билан чўқиштириб афтини буриштира-буриштира ярим пиёла ароқни ичиб юборди.

Эри бўлган гапларни бирма-бир айтиб берди. Хотини бу иш ноҳақ эканини билиб кимларнидир қарғади, ёзғирди. Лекин ўйламанг, кимдан каммиз, уй, ўғил, қиз, ейиш-ичиш, егулик пул — ҳаммаси бор, бир кунимиз амаллаб ўтар, деди.



Эр шу гапларни эшитишини биларди. Лекин хотин киши эркакдай ҳамдард бўлолмайди-да. Кўп ўтмай ёр-биродарлар, ҳамкасблар, ҳамқишлоқлар — бариси эшитди. Ширинқулга бу гап-сўзлар худди шов-шувдай туюлаверди. Қишлоғида баъзилар "ўзи кейинги пайтларда жуда керилиб кетувди, тўй-пўйларгаям келмайди, чўнтакда пул, тагида мошин, қўша-қўша уй, қўша-қўша хотин эди, барининг охири бор-ку, мана, Худо урибди энди" дейишгача борибди. Ширинқул бу гаплар кимдан чиқишини билади. Иши юришганда келиб ялтоқланадиган, юришмаганда бир тийинга ҳам олмайдиган бир-иккита одамлар бор, ўшалар айтган. Улар нима сабабдан айнан шу гапларни чиқараётганини, эртага яна қандай гаплар тўқиши мумкинлигини ҳам у тахмин қила олади. Майли, қандини урсин, уларгаям бир кун тегди-да. Жуда қийналиб кетишганди...

* * *

Кейинги уч-тўрт ой ўтиши жуда қийин кечди. Аваз камтар, саводли, инсофли йигит. Уни ўзи зўрлаб кабинетига ўтказди. Ўзингиз ўтиринг, менга ноқулай дейди у. Сиз ўтиринг, қоида шундай, ҳали ишлар изга тушса балки тагин жой алмашармиз, фақат хизмат машинасидан фойдаланиб турсан бўлди, деди. "Э, ўзингизни машинангиз, ўзингизни шофёрингиз-ку, — деди Аваз. — Бизга ким қўйибди". Бироқ бу ҳол икки ойгина давом этди. Ахир токайгача бошлиқ минадиган машинани ўринбосар миниб юради? Авазга бу ёқавермади, кабинетни бердингми, машинани ҳам бер демасаям ходимларга айтибди. Ширинқул улардан эшитди. Аввалига хафаям бўлмади. Кейин бора-бора ҳамма имтиёзлар қўлдан кетди-ку, деган ўй унинг ич-этини ея бошлади. Ўша кунлари фақат хотини ҳамдард бўлди. У кечкурун Мағфиратни ёнига чақирарди-да, бир-икки пиёла ичириб, қолганини ўзи давом эттирарди. Бироқ иш, турмуш ҳақида лом-мим демасди. Иродаси кучли эканига гарчанд ишонса-да, негадир суянгани ароқ бўлиб қолди. У унча-мунча тўйларгаям айтилмас, ўрнига Аваз айтиларди. Аваз ҳам ўз навбатида сиз боринг, деб турарди. Ширинқул, йўқ, сиз айтилгансиз, ўзингиз боринг дерди. Бир-икки сафар борди ҳам, таниш-билиш, ҳамкасблар нима бўлди ўзи, ҳозир қаердасиз, деявергач уялиб бормайдиган бўлди. Бир сафар ҳатто лавозимда ишлайдиган бир одам ҳамманинг кўз олдида тўйхат тарқатиб, атайлаб Ширинқулни четлаб ўтди. Ширинқулни жуда яхши танирди, бироқ бетинг-қўзинг демай очикчасига айнан фақат уни ташлаб, бошқаларга кўз олдида таклифнома улашгани галати бўлди. Алами кўзиди-ю, индамади. Газеталарга бир-икки марта мақола бериб кўрди. Чиқмади. Бирлашма директори ҳам бир мажлисда Ширинқулни тепиб ўтибди. Калласи ишласа, гоёси тўғри бўлса, шундай қилармиди, мана, ишдан олдик, кўчада қолди, дебди. Аммо Ширинқул билан кўришганда бир оз шовша, гап-сўзлар босилсин, эсимда турибсан, деб қўярди. Аммо улфатчилик қилишдан ўзини опқочмасди. Ушанда тагин яқин қолди, деб ваъда берарди.

Ширинқул бу гапларнинг маъносини раҳбарининг кўрқоқлигида деб тушунарди. Ҳақиқатан ҳам шундай эди. Раҳбар ўзини сақлаш учун ҳам у ёқни, ҳам бу ёқни ҳам рози қилиши, икковининг олдида ҳам юзи ёруғ бўлишини хоҳларди. Ширинқул ҳам фалон мажлисда каминани ёмонлабсиз, деб ўпкалаб ўтирмади. Устозининг қўли узунлигини билгани учун бир кун бари бир ўзи суяйди деб ўйларди.

Орадан икки йил ўтди ҳамки, бирор ўзгариш бўлмади. Энди Ширинқул вазиятга кўникди, аммо умидини узмади.

Одамзот гарчи тилида ўзини обдон хокисор, беғуноҳ кўрсатса-да, аслида ич-ичдан қадр топишни истайди. Шунинг учун ҳам пастга уриш, ҳақоратларга дош беролмайди. Унинг фитрати шундай тузилган.

Яқин жигарлари ва Мағфиратгина ёстикдошининг дардини янгиламасликка ҳаракат қилишарди.

Лекин кунлар келиб ўртада уруш чиққанда Мағфират ҳам бари бир юзига солди. "Худо ўзи сизни уриб қўйган!" деб юборди.

Бу гапни эшитиб Ширинқул манглайдан гурзи егандек ўтириб қолди. Сўнг бу накаут ҳолатидан ўзини ўнглаб олмоқчидек секин туриб нариги уйга кириб кетди. "Худо урганини у қаёқдан билади? Бировдан кам қилиб қўйгани йўқ-ку оиласини! Худо уриб нима қилибди, айрилса мансабидан айрилди, яна нима бўлди? Ё бу хотин Оллоҳнинг ҳукмига шерикми: кимни урди, кимни қўллади, билиб турадимми? Мана шу Худо урган эр уния, боллариниям боқяпти, уйидагиларга фойдаси тегяпти. Қолаверса, Мағфиратнинг акаси бизнес қиламан деганда 500 доллар берувди, уч йилдан бери бир сўм ҳам қайтармади-ку!"

Секин хотинининг олдига қайтиб чиқди-да:

— Сен Худонинг олдидан келган қозимисан? — деди бақириб. — Мени урганини қаердан билдинг?

Бироқ Мағфират ҳам шаштидан тушай демасди. Нималардир деётган эди, эри шартта гапини бўлди:

— Акангга айт, Худо урган одамнинг пулини қайтариб берсин!

— Нима, нима дединг? — деди хотини сенсираб, — Тилим қисик жойини биласан, а?

— Сенсирама! — деди эр уни уриб юборишдан зўрга ўзини тийиб.

— Сенсирайман, ифлос, бизнинг камбағал-лигимизни бетимизга солдинг-а, қарздорсан дединг-а! Дунё шуйтиб тураверамакан?

Хотини шу билан ҳам қараб турмай йиғлаган қўйи унга яқинлашиб кела бошлади.

Уришдан бошқа иложи йўқ эди.

Биринчи қаттиқ шапалоқданоқ хотин энгашиб қолди. Юзини чангаллаб:

— Ўл! — деди. Сўнг бошига устма-уст мушлар тушди. Йиқилди, йиқилгач тепкилар бошланди. Шу билан хушидан кетди. Эр бу билан ҳам тинчимасди. Ошхонадан пичоқни олиб келиб сўйиб ташламоқчи бўлди.

— Талоқ! Уч талоқсан! — деди бўғилиб. Лекин бунга қаноат қилмай нимта-нимта қилиб ташламоқчи эди. Боядан бери катта фарзанди унинг оёғига ёпишиб:

— Дада, дадажон! — дея ялиниб юрганини сезмабди.

— Урманг, урманг! — деганини энди эшитди. — Дада, ойим ўлиб қолади!.. — деди қизи ўкраб йиғларкан.

Кичкинаси, ўғли эса онасининг бағрига осилганча чирқирамоқда. Дадасига бегона одамга қарагандай умидсиз тикилиб:

— Ая. Ая! — дерди.

Ширинқул шу зумда фарзандлариниям ёмон кўриб кетди. Тепиб уларни икки ёққа улоқтириб ташлагиси келди. Қўлида пичоқ, почасига қизи тирмашган, хотинига яқинлашиб келганида ўғли кўрққанидан шу қадар қаттиқ чинқирдики, отаси бир зум тўхтаб ўлига қараб қолди. Ўғлининг ранги кўкариб кетган эди. У бир муддат йиғидан тўхтаб ўрнидан турди, отасига бечораларча, норасидаларча, ожизларча термулиб қолди. Қаттиқ кўрққанидан бўлса керак, сийиб юборди. Тўшамчи ҳўл бўлди.

Ширинқул бирдан тўхтади. Орқасига қайтди. Ошхонага пичоқни ташлади. Бу ишларнинг оқибати ҳақида ўйлай бошлади. Изига қайтиб яна фарзандларига термулди. Ўғли йиғлайвериб чарчаганидан ҳиқиллаб қолган эди. Қизи ёноқларидан шашқатор ёш оқаркан:

— Дада, урмайсиз-а, урма-анг! — деди.

Ширинқулнинг бирдан юраги ҳапқирди.

Ерда инграб, чўзилиб ётган хотини, йиглаб чарчаган, сийдикка ботиб турган ўғли, қизининг ялинчоқлик билан термулиб туриши...

"Бу ҳаёт, бу гурбату жанжаллар шу болаларнинг кўз ёшига арзийдими ўзи?! Эҳ, лаънат!.."

* * *

Ўзи нима бўлган эди?

Ширинқул кундалик тутишни одат қилган. Ўша кунлари унинг кўзига кўп нарса майда кўринармиди ё ўзи анчайин майдалашиб кетган эдими, хотини билан ҳам тез-тез айтишиб қоладиган бўлди. Оғир табиатли одамнинг бир жаҳли кўзимасин, жуда тушиши қийин бўлади. Кўпинча у ўзини босишга куч топади. Куч топганда, мисол учун, кундалигига бундай деб ёзиб кўярди:

"Бугун эрта турдим. Стадионга чиқиб бадантарбия қилиб келдим. Афсуски, иссиқ сув йўқ икки кундан бери. Сув иситдим. Кечқурун овқат ейилган идишлар ювилмай қалашиб ётибди ошхонада. Асабим кўзиди. Қизимга сен ҳам опанга ўхшаб ялқовсан, дедим. Опасига бундан ошириб захримни сочмоқчи эдим, зўрға ўзимни тийдим. "Мен агар эртарақ ўлиб кетсам бир ой эмас, бир неча кунларнинг ичида рўзгорнинг дабдаласини чиқарасан, болларниям девона қилиб юборасан, ҳаммаси дангасалигиндан, бесаранжомлигиндан", деб уришмоқчи эдим. Майли, шу гапни айтмай кўяқолай.

Аммо, ўлай агар, хотиним чиндан ҳам жуда ялқов. Ҳатто қизига бирор ишни тайинлаб қўйишга яринади. Бунинг учун ҳам тил, жағ, овозларни ишга солиш керак-да. Шу даражада дангаса. Мабодо бир ҳафта иссиқ сув келмай қолса шунча вақт кир ювилмайди, бундан кўра ўлига янги иштонлар сотиб олиб кийдиришга тайёр. Ўзи ҳам қўлтиғи сасиб ювинмай юраверади. Кечаси ювинишдан жирканиб мен билан ётмайди. Тўғрироғи, сув иситиб, ташвиш қилиб ювинишга у жуда эринади. Бу ўлимдан ҳам ёмон иш. Ношукур бир банда-да. Бесаранжомлик, сариштасизлик ва эринчоқликнинг ҳам нақадар катта кулфат эканини чуқурроқ англаяпман.

"Агар бошидаёқ бу нарса ўта муҳим эканини англаганимда, Мағфиратга эмас, хунуқроқ бўлсаям ғайратлироқ, уddaборонроқ бир қизга уйланардим.

Шу нарса доим менинг кайфиятимни туширади, хафа қилади. Хонимга эса негадир доим бари бир. Дунёни сув босгани билан иши йўқ. Мен мудом ўйлайманки, бу иллатларнинг борлиги, воз кечмаслиги соғлом фарзандларнинг отасига, рўзгорни тўкин-тўкис қилиб қўйган, балодай пул топиб келаётган, ақл-хуши жойида эр учун ҳам бориб турган ношукурлик. Бошқа нима деб тушуниш мумкин?

Ишқилиб, охири бахайр бўлсин!"

Ширинқул кўпинча кимдандир панд еб қолса, ўша заҳоти шундай демабман, бундоқ деб жавоб қилсам ёки бундай деб тузласам бўларди-ку, деб афсус қилиб қолади. Аммо ҳар доим ҳам кечикади. Биров билан эл бўлиши осон, лекин уришмоқчи бўлса, тезда қизишмайди, бир қизишса ҳовридан тушиши қийин. Қизишса қизишганига, қизишмаса — бунга ям вақтида жавоб қилолмагани учун пушаймон бўлади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Шимининг чўнтаги йиртилгани учун хотинига тикиб бер деб диванинг устига ташлаб қўйган эди. Табиийки, Мағфират дарҳол тика қолмади. Эртаси кун ҳам, ундан кейинги кун ҳам шим меҳмонхонадаги диван устида осилганча ётаверди.

Ширинқулнинг бир кийимга ўрганиб қоладиган одати бор: бир кийса тамом — ҳадеб ўшани қияверади. Учинчи кун қараса, шим диванда йўқ, тахмонда экан, олиб қайиш тақиб кийиб олди. Лекин йиртиқ тикилмаган

экан: у ишхонанинг, машинанинг калитларини доим ўнг чўнтагига солади. Чўнтақдан калитлар динриглаб ерга тўкилиб кетди. Ечди ва турсикчанг бўлиб игна, ип олиб хотинининг кўзи олдида ўзи тика бошлади.

— Нариги шимингизни кийиб турақолинг, бугун тикиб қўймоқчийдим, — деди у.

— Йўқ, ўзимам тикиб қўявераман, бир йил кутадиган иш эмас бу, бир минутдан кўп вақт кетмайди.

Хотини не қиларини билмай турди, турди-да нари кетди. Чиндан ҳам чўнтақ тикиш нима деган гап — Ширинқул тикиб, ипини тугун қилиб тиши билан чирт этиб узди-да шимини кийиб олди. Тамом-вассалом. Аммо унга алам қилди. Алам қилса айб топадиган, тирноқ тагидан кир топадиган одати бор. Ваннага кириб бир неча кундан бери ётган кирларни кўрди. Аввал ҳам кўрган эди, эътибор қилмаган эди. Аммо бу сафар тутақди. Кирларни олиб хотинининг башарасига отмоқчи эди, хотини кичкина хонага кириб ўғли билан кўрпага бурканиб олибди.

— Мановларни неча ойдан кейин ювасан? — деди деярли ўшқириб ва хотинининг юзига улоқтирди.

Хотини жанжал бўлишини сизди. Ранги гезариб кетди. Ўғли уйқусираб туриб йиғлай бошлади. Мағфират ўтирган кўйи:

— Шуни сиз ювмайсиз-ку, ўзим юваман, — деди чақчайиб. — Бир кун турса осмон узилиб тушадими?

— Бир кун турса, бир ҳафта турсаям хурсанд бўламан. Шимнинг тешиги учун бир ой кутаман-ку. Деворга туртсангам жавоб қилади, сен қанақа ифлоссан, доим кир-чирнинг ичида ётишни яхши кўрасан?

Хотини ҳам эри жаҳл қилганда хўп деяқолмайдиганлар хилидан: йиқилган томонидан турмайди.

— Уришмоқчимисиз, кўрқитмоқчимисиз? — дея туриб келди.

— Мен сен билан уришолмайман, ўлдириб сўйиб ташлайқоламан — шуниси осонроқ.

— Ўзи сени Худо уриб қўйди-ку!..

Хотини бу гапни минғирлаб, тушунарсиз қилиб, энгашиб, кўрпаларни йиғиштираётган киши бўлиб айтди. Аммо эри жон қулоғи билан аниқ-тиниқ эшитди.

— Нима деяпсан, ит?! Эшиттириб гапир, манқамисан? Сенсирдинг-а! Худо сени урган, дединг-а?

Мағфиратнинг бу гапи калтак ейишга аргизулик оғир эканини яхши биларди. Шунинг баробарида минғирлаб, ишга овунган киши бўлиб айтгани боз беписандлигидан далолат бериб турганини ҳам яхши ҳис қиларди. Лекин айтар сўздан қайтмади: оғир калтакни атайлаб ўзига сотиб олди.

Сўнг воқеалар юқорида баён этганимиз каби якун топди. Мағфират акамга берган пулингни миннат қилдинг-а, ифлос, қарз эди, берарди-ку, деди.

Бироқ ёстиқдошинг, фарзандларингнинг онаси бўлатуриб сенсираш, ифлос дейиш учун ҳам одамда анча-мунча сурбетлик керак. Бу шундоққина огиздан сирғалиб чиқиб кетадиган қўшиқ эмас-ку...

* * *

Ширинқул ишхонада бир кўринди-ю, бирор соатдан кейин зарил иши бор одамдек шошилиб чиқиб кетди. Кўнглига бир юпанч излар эди. Бир яхши курсдош ўртоғи хотини, қайнонаси билан жанжаллашиб юрганида орага тушган, уларни яраштираман, деб бебурд бўлган эди. Ўртоғининг қайнонаси ва хотини Ширинқулни ҳам булганч сўзлар билан қарғаб, қувиб солишган эди. Ўзи дунёда хотин киши билан жанжаллашишдан оғири йўқ экан.

Ширинқул ўша ўртоғи — Мирзани топиб маслаҳат солди. Бўлган воқеани хўрсина-хўрсина қисқа гапириб



берди. Аввалига ўртоғи келин дуппа-дуруст, юввош эди-ку, ундан ҳам шунақа гаплар чиқадими, деб ҳайрон бўлди. Сўнг булар ҳолва, қайнона билан жанг қилсанг оғир бўлар экан, деб қайнонасини қайси усуллар билан мот қилганини айтиб берди. Унинг қайнонаси шаҳарлик, обдон шаллақи эди. У Мирзага дуо ичириб, ишидан ҳайдатиб, уйини ўзининг номига расмийлаштириб кафангадо қилмоқчи бўлди. Хотини, ҳатто кичкина болаларигача унга қарши қилиб қўйди. Ўртоғининг машинаси, бир уйи ҳам қайнонасининг номида эди. Уларни қайтадан қай йўллар биландир ўзига расмийлаштиргунча қариб кетибди. Уларнинг мақсади ҳовли ва машинага эгалик қилиб эрни ҳайдаб юбориш эди. Хотини эса ўйнаш орттириб, ўшалар билан ялло қилиб юрмоқчи бўлган.

Нақадар виждонсизлик, ноинсофлик!

Бироқ Мирза уларга бас келди. Шунинг уддасидан чиқди. Қайнонаси ҳатто бунинг жойига эгалик қилишга тўлиқ ишонгани учун ўзининг уйини ҳам сотиб юборган экан. Орада уйларнинг нархи ошиб кетиб, ниҳоят бир хоналик квартира сотиб олишибди шаҳарнинг қай бурчагидан. Ўғли, келини, учта невараси билан ўша уйда яшаётганмиш. Намоз ўқирмиш. Ҳозир мулла минган эшакдай бўлиб қолган, бизникига келсаям аввал рухсат сўраб, кейин келади, қовоғимни уйганим заҳоти зингиллаб жўнаб қолади, деб кулди Мирза.

У Ширинқулга бир-икки кун бизнинг Қорақамишдаги бўш уйимизда яшаб туrolмайсанми, дея таклиф қилди. Таклиф маъқул бўлди-ю, лекин айнан мавриди эмасди.

— Вазиятга қараб кўраман, зарур бўлса сени топарман, — деди Ширинқул.

— Ўғлинг бор, қизинг бор — иложи борича ярашиб ол, ҳали бари бир ярашишга мажбур бўласизлар, — деди Мирза.

Ширинқул бундай танг вазиятда қандай қилиб ярашиш мумкинлигини тасаввур қилолмади. Мисол ҳеч нарса бўлмагандай, бозор-ўчар қилиб егулик кўтариб борсанг, хотининг кечирим сўрамасаям илиқ бир қараш қилса, ҳаммаси изга тушиб кетишига ишонса бўлади.

Ширинқул болаларига майда-чуйда кўтариб бораркан, ич-ичидан илиқ вазият юз беришига икром эди. Шундай ҳам бўлди. Эшикни узоқ тақиллатгандан сўнг охири қизи очди. У дадасининг қўлидан шоколад, конфетларни олиб раҳмат айтди, лекин ҳар доимгидек: "Ассалому алайкум, дадажон!" дея юзидан ўпиб қўймади.

Хотин эса ўша ётганча кўрпага бурканиб олганди. Ўғли ошхонада ўтириб олиб косадан қўли билан нимадир олиб еяпти. Худо билсин, булар кун бўйи оч ўтирган чиқар.

Ширинқул ўзи овқатга ўч эмас. Боз устига томоғидан ҳам ҳеч нарса ўтмайди. Музлатгичдан ароқ олиб бир пиёла ичиб юбормоқчи эди, аммо бу сабил ҳам жойида йўқ. Телевизор қўйди. Одатда Москва каналларини кўради. Йўқ, Москва каналлари ҳам нуқул бемаза кўрсатувларга ўтиб опти. Маъносиз, бачкана, яланғоч, реклама.

Хотинининг кўрпасини очиб бир қарамоқчи бўлди. Жуда қаттиқ урдим-а, деб ўзидан хафа бўлди. Бироқ гурури йўл қўймади. Уришган одам уришгандай бўлсин, хотини оёғига бош уриб ялиниб келсин, кечирим сўрасин қайта-қайта.

Ўзи-и шу хотин ёмон эмас. Фақат бир поғона паст тушиб, бир оз мулоим гапирсанг ишни ҳам қилади, ўзигаям оро беради, болаларигаям яхши қарайди. Терс гапирсанг елкаси тиришади-қолади: ўлақолса йўригингга юрмайди. Ахир нима қилиш керак, унга мослашиб яшайвериш керакми? Э, астағфуруллоҳ, бунингга иложи йўқ-да.

Асли бу хотин еб-ичишга, ялтир-юлтурга, ҳашамгаям унча қизиқмайди. Пулинг ҳам, зеб-зийнатинг

ҳам керак эмас, гоҳ-гоҳида эрига фалончи бундай нарса опти, улар бундай тўй қипти, деб қўяди, холос. Бу билан ўшалар яхши яшайпти, бой экан, биз ундоқ эмасмиз деган иддаони йеш қилмоқчимиз ё уларга ҳаваси келяптими — сира тушуниб бўлмайди.

Ширинқул:

— Кўрасан, биз ҳали улардан ўтиб кетамиз. Бизнинг келажак олдинда. Ялтираб, товланиб кўзни қамаштириб ётипти, — деб қўяди.

Бу билан хотинига кайфият улашмоқчи бўлади. Хотини бўлса "ҳм-м" дея оғир хўрсиниб қўяқолади.

Одам дегани куладиган нарсага қулса, йиғлайдиганига йиғласа. Чўнтагида ҳемири йўқ, ит ҳам эсламайдиган овлоқ бир қишлоқдан келиб бегона юртда обрў топяпан, ул-бул қўлингга кирапти, уй, болалар, машина — булар хурсанд бўлишга арзимайдими? Ҳаммасига девордай булк этмай қараб туравериш керакми?

Аслида жанжални хотини ҳам хоҳламайди. Эри-ку, умуман. Аммо буям бир феъл-да.

Ширинқул ечиниб, ўрнига чўзилди. Ҳали эрта. Уйқуям келмайди. Болалари ҳам ҳаливери ухлайдиганга ўхшамайди. У ёққа ағдарилиб, бу ёққа ағдарилиб ётаверди, ётаверди, охири, пинакка кетди.

Бир пайт устидаги кўрпани биров силтаб тортиб юборди. Чалажон уйқуда экан. Сесканиб кетди. Чироқ ёқилган. Тепасида биров турибди. Хотини! Чап кўзи кўкариб шишиб, қовоқлари осилиб қопти. Ширинқул ирғиб ўрнидан турди. Шундагина "ёмон урибман-а", деб кечирим сўрамоқчи, хотинини бошидан силамоқчи бўлди. Бироқ хотини бирдан тиз чўкди-да:

— Мени урган қўлларинг синиб тушсин, илойим, — деб қўлларини тескари қилиб, кафтларининг орқаси билан юзига фотиҳа тортиб юборди.

Ширинқулнинг яна жини кўзиди.

Хотинига ўқрайиб қаради.

— Олайган кўзларинг ҳам оқиб тушсин, — дея тагин дуоибад қилди хотини.

Ширинқул:

— Ие! — дея, яна давоми борми, дегандек ўқрайиб қараб тураверди.

— Бунчалик ифлос, маразлигингни билмасдим, — деди хотини.

— Шунча йилдан бери ифлос эр билан бирга яшаб келган экансан-да!

— Оиламизнинг камбағаллигини юзимга солдинг, акамга берган пулингни миннат қилдинг-а! Акам уй-жойини, молини, хотинини сотиб бўлсаям қарзидан қутулади, қутулади сенинг ўша ҳаром пулингдан.

"Ҳамма гап бу ёқда экан-ку, — деб ўйлади Ширинқул.— Нозик жойи шу экан-да. Аммо мен ҳеч қачон бунга гапирмаганман. Бугун бундан баттар гаплар бўлди. Гап авзоига шунчаки қўшиб айтгандим. Тили қисқ жойингниям эслатай дегандим. Лекин ўша пулинг икки юзидан кечдим, олган уйингизга тўёна, қолган уч юзини беринг деганман. Аммо уч йилдан бери йўқ-ку шуям!"

Ширинқул мансабдан тушганига энди бу ёғига яшашим қийинроқ бўлади, деб кимда қанча пули борлигини ўзича хомчўт қилиб юрарди. Табиийки, қайноғасидан уч юз долларни ундиришнинг ўйлаб қўйганди. Демак, бу гап миннат экан, писанда экан. Мана бу билан сенинг ака-укаларингниям боқиб ётибман, демади-ку.

"Ҳаром пулингдан" дегани нимаси? Мен уни бировдан тортиб ё ўлдириб олдимми? Биров эшигингни тақиллатиб пулимни бер деб келяптими? Нега ҳаром бўларкан?"

Хотинининг юзига зингил солиброқ қаради.

Бу юздан шашқатор ёш қуйиларди.

— Миннат қилдинг-а, ифлос!..

— Ҳа, миннат қилдим! — деди Ширинқул секингина, бошқа гап бефойдалигини сезиб. — Аканга айтсанг, жўра, ўша пул беш юз доллар эди, икки юзидан кечдим, қолганини бер девдим, ўйлаб қарасам, кечмабман, беш юз доллар қилиб эртагаёқ хотинини, уйини, мол-ҳолини сотиб менинг қўлимга опкелиб берсин, хўпми, жоним. Шундай бўлсин!..

У оғзидан чиқаётган гапларига бу қадар кўп заҳар солинганига ўзиям ҳайрон қолди. Бироқ бу сафар ростдан ҳам миннат қилди.

— Ифло-о-ос-с! — дея хотини юзини икки қўли билан тўсиб, энгашиб, хўнграб юборди.

— Ким ифлос! — ўшқирди эр.

— Сен, се-ен! — дея у ерни қайта-қайта муштлади.

— Уч талоқсан! Эшитдингми, уч талоқ! Ҳозироқ жўна! Болларниям олиб кет бу уйдан!

— Вой-й, — дея хотини қулоқларини беркитди. Устидан совуқ сув қўйиб юборилгандек бирдан сесканиб, йиғидан тўхтади. Кўзлари қонга тўлиб турган эрига бир зум тек қараб турди-да: — Оғзингизга қараб гапиринг! — деди.

У тамом йиғидан тўхтаган гўё кўзларининг шишганиям жойига келгандек эди. Эрга бу ҳолат таъсир қилмади. У жаҳл отига миниб бўлган эди.

Тумбочка устидаги сигаретдан олиб бемалол тутатар экан:

— Уч талоқ-да, уч талоқ! — деди гўё гоят мулоимлик билан. — Кетмасангиз қорнингизни пичоқ билан ёриб, ичкаларингизни бошингизга шляпа қиламиз. Шунақа ўйин ўйнагимиз келяпти.

Эрга оқилона, файласуфона ўгитлар, паст тушишу кечирим сўрашдан кўра мана шу сурбетлик йўли маъқул кўриниб қолган эди. Рост-да, икки дунё бир қадам кўриниб турган пайтда тагин қандай йўл тутсин?

— Воҳ, ифлос! — деди хотини тагин.

Яна қулоқларини беркитди. У энди бояги майда-чуйда ҳақоратларига, бетга чопарликларига қарши ундан-да минг карра залворли қарғиш, ҳаётни тамом тескари қилиб юбуровчи қудратли сўз борлигига, ўша сўз айнан ўзига қарата ўқдек отилганига энди тамоман иқрор бўлаётган, бироқ бунга қўниколмаётган, ҳозирнинг ўзидаёқ шунинг ёлғон бўлиб чиқишини юраги зирқираб истамоқда эди. Афсуски, ундай эмас. Оллоҳ таоло одамзотга кўриш учун кўз, ейиш учун оғиз, юриш учун оёқ, иш бажармоққа бир жуфт қўл, гапирмоққа тил, уни бошқаришга ақл ҳамда шунинг баробарида шу суяксиз тил барпо этган сўзни эшитмоққа бир жуфт қулоқ ҳам бериб қўйибди. Бу узун ёки қисқа ҳаётда одамнинг қулоқлари неларни эшитмайди? Оғир сўзлардан-да оғирроғи не? Айрилиқми, ўлимми, бетобликми? Ҳа, ҳаммасиям оғир. Аммо Мағфират ва Ширинқул учун энг оғир сўз бугун айтиб бўлинди. Бу — ҳукм! Бу айтган одам учун ҳам малҳам эмас — жазо! Эшитувчи учун ҳам жазо! Чунки одамзот ўз жуфтдан ўлмай-йитмай ажрашиб кетиши мумкинми? Бу сўзни иккиланмай тилга олиш, уни ўқдек учириб юбориш ҳам осонми?

Ҳа, осон экан. Оппа-осон экан!

Энди тамом. Ҳаммаси тугади.

* * *

Ширинқул диний йўриқларда ҳам анча-мунча китоб ўқиган, бир вақтлар билимдон бир кишининг уйига қатнаб арабий хат-савод чиқарган, аҳли сунна вал-жамоат ақоидини умуман олганда ўзлаштирган эди. Талай йиллар амал ҳам қилди. Номдор диний арбобларнинг баъзилари, муллалар нафс йўлида пулга учиб, диний оқимларга қўшилиб бадном бўла бошлагач, кўнгли совиб ташлаб қўйган эди. Ойлада бошлангич тўғри илмни олмаса қийин экан.

"Оллоҳ учун ҳалол нарсаларнинг энг ёқимсиз талоқдир" деган ҳадисни эслаб қолган эди.

Ҳалол бўлса-да Оллоҳгаям ёқмайди бу сўз!

Ширинқулга негадир шу ҳолатидаям бу сўз ҳазилга ўхшаб туюлди. Аини пайтда ростдан ҳам айтиб юборганига иқрор бўлиб турарди.

Тонглар отди, кунлар ботди—ўлмаган қул бошда борини кўравераркан. Ширинқул ўтган гапларнинг бари рўё бўлишини, тушида кўрган бўлиб чиқишини, эрталаб ёнида ётган хотинини эркалаб, юзларидан ўпиб, Худога шукур-ей, тушим экан-ку дейишни хоҳларди.

Афсуски, бу туш эмас эди. Бўлар иш бўлиб, гишт қолипдан кўчган эди.

Мағфират ҳам кўзи кўқарганча бир оғиз гапирмас, гоҳ ошхонага, гоҳ ванна томонга эҳтиёж учунгина чиқиб келар, фарзандларигаям чурқ этмас, улар олдига бориб эркалансалар, бобиллаб уришиб берар, "анови Азроил даданга бор", деб бақирарди. Болалар ҳам қон бўлиб кетишди.

Бола дегани қайғуни кўтаролмайди. Тезроқ овунигиси, қувонадиган эрмаклар топишни хуш кўради. Бироқ бу уйнинг деворлари, тўшагию идишлари ҳам хўмраяр, қовоқ уяр, хуллас, фариштаси қувилиб бўлган эди.

Учинчи куни Мағфират қизини орага элчи қилиб Қипчоққа кетишини билдирди. Ўша қўрғонда акаси туради. Ота-онаси эса Галлаоролнинг тоққа туташ Асалли қишлоғида яшашиди.

Акасиникига борса яхши экан, тўрт-беш кунда безор бўлиб қайтиб келади...

Қайтиб келармикин?..

Майли, тавбасига таянсин, бари бир қайтиб келади. Чунки тўрт болали акасининг уйига неча кун меҳмон бўлиши мумкин? Янғасиям ёқтирмай қолади. Ҳозирги замонда бировнинг ўлигини биров кўтариб юриши оғир.

Ширинқул ҳам қизини элчи қилиб сўратди:

— Машинада шоҳбекатгача обориб қўяйми, йўл пули қанча берай?

— Пул керакмасақан, ўзимиз кетаверарканмиз, — деди қизи.

Орадан бирор соат ўтиб йўлга тийиб бўлган Мағфират остонада туриб орқасига, энди эр макомидан маҳрум бўлган Ширинқулга бир мартагина қараб қўйди. Бу қарашдан Ширинқул ҳеч қандай маъно ўқмади. Кейинчалик ҳам бу нигоҳ кўз ўнгида муҳрланиб, кўп бора ўзи қидирган нарсани топмоқчи бўлди. Масалан, бир оз шаштидан тушиш, қайтадан бирга яшаш эҳтиёжи ёки шунга ўхшаган бир нарсалар. Жуда бўлмаганда "шу иш чакки бўлди, номард экансан!" деган каби қарғиш бўлсаям майли эди, кейинчалик шуни ўйлаб юрар эдинг. Йўқ, ундай ҳам бўлмади. Жуда мавҳум бир қараш.

Хотини ўғлини кўтариб олгани учун унга ҳеч нарсая деёлмади. Қизига термулган эди, у қўлидаги юкларини ерга қўйиб, йиғлаб юборди ва отасининг бўйнидан кучиб йиғларкан:

— Биз энди қайтиб келмас эканмиз, дадажо-он!.. — деди, сира айрилгиси келмай.

— Қизим, йиғлама, тез кунда... — деб гап бошлаган эди, хотини:

— Мақсуда! — деб ўшқириб берди. Қизи хўн-хўн йиғлаганча бурилиб эшикдан чиқди.

Эшик қарсиллаб ёпилди.

Бу — баттар бўл, дегани бўлса керак.

Ширинқул уйининг балкони томонга ўтди. Қизи орқасига ўгирилиб-ўгирилиб қарар, чамаси дадасини кўрмаётган эди. Болконнинг деразасини очди. Қизи қўлларидан кийим солинган елим халталарни ерга қўйиб, қўлларини силкиди. Дарҳол юкларни кўтарганча онасининг орқасидан эргашиб чопиб кетди.



Шунгайм уч кун ўтди. Уй ҳайҳотдай хувиллади-қолди. На бўлғай, Ширинқулимиз айрилиқ дегани ҳаётнинг ўзидан ҳам аччиқ эканини англади.

Ишга бориб келиб овуниб юрмоқчи бўлди. Бироқ мана шу кичкина уй у қайтиб келгач, нақ ютиб юбораман, дерди. Ҳар бир уйнинг фариштаси бўлармиш деб эшитган. Ўша фаришта энди бу уйда йўқ, бўлсаям ялмоғизроқ бирортаси келиб ўрнашиб олгану у Ширинқулни ботинан қарғар эди...

Дўст-ўртоқларига, телефон қилиб турувчи қариндошларига хотиним қайнотамникида, кўклам ҳавоси, бир ўйнаб келсин деб жўнатдим, дерди.

Ишхонасида Авазга дардини ёрди.

Уям аввал чакки иш бўлганини таъкидлади, сўнг дўстининг кўнглини кўтариш учунми:

— Янга унақа баджаҳлмас, биламан-ку. Яна бир ҳафта сабр қилинг, мени айтди дейсиз, болларини етаклаб кулиб қайтиб келади, — деди.

Чамаси шундай бўлишига Аваз ишонар эди.

— Бировнинг уйда сизинди бўлиб юравериш ҳазилми? — деб қўйди у.

— Аслида шундай. Лекин талоқ масаласи бор-да, — деди Ширинқул.

— Менимча бунинг ҳам йўл-йўриғи бор, — деди у иягини қашлаб туриб. — Уришқоқроқ бир ҳамсоям бор, хотинини эрмакка талоқ қўяди. Хотиниям кетиб қолаверади, қайтиб келаверади — ўрганиб қолган. Бир кун маҳалла оқсоқоли чиқиб бу оғир гап, ука, талоқдан кейин хотин ҳаром бўлиб қолади. Хастимомда танишларим бор, юринг, улардан йўл-йўриқ олинг, деб диний идорага оборибди. Қўшни улар билан тил топишиб, ўттиз мингми, қанчадир жарима тўлаб талоқни бекор қилдириб ўзига фатво ёздириб опти. Худо билади, ундан кейин ҳам неча марта бу сўзни айтган чиқар, лекин биров ундай-мундай гап қилса ўша справка билан башарасига уради...

Ширинқул бир китобда ўқигани бор: ўртага талоқ тушгандан кейин хотин бошқа кишига турмушга чиқиши керак. У билан ростманасига яшаши, ҳалол турмушни ният қилиши керак. Мабодо уларнинг оиласи бузилиб, ўша хотин яна талоқ олсагина аввалги эри билан қайтадан никоҳдан ўтиши мумкин.

Авазнинг гапи эса... янгилик!

Бирор ҳафта ўтгач, қайноғаси Болибек келиб қолди. Аввалига у сир бўй бермади. Қозогистонга янги чиққан помидорлардан ўтказмоқчимиш. Чорсуга олти яшик опкелса, тала-тала бўлиб кетганини гапирди. Лекин Қипчоқда, ҳатто Гулистон атрофидаям помидор танқислиги, бунинг сабаби қиш пайти теплицаларга газ берилмаётганини тушунтириб, агар мўмайроқ пул бўлса Чиноз ва Янгийўлдан икки-уч "Камаз" помидор олса бўлишини, бунинг учун каттароқ пул кераклигини таъкидлади.

Ширинқул унинг гап авзоидан яна пул сўрамоқчи эканини, бу гал кўпроқ пул топиб бер, демоқчилигини англаб турарди.

— Бунча пул бир одамда бор, лекин жуда фойизни катта қўйворяпти, — деди Болибек.

Ширинқул гапнинг давоми сифатида у одам ким, қанча фойиз қўяётганини сўрамоқчи бўлди. Ўзича у киши менга танишдир, ўртага тушиб гаров бўлишим керакдир деб ўйлаб, тилини тишлаб турган эди, Болибек бирдан:

— Мағфират билан ораларингда бирон гап ўтганми? — деб сўраб қолди.

Ширинқул:

— Йўқ, — деди негадир. Беихтиёр айтилган бу сўзнинг оқибати қанчага тушиши мумкинлигини ўйлаб тек қотди. Чамаси ҳозир Болибек: "Мен ҳаммасидан хабардорман, иккаланг ҳам пушаймонсан, гап-сўзни кўпайтирмай ярашиб олмоқчи бўлсанглар, мана, мен

қафил, ўзим тўғирлайман, лекин сен анови одамдан қарз оберасан" деб шарт қўймоқчи эди.

— Тинчликми ўзи? — деди Болибек.

Гапни узоқдан олишини қара, дея ҳаёлидан ўтказди Ширинқул сергак тортиб.

— Ўзи бирон нарса дедими? — деб сўради бир оз ўзини қўлга олиб.

— Уришли бўлганга ўхшайсизлар. Мағфират борганидан бери мени эзди. Куёвингизнинг пулини қайтариб беринг дейди. Мен айтаман: куёв ўлар-қолар жойда эмас-ку, ўзи қисталанг қилмаяпти-ку. Йўқ, ўламан саттор қайтиб беринг, дейди нукул. Шу-у... шунақа нарсаларни хотин кишига билдириб ўтириш шартмиди, куёв?

Бу гап билан қайноғаси изза қилмоқчи эканини пайқаб:

— Икки ойга деб олган нарсангизга қанча вақт ўтди? — деди қарши ҳужумга шайланиб.

— Икки йилдан ошдимми дейман, — деди қайноға ер остидан қараб, жингалак сочларини тез-тез қашларкан.

— Уч йилдан ошди, — деди Ширинқул бамайлихотир. У энди ўзини босиб ташаббусни қўлга ола бошлади. — Сиз қайноғамсиз. Оилангизнинг аҳволини биламан. Қишлоқдагилар ҳам ўзига яраша қўл учуда яшайди. Пенсия билан иккита мол нимаям бўларди. Чўлга келиб уйсиз, квартирада яшаб юрдингиз. Оборотга деб пул сўрадингиз. Аввал икки юз, кейин уч юз. Савдо-сотиқдан фойдаланиб уй олганингизни эшитдим у хурсанд бўлдим. Мағфиратга ўша аввалги икки юздан кечдим — биздан уйига тўёна деб айтдим. Азбаройи хурсанд бўлганимдан. Лекин шундан кечмасам қайтариб берармидингиз-йўқми — унисини билмадим.

— Қайтарардим, қайтараман... уч юз... шу...

— Бошқа одам бўлганида бўйингизга қанча илиб ташларди, биласизми?

— Энди аҳволни ўзинг қўриб турибсан, бирда ундай бўлса, бирда бундай. Икки марта қарзга товар бериб тамом оборотимдан айрилиб қолдим, ўзинг биласан.

— Бизнес доим бир хил бўлмайди, буни тушунаман. Лекин ҳаётда лабз деган нарсаям бор. Бу — шунчаки, оддий гап эмас...

— Сен муҳтож бўлиб қолдингми? Орада яп-янги "Жигули"ям олдинг-ку?

— Бунинг сизга аҳамияти йўқ, шекилли. Мағфиратга сўра акангдан, машинага пул керак, деганман. Сиз бермадингиз, қорангизиям кўрсатмай қочиб юрдингиз.

— Қочмадим. Синглимдан, жианларимдан қочаманми?

— Билмадим, кимдан...

— Ширинқул, — деди гавдасини тиклаб, ўнглаб оларкан Болибек, — жуда керак бўлаётган бўлса бор-ку, молимни, уйимни, хотинимни сотиб бўлсаям, эртага опкелиб бериб кетаман. Лекин одам ундай бўлмайди-да, ука...

Ширинқулнинг миясида "чирс" этиб ўт қақнагандай бўлди. Мағфират ҳамма гапни дастурхон қипти-да, деб ўйлади. "Молимни, уйимни, хотинимниям"... деяпти-ку. Шундай бўлса-да, у ўзини босган киши бўлди. Жаҳлини билдирмади-ю, мийиғида киноа билан:

— Қандай бўлади одам? — деди.

— Миннатли ошни ит ичмайди, дегани тўғри экан, — деди Болибек, четга бурилиб. — Шуни вақтида қайтарайин деб эдим, бўлмади-да. — У шундай деб хонтахтани беихтиёр қафти билан "тақ" этиб урди. Бошини чайқлади.

Ширинқул ўрнидан турди. Холодильникдан ароқ ва газаклар опкелиб қўйди. Қайноғаси йиғламаса ҳам йиғламоқдан бери бўлиб, бошини эгиб ўтирарди.

— Кимингдан бўлсаям қарз бўлма экан. Пулнинг бари бир миннати бўларкан. — Шундай деб, Болибек ароқ шишани ўз олдига тортди. Пиёлаларга тўлдириб-тўлдириб қуйди ҳамда мезбоннинг такаллуфиниям кутмасдан сипқориб юборди.

— Жигарингизга зарари йўқми? — деди Ширинқул унга ҳайрон бўлиб қараб.

— Ҳе, энасини... шу жигарнингам, — деди қайноғаси ароқнинг аччиқлигидан кўзларини юмиб газак хидларкан.

— Қаранг-да, — деди Ширинқул ва бундан бир ойча бурун қайноғасининг сариқ касал билан оғриганини эслади. Менга нима, дегандай ўзи ҳам ичиб юборди. Ичаркан, ичидан зил кетиб Мағфират акасига куёвингиз пулни миннат қилди, шуни нима қилиб бўлсаям қутулинг, деб уқтирганини тушунди.

Демак, Болибек шунинг учун, куёвининг олдидан бир ўтиб қўйиш учун келган эканми? Яна бирор гапи бор-ов. Синглиси тўғрисида нима деркин: нега урдинг, бир сингил бўлса ўзим боқиб олардим, ўласи қилиб ургунча кет уйдан деб ҳайдаб юбор эди.

Болибек бундай демади. Эҳтимол Мағфират эрим урди демагандир. Урди деса, акаси ҳам нега уради, сен нима дединг, деб суриштирмайдими?

— Ака, — деди Ширинқул бир оз бўшашиб. — Мана, кўриб турибсиз, ишим аввалгидай эмас. У-бу ҳаракат қилай десам, одамлар аввалгидай муомала қилмай қуйди. Мансабинг борида одам қатори кўраркан, тушганинда шартга юзини ўгириб оларкан. Шунинг учун борини майда чайнаб турибми. Қарзни қистамоқчим эмасдим. Лекин мажбурман. Оиламизам тинч бўлмай қолди. Қайтарсангиз яхши бўларди.

— Қайтараман, лекин сал шошмай турасан. Мана бу памилдорини бир ёқлик қилволай, қўшиб бер десанг қўшибам бераман, — деди Болибек, тагин ўзининг пиёласига тўлдириб ароқ қуяркан.

— Беш юзни-я, қанча кутай? — деб сўради Ширинқул масалага ойдинлик киритиб қўйиш учун.

— Беш юзми ё...

— Қанча бермоқчисиз ўзи?

— Уч юзингни... наригиниям кечмовдингни ё?

— Қанча бера оласиз?

— Ҳозир ҳеч нарсанинг тайини йўқ, лекин памилдоридан мўлжалим катта... Шошилтирмай турсанг бўлди.

— Хўп, қанча вақт?

Болибек бу қадар қистовни кутмаган эди. Пиёлани лабига текизди-да, тўхтаб қолди. Кейин четга қараб "киф" дедю пиёлани бўшатиб, тўнкариб ташлади.

— Дунё шундай тураверадими! — деди у лабларини тишлаб, алам билан. Кўзларида ёш гилтиллади. Негадир шу тобда куёвига бир умид, бир умидсизлик билан термулди. Тавба, дея ҳайратланди Ширинқул: одам ҳам шунақа ўхшайдими? Йиғлаганда, айниқса, пастки лаби пастга тортиб, тепа лаби титраши, бурнининг учи қизариб қолиши, кўзлари ёшга тўлганда нима демоқчи лигини билиб бўлмаслиги — бир хил. Қайноғаси ёшини тезда артиб ташлади-да, сочиқни дастурхонга тап этказиб уриб: — Бор будимни, боя айтган нарсаларимни сотаману қутуламан, бўлдимми? — деди. — Шу миннатингни тоза пеш қилдинг. Хотинингниям балки шу нарса учун қўйгандирсан?

Ширинқул нима дейишини билмай қолди.

— Бу бутунлай бошқа масала, — деди охири. — Синглингизнинг ақли бўлса ўзи тушунтириб айтар.

— Одамнинг бошига бир иш тушса қайтиб яна тушавераркан, — деди Болибек, ўзини босиб олиб. — Эшитган бўлсанг менинг онам Пискентда турилган. Бир пайтлар, кўчирма замонида келиб шу ерда яшаган. Онаминг отаси яқинда ўлди. Нурмат тентак — яхши

биласан. Биринчи хотини бизнинг катта энамиз — онаминг онаси бўлган. Ундан кейин ҳам бу одам етти марта уйланган, тўртта хотинини уриб ўлдирган. Катта энамизам таёқдан ўлган. Қўлида чақалоги, кетмон даста билан кўчада бўкиртириб уриб ётганида бир аравакаш келиб қутқариб олган. Пискентнинг марказидаги балнисага зўрга етиб борган энамиз, ўша ерда узилган. Дўхтирлар жигари эзилиб кетган дейишган. Уликка эғаям топилмаган. Шундай зайил, бешафқат экан катта отамиз. Бир кунлари келиб, замон сал сусайганда чақалоқни онаминг янғаси излаб келиб аравакашникидан топган. Қиз қилиб ўстириб эрга берган. Тақдирнинг ҳазилини кўр, онам ҳам отамдан бот-бот калтак еб туради. Мана, қизи ҳам...

«Оббо, — деди Ширинқул ўзига ўзи, — буниям айтибди-да. Майли-да, бошқасини гапиргандан кейин бу қолармиди? Энди фарқи нима?»

Болибек ёздаям ечмайдиган камзулини елкасига илди.

— Ярим оқшомда қаерга борасиз? — деди Ширинқул.

— Бораман-да, борадиган жойларим бор, — деди Болибек илдоа оҳангида.

Ширинқул кетманг, қолинг, деб айтса бўларди. Лекин индамади. Қайтанга "ўзингиз биласиз" деб қўяқолди. Хаёлига келган нарса шу бўлдики, бу туришда қайноғам билан яна айтишиб қолишим мумкин, кетавергани маъқул. Лекин Мағфират, болалари ҳақида бир нарсаларни билгиси келди. Қандоқ сўрайди, нима деб сўрайди?

* * *

Бу дунёнинг одам кўникадиган ва умуман кўниколмайдиган қисматлари бор. Одам ўлимга, айрилиққа ҳам секин-аста кўникади, ниҳоят яқин одами қайтиб келмаслигига ҳам иқрор бўлади. Сўнг бу дард совийди.

Тириқларнинг савдоси эса бошқа.

Ширинқул айрилиққа сира кўниколмади.

Аввал ҳамма эркақлар сингари э, бу бўлмаса бошқаси, икки марта уйланиш фақат менинг чекимга тушибдими, деди ўзича. Ўйлаб қараса, воз кечолмас экан. Гап-сўзларни кўз ўнгида гавдалантириб бир гижинади, бир оз совигандай бўлади. Аммо, Мағфиратдан, бири-биридан ширин бўлиб ўсаётган болаларидан кечиб юбориш...

Вақт ҳакам. Ҳамма нарсага ўша совуққон ҳакам барҳам беради. Лекин...

Бир гал ишхонасига жуда замонавий кийинган, ўта чиройли қиз келиб мен фалон шоирнинг қизи бўламан, бироқ дадамини танимаيمان, у онамни чақалоқдигимда қўйиб юборган экан, мабодо ўша шоир сизнинг нашриётларингизга келмайдими, мен отамни кўришни жуда хоҳлайман, деб кўз ёш қилган эди. Зингил солиб қараса, кўзи, қошлари, юз тузилиши худди ўша одамники. Во, ажабо! Кунларнинг бирида шоирнинг ўзи ҳам келиб қолди. Шоир табиатан хушфел ва ҳазилкаш эди, лекин киноя, истеҳзо билан ўйиб оладиган одати бор эди. Соқлари оқариб кетган шоирга негадир бу янгилик бўлиб туюлмади.

— Э, қайси бирини излайман буларнинг, бўлса бордир. Қайси институтида ўқир экан, дедингиз? Маданиятда. У ерда нуқул жалаблар ўқийди-ку, қўйинг-э, шуни кўрмай қўяқолай, — деди қўл силтаб.

— Жуда бўлмаса телефонингизни қолдиринг, ўзи сизни топиб олар.

Шоир дунёда аёл кишидек хиёнатчи бўлмаслиги, улардан ниҳоятда эҳтиёт бўлиш шартлигини уқтира бошлади. Шу гаплардан кейин хотинини мудом уйда



қолдириб эшикнинг сиртидан қулфлаб юришини, бўлмаса бегона эркак келиб қолиб бирор қор-қол рўй бериши мумкинлигини, ўзи умуман буларни кўчага чиқариб бўлмаслигини, мабодо чиқар бўлса албатта автобус ё трамвайда бегона эркакларга думба ё кўкрагини эздириб юришини ташвиш билан гапирди.

— Жа-а унчаликмасдир-ов.

— Шунчалик бўлмаса бешинчи марта уйланармидим, ука. Ҳаммаси шунақа буларнинг. Ҳозирги уйдагисиям ноилож, кўчага чиқолмайди. Шундаям, аниқ биламан, деразани кўча томонга очиб бегона йигитлар билан кўз уриштиради, гап ташлайди.

— Э, ака, доврўқли шоирсиз-а. Ёппасига айблаб бўларканми аёлларни? Анави қиз бўлса, худди қуйиб қўйгандай ўзингиз.

— Бе, — дея тагин қўл силтади шоир, — маданиятда кимлар ўқиши, кимлар ўқитишини биламан-ку...

* * *

Ҳар нечук Ширинқул ҳаётга бошқачароқ кўз билан қарайди. Шоир ҳақида "шизик у" деган тарифни эшитган. Энди бир муносиб аёлни топиб уйланиши керак. Хўш, кимга?

* * *

Баҳор ўртаси. Қишлоқ, тоғ-дашт тугул шаҳар ҳам яшнаб кетган. Гулламаган дарахт қолмади. Одамзоту табиатда кайфият аъло. Бу кунларда байрам қилмаган, шодланмаган кишининг ўзи номард.

Идорадагилар ҳар йили кўклам чиқиш арафасида Чимёнга бир кунлик саёҳат уюштириб, у ерда чанги, чаналарда учиб, маза қилиб, қор ва қиш билан хайрлашиб келишарди. Бу йил қиш ёмон келмади. Беш-олти марта бўлиқ қор ёғди. Аммо Авазнинг эътиборсизлиги туфайли бу гал қор билан хайрлашиб насиб қилмади.

Ширинқул ташаббус кўрсатиб, бу сафар Чорвоққа, лода сайлига борамиз, деди ва ўзи танишлари орқали кичик "Отайўл" автобуси топди. Тошкент-Хўжакент поездига ўтириб боришсам бўлади-ку, лекин ўз идиш-товоғинг, ҳамроҳларинг билан хоҳлаган жойда тўхтаб, хоҳлаган нарсангни пишириб ейишга нима етсин.

Кечаси билан шаррос ёмғир қуйиб чиқди. Сафар олдида ҳам ёмғир челақлаб ёғаётган эди. Наشريёт биноси олдида турган автобусга бирин-кетин ҳаммалари етиб келишди. Одатда ҳар сафар ошпазлик қилувчи оғбор мудири Маҳкам акаям дўпписининг устига катта салафан кўндирганча етиб келди.

Чирчиқдан ўтиб Ҳазалкентнинг йўлига чиққанларида ёмғир сийрақлашиб, тоғ тараф ёришиб кела бошлади. Гўё энди тонг отаётгандай эди. Осмон қоқ ярмидан қора парда йиртилгандай бир томони оқариб қолганди. Гўзал бир манзара.

Ширинқулнинг баҳри-дили очилди. Шериги билан кайфиятини ўртоқлашмоқчи бўлиб унга қараса, компьютерда ишлайдиган бухоролик Назира экан.

— Назира, қарагин, тоғ қандай ажойиб!

Қиз Ширинқулга ажабланиб қараб қўйди.

— Бу ҳавода зап қўзиқоринлар чиқади-да. Умрингда ҳеч қўзиқорин терганмисан?

— Йўқ, — деди Назира, — биз томонда қўзиқорин ўсмайди. — Негадир у тагин ҳайрон қаради.

— Ўзи қўзиқорин ўсиб ўтирмайди, — деди Ширинқул. — Судралишни ёқтирмаса керак-да. Момоқалдироқдан сўнг доп этиб ерни бетига чиқади-қўяди.

Назира ёйилиб кулди. Бу ҳижоб ўраниб юргувчи қизга кулгу шундай ярашар эканки, шериги ҳам бир зум доп бўлиб тикилиб қолди.

Қиз бирдан:

— Ширинқул ака, сизга "сан" сираш ярашаркан, — деди.

— Йўғ-э, "сан" дедимми сизни, узр, — деди Ширинқул ноқулай аҳволга тушиб.

— "Сан" денг, илтимос, — деди Назира.

— "Сан", бўлдими?

— Йўқ, бундан кейин ҳам доим "сан" денг.

— Хўп-хўп, яна сан.

Назира яна чехраси бирам очилиб кулдики, Ширинқул бу қизга бунча кулгу ярашмаса деб қўйди ва ичидан нимадир зил кетгандай бўлди.

Ҳадемай тоғни ярим-ёрти қуёш нурлари ёрита бошлади. Тоғ ёнбағирларида енгил туман сузиб юрар, ҳаво жуда мусаффо эди. Одамнинг қўнгли ҳам жиллақурса шу ҳавога ўхшаса экан — ҳар ёмғирда бир тозаланиб турарди. Лекин айнан ҳозир автобус-дагиларнинг кайфияти чандон аъло эди. Улар бир-бирларини туртиб манзара, дарё, дарахт, сувлар, гулларни кўрсатишар, кадрлар бўлими нозирни, хўппа семиз Машҳура опа дунё билан иши йўқ, ўзича бир мумтоз қўшиқни қошларини учуриб чайқала-чайқала хиргойи қиларди.

Рассом Нодир гарчи қўшиқ эшитилмаётган бўлса-да, опага қараб:

— Ҳа, дўст, жуфт бўлсин! — дерди.

— Коллективимиз яхши-я? — деди Назира.

— Коллективми, ҳа, бўлади, — деди Ширинқул. — Аканг қарагай шаклантирган-да бунди. Қаранг, ҳар хил размер, ҳар турли шакллардан бор. Хуллас, импортний-да.

— Ажойибсиз-да, Ширинқул ака. Барибир яна "сиз" ладингиз.

— Қўполлашма, ким "сиз" деди, сени. Ҳақорат ҳам эви билан-да.

— "Қаранг" дедингиз-ку.

— "Қара" сўзини йўқ қилиб, бақрайиб қара, вот манзара, ҳаммаёқ дабдала. Қалай?

Назира автобуснинг ойнаси томон ўгирилиб, энгашиганча булк-булк кулар эди. Сўнг қизариб кетган кўзларини Ширинқулга қараб ярим очиб:

— Зўр талантсиз-ку, вой ичагим узилотпи, — деди тагин энгашиб.

Ширинқул ораста қошлар, катта ва қора кўзлар, табиий қайрилма киприқлар, бўялмаган лабларнинг ҳам бу қадар чиройли бўлишини билмаган экан. Беихтиёр Назира, унинг қандай бу ерга ишга келганини эслаб кетди. Машҳура опа ярим штатга олайлик, жуда одобли, эпчил, уddaбурун деганди. Яна етимми, ўгай онанинг қўлидами, нимадир деганди.

— Назира, хоҳласанг борганда иккаламиз қўзиқорин терамиз, мана бу текинхўрларга нонушта тайёрлаймиз, хўпми?

— Хўп-хўп, — деди Назира, — текинхўрларми булар?

У Ширинқулдан тагин қизик бир гап кутди.

— Қўзиқорин ердан чиққандан кейин ҳаммага текин-да, — деди у. — Ҳали у жонивор бор бўлса, — дея қўшимча қилиб қўйди ва бу сафар Назирага атайлаб синчиклаб тикилди. Назира юзини ойна томонга ўтирди.

Автобус Чорвоқ қишлоғининг кунбеткай ёнбағридан чиқиб тик қияликка етмасдан тўхтади. Бу ёғига юриш қийин эди. Шу жой ҳам маъқул: ўт-ўлан, дарахтлар, атроф тоғ, сал тикроқ юриб пастга қарасанг — сайхонлик. Бироқ ҳаммаёқ хўл. Асфальтдан ошиб бир оз юрсанг бўлди — почанг тиззанганча хўл бўлиб кетади. Қуёшнинг шуъласида шудринлар ялтирайди. Ариқдан тўлиб лойқа сел оқяпти. Уни кечиб ўтишинг маҳол. Ҳайдовчиям, ёшу кексаям бу пайтда дастёр ёки кўриқчи бўлишни хоҳламасди: ҳар ким ўзини ҳар ёққа урган,

намгарчилик, гуллар, сувлар, қушлар — ҳаммаси олам-олам қувончдан иборат эди.

Ширинкул дархатзорга кириб беш-ўнта замбуруғ топиб чиқди. Балдоғи билан узиб олгани учун худди гуллардай қилиб Назирага тортиқ қилди.

— Иби, қўзиқоринингиз шуми? — деди Назира.

— Бу замбуруғ, қўзиқорин бужур, хунуқроқ нарса. Қўзиқориннинг заҳарлиси бўлмайди, шунинг учун хавфсирамай паққос тушираверса бўлади, — деди Ширинкул билимдонлик билан.

Қўлидагиларни елим пакетга жойларкан:

— Аслида қўзиқоринни бунақа дархатзордан топиш қийин, анавиндай яланглик бўлса, — деб нариги беткайни кўрсатди.

Бир зумда ҳар ким хоҳлаган томонига улоқиб гум бўлган эди. Ширинкул Назирани ўша ўзи кўрсатган томонга бошлаб кетди.

— Бу ерларда илон-пилон бўлмайдами? — дея ҳадиксираб сўради Назира.

— Илонлар уйғонишига ҳали бор, — деди Ширинкул тагин билағонлик билан, худди ёшлигидан бу жондорлар билан ошна-оғайни бўлиб ўсгандек, — Хув, май ойининг охирларига келиб бу ерларни ораласанг, шундоқ олдиндан "виш-ш!" деб бошини кўтариб келаверади. — Назира шу заҳоти "Вой!" деб бақириб юборди. Ширинкул ҳеч нарса бўлмагандек давом этди: — Қочсанг қочиб қолдинг, бўлмаса "тап" этиб отилади-да, бўйинингга арқондек ўралиб олиб бўгаверади, бўгаверади. Уша вақтда чўнтагинда лезвиями, ўтқирроқ пичоқми бўлгани маъқул-да, айна хириллатиб бўгаётганда қоқ белидан бўлиб ташласанг доғда қолади. Иккинчи марта сенга яқинлашмайди, лекин шундаям ўлмайди — иккови икки томонга судралиб жуфтакни ростлаб қолишади. Бир хилларининг тили бор, гапиреди, эгилиб қўли кўксига "кечирасиз" деб...

— Оббо, бўлди-ей, тоға, лоф ҳам эви билан-да, — деди кулиб Назира. Ширинкул эса жиддий эди.

— Кўрганганим айтяпман-да, жиян.

Назира бу жиддийликни кўриб яна ҳазилга йўймоқчи бўлиб кулиб Ширинкулга қараб тураверди.

— Ва-а! — деб бақирадиганлариям бор-да, ўшалардан Худо асрасин.

Бу сафар Назиранинг ўтакаси ёрилаёзди.

— Юрагимни ёриб ўлдирасиз-ку, — деди яниб.

Бу Ширинкулга хуш ёқарди.

Ширинкул шими ҳўл бўлиб кетаверганидан туфлисини ечиб почасини тиззасигача сириб олди. Назирага ҳам шуни маслаҳат берди. У олдинга унамади, кейин энгашиб красокасини ечди ва уни Ширинкул елим халтасига солиб кўтариб олди.

— Почангни кўтариб ол, бўлмаса ўласан шамоллаб.

— Шундайчаси яхши, — деди Назира уялаётганини яшириб. Аммо сал ўтмай трикоси шалаббо бўлиб осилиб қолгач, ўзи тиззасигача сириб олишга мажбур бўлди.

Оёқлари оппоқ, бежирим эди. У шу ҳолатидан хижолатда эди. Бошқалардан узоқлашиб овлоққа келиб қолмадикми деб атрофга олазарак қараб қўйди.

Пастдаги ясси тош устида Машҳура опа ва яна кимдир ўтириб олиб қўлларини оғизларига карнай қилишганча нимадир деб қичқирди. Нима дётганларини на эшитиб, на тушуниб бўлади.

— Хавотир олманглар, Назирани бус-бутун қайтариб опкеламан, — дея қичқирди Ширинкул.

— Иби, номусга ўлдирасиз-ку сиз, — деди Назира, ҳовлиққаннамо, бу нима деганингиз деган каби.

— Ваъда бериб қўйган яхши-да. Ким билсин, шу масалада хавотир олишаётгандир-да.

Идишларини тўлатгунча замбуруғ теришти-ю, қўзиқорин дегани иримигаям йўқ экан. Қўзиқорин завқи

билан Чорвоқ сув омборининг тепасига келиб қолишибди. Каттакон денгиз куйида ялтираб, адирлардан адирларга ёнлаб ўтиб, чайқалиб, ястаниб ётибди.

— Ана манзара, мана денгиз, Ўзбекистоннинг ҳақиқий денгизи, — деди ҳайратланиб ерга ўтираркан Ширинкул.

— Ростдан ҳам денгиз-а, гўзаллигини қаранг, — деди Назира ҳам. — Иби-и, шунча катта экан-а!

— Биз ёз пайтлари бу ерларга келиб чўмилиб турамыз, — деди Ширинкул. — Шаҳарда орттирган кирларни шу сувга келиб ташлаб кетамиз.

Назира анқайиб қараб қўйди. Бояғидай ҳазилми ё чинми деган маъно бор эди бу қарашда.

— Ёзда маниям опкелинг, — деди беихтиёр.

Ширинкул кутилмаган бу таклифга ишонқирамай:

— Чўмиласанми? — деб сўради.

— Йўғ-э, шундай-да, — деб қўйди Назира.

— Нима қипти, сендайлар ҳам чўмилавереди кийим-пийими билан. Кун иссиқ, бир оз юрганингдан кейин ўз-ўзидан қуриб кетади.

Ширинкул Назиранинг лўппи юзига, қулоқларини ёпиб турган қалин, жингалакка мойил қора сочларига, сўнгра ёмгирдан кейинги шабнамда оппоқлиги тагин ҳам ялтираб бўртиб турган оёқлари, болдирларига суқланиб турмулди. Назира ҳайратлар дунёсига ўзини топшириб ҳамон ҳаприқар эди.

— Назира, — дея унинг хаёлини бўлди Ширинкул.

— Институтни тугатдингми?

— Қайси институтни?

— Ислон институтига кирдим девдингми?

— Йўқ, киролмадим-ку.

— Қирмай туриб даҳмазанг шунчами?

— Қанақа даҳмаза?

— Айтаман-да. Ўзи қиз нарса ўқиб ҳам нима қиларди, эртага бир этак болага ўралашиб қоласан, тўғрими?

— Тўғри.

— Тўғри бўлса...

— Бир этак болали бўлиш учун аввал эрга тегиш керак-ку.

— Ҳа, дарвоқе... Назира, сени Машҳура опа ўғай онанинг қўлида катта бўлган деганди. Тўғрими шу гап?

— Ҳа. Лекин ҳеч эслагим келмайди. Ман бу ёққа келиб худди қамоқдан қутулгандекман.

Назира касалликдан вафот этган онаси, сўнг отаси бошқага уйланиб ўғай онанинг қўлида қолгани, у хотин қизга ит кунини солганини истар-истамас айтиб берди. Тошкентга бир отин ойисиникига келиб диний таълим ола бошлагани, кунлардан бир кун отин ойининг эри диний оқимга қўшилганликда айбланиб қамалиб кетгандан сўнг тақдир тақозоси билан Машҳура опаникига ижара излаб келиб ўша ерда туриб қолганини ҳам сўзлади.

— Сенинг тақдиринг ҳам меникидай енгил эмас экан, — деди Ширинкул оғир ҳомуза тортиб.

— Нимага? — деди Назира Ширинкул томонга ўгирилиб қараркан.

— Нечага кирдинг? — деди Ширинкул саволга савол билан.

— Йигирма бирга кираман энди.

— Сенинг қисматинг енгиллиги шундаки, сен ҳали бошламагансан.

— Тушунмадим?

— Турмуш қийинчилигини.

— Бошимдан ўтказмаган бўлсам ҳам ҳис қиламан, Ширинкул ака.

Назира бу билан бошингиздан ўтганини айтаверинг, мен тушунаман демоқчи эди.

— Мен турмушни бошладим, қувончу ташвишларини кўрдим ва тугатиб ҳам бўлдим, — деди



Ширинкул воқеани бир бошдан айтиб ўтиришни хоҳламай.

— Ишхонадаги хотинлардан оилангиз тинч эмас деб эшитган эдим, — деди Назира.

Ширинкул оғринди. Менинг оилам ҳақида билишаркан-да, гапириб юришар экан-да, деган хаёлга борди. Одамнинг юзини қора қиладиган бирдан-бир белги шу экан-да, деди.

Бари бир Назирага ўхшаб хоҳлаб-хоҳламай ўша воқеаларни узук-юлуқ айтиб берди.

— Мастмидингиз? — деб сўради Назира.

— Йўқ, маст эмас эдим.

— Агар маст бўлганингизда талоқ тушмасмиди деб ўйлабман-да.

— Ҳа, хотинимни, қизим Мақсудани, ўғлим Фирдавсни ўйласам юрагим гумуриб кетади, Назира. Ҳеч бошқа ҳаётни тасаввур қилолмайман. Бировлар бўлади, калишни алмаштиргандай алмаштириб кетаверади хотинни. Мен бўлсам, гарчи шунчаликка борсам ҳам воз кечолмайман. Аслида ўша пайтда ҳам воз кечмаган керак.

— Табиатан раҳмдил, бўш феъл бўлсангиз керак-да. Бундай кезде эркак киши узил-кесил ҳал қилмаса қийин.

Ширинкул "хўш?" дегандай қаддини тўғирлаб қизга қаради.

— Умр жуда қисқа, Ширинкул ака. Буни мендан яхши биласиз. Сизга ақл ўргатолмайман, лекин энди иложингиз йўқ, бари бир бошқага уйланасиз. Янгамуллоям бошқа эр қилади. Талоқ масаласи оғир. Юрсангиз юраверасиз.

Шу пайт уларнинг ёнига иккита аскар йигит келиб қолди. Кўринишидан қишлоқ йигитлари, уст-бошлариям унникиб кетган.

— Ака, чекишдан борми? — деди улардан бири, сал хижолат бўлиб.

— Мен чекмайман, — деди Ширинкул.

Аскарларнинг бири Назирага қараб бақрайиб қолди. Қиз бечора дарҳол оёқларини бекитишга тушди.

— Буям чекмайди, — деди Ширинкул у йигитга, тезроқ кет, деган маънода.

Йигитлар нарироқ кетгач, бири орқасига қараб бош бармоғини кўрсатиб "михдай" ишорасини қилди.

— Назира, зўр эмишсан, — деди Ширинкул.

— Бу нима деганингиз?

— Анави аскар бола сени михдай экан топган қизингиз деб кўрсатяпти.

— Қўйсангиз-чи, ёш боламисиз?

Ширинкулга бу гаплар гўё Назиранинг ўз хотинидек муомала қиладигандай бўлиб туюлди. Ичида ийиб кетгандек ширин ва айни пайтда кўз олдини қоронғилаштириб юбуровчи ҳадикли бир туйғу ўтди. Ўзини мастдек ҳис қилди.

— Назира, — деди ва нима демоқчилигини тагин бир эслаб олмоқчидек тўхтаб қолди. Назира унга термулиб турарди. Унда ҳадик йўқ, лекин Ширинкул талмовсирайди.

— Бу гапни нега гапираётганимни тайин бир аниқлаштириб олганим йўқ-ку, шундаям...

Назира бу гапни билардим дегандай кумуш денгизга қаради. Аммо унинг ҳам кўзларидан маъно йўқолган эди.

— Назира, — дея қизнинг эътиборини ўзига жалб қилди йигит. — Агар хотинликка қўлингизни сўрасам рози бўлармидингиз?

Назира бир сесканиб тушди. Оёқларини йиғиштириб гужанак бўлиб олди. У мунгайиб, жуда кичрайиб кетгандек туюлди. Ширинкулга бошқа қарамай қўйди, бемаъно, денгизга тикилиб тураверди.

Ширинкул ҳам денгизга қаради. Аммо у ерда мовий кенглик ва жимир-жимирдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

— А, Назира?

Яна ўша жимлик. Мазмунсиз нигоҳ.

— Тўғри, бунга дабдурустдан "ҳа" деган жавобни кутмайман. Шундай бўлганида балки сени ёқтирмай қолардим. Бари бир...

— Сиз бу нарсани анчадан бери ўйлаб юрармидингиз?

— Нима десаман?.. Гапнинг очиги, аввал бир тўхтамга келолмаганман. Айтдим-ку... Сен ҳам эшитдинг. Бугун шундай хаёллар гирдобидаман.

— Ширинкул ака, бошқа нарсаларни гаплашайлик.

— Ҳа, тўғри, — дея ўзини ўнглаб олди. Ширинкул. — Ўзим ҳам қийналиб кетдим. Демак, бари бир умид остонасидаман деб тасаввур қилаверсам бўлар-да, тўғрими?

Назира бу гал ҳам индамади. У бир пасда улғайиб қолгандек эди.

Бояги аскарлар кетган томонда пастга тушадиган зина ва бетон йўлак бор экан. Йўлак бора-бора йўлни катта асфальтга опчиқаркан.

— Лола терсак яхши бўларди, — деди Назира.

— Лола тошли жойларда ўсади. Кел, яхшиси, мана бу қияликдан тушамиз. Лолалар ҳам топилади бу ёқда.

Ширинкул йўл-йўлакай тўрт дона лола топиб узиб Назирага берди. Назиранинг бўлса кайфияти кўтарилмас ёки у ҳеч нарсани сездирмас эди.

Ширинкул эрталаб хаёлидан кечган — қиз дилдорлик берса лабидан бир муччи оламан деган ниятидан воз кечди. Қияда Назиранинг қўлидан тутар, шунда иссиқ, жудаям иссиқ тафтни туяра, лекин қиз сал текисроқ жойда дарҳол қўлини тортиб оларди.

Асфальт йўлда уч нафар аскар боланинг елим челақларда замбуруғ ва қўзиқорин сотиш учун йўл бўйига чиқиб турганини кўришди.

Ширинкул аскар бола билан савдолашиб бир челақ қўзиқорин сотиб олди.

Автобус ёнида аллақачон кўрпача ва одёллар тўшалиб жой ҳозирланган. Маҳкам ака ўчоққа гуриллатиб олов ёқаётган эди.

Машхура опа буларни кўриб пичингга ўтди:

— Келин-куёвлардай жа-а хилватларда қолиб, а?.. Бу ёғи тинчликми ишқилиб?

— Хотиржам бўлинг, ҳаммаси яхши, ёш боламидим, — деди Ширинкул.

* * *

Ширинкул идорада Назирага овунадиган бўлиб қолди. Компьютер ёнига келиб атайлаб китоблар хатосини тепасида туриб тўғирлатар, баъзан бутун-бутун матнларни айтиб туриб ёздирарди. Шу сабаб унга қандай яқинлашиб бораётганини ҳам ўзи сезмай қолди. Назира ҳам бора-бора бунга кўникди. У Ширинкулга китоблар бериб турар, ушбу китобларда кўпинча ичкилик қораланади. "Қиёмат аломатлари" деган китобни ўқиб унинг тепа сочи тикка бўлиб кетди. Баъзида худди эрига қилган каби "ичмасангиз бўлмаймиди шуни?" дея маломат қилиб қолар, сўнг отасининг ичкилик туфайли буткул одамгарчиликдан айрилганини мисол қилиб айтарди. Булар маъқул, лекин ёш қизнинг, ўзидан қарийб ўн тўрт ёш катта одамга "жаноб Ҳақ субҳонаху ва таоло ўз шарифи каломида таъкидлаганидек" дея амру маъруф айлаб қолиши ғалати эди.

— Биламан, бу нарсаларни ўқиганман, — дерди йигит.

Ўша тоғ сайрида ҳам Ширинкулга "бир қултум ичсангиз, мен билан гаплашмайсиз" дея шарт қўйган эди. Ширинкул ҳам одобли болалардек бу талабни бекаму кўст адо этди.

Уй эса зимистондан зимистон эди. Пардалар, кийим-кечак, супурги, идиш-товоқ, ошхона—бари, Мағфиратнинг отини айтиб чақиргандек бўлаверарди. Ўтган қирқ кун қирқ йилдан ҳам зиёддек эди. Фирдавсни эркалашни хуш кўрарди. Ишдан келиб у билан бир зум ўйнаса ҳордиғи чиқиб кетарди. Ўғли нуқул у айтган ишнинг тескарисини қиларди, бунга сари отанинг завқи ошаверар, баъзан болани жеркиб берса, у сира кечирмай қоларди, ҳатто эртаси куни ҳам оёғига кўрсатиб "дадам мани уйди" деб йиғлаб юбораверарди. Мана шу эркалик, эркалатишлар ҳам энди арзанда.

Ширинқул негадир юрагининг туб-тубида бари бир Мағфират қайтиб келади деб ишонарди. Бутунлай воз кечиб кетишга иродаси етмайди ёки мендан бошқаси билан яшашни тасаввур қилолмайди деб ўйларди. Ўзи ҳам ундан бошқаси билан яшаёлмасам керак дерди.

"Ҳозир акасиникидамикан. Болалар билан қандай сибиг юрган экан ё қишлоққа кетганмикан? Ҳозир ўғлим нима шўхлик қилаётган бўлса, қизим-чи? Мағфират дераза олдиға бориб мени ўйлаётган чиқар, кутаётганмикан? Ё бирорта эркакни топиб олганмикан? Тавба қилдим, шунақа бўлиши ҳам мумкинми? Бева хотиннинг орқасидан юрадиган чиқади бари бир. Қипчоқда бекорчи кўп. Ишсизлар ҳам, пулдорлар ҳам кўп. Бирорта пулдори кўнглини топиб ўйнатиб юрган бўлса-чи? Ўйнатиб ҳам ўйнашиб... Йўқ, бундай қилмаса керак. У мендан бошқаси билан тўшакка киролмайди. Ўзим ҳам негадир ундан бошқаси билан ётолмасам керак. Нега шундай? Дуо қилдирмаганмикан? Йўқ, ўзи шу нарса менга ёқмаса керак. Талабаликда дўстларнинг қизиқтириши билан бир фоҳишага дуч бўлгандим. Кўп ўтмай касалликка чалиндим. Яширинча даволаниб тузалгунимча нақ она сутим оғзимга келган, бор будимдан айрилиб қарийб яланғоч қолганман. Шу боис кимки бегона аёл бўлса, касал деб ўйлайман. Ифлос ва сассиқ туюлаверади. Фақат Назира... У намозхон-да, тоза. Лекин хотин бўла оладими? Босиқ, кўп қийинчилик кўрган, лекин нимасидир енгил туюлади. У— Мағфират эмас. Акслиги бўлса ҳам Мағфиратим яхши. Агар яхши кийиниб олса қомати ҳамманикидан зўр. Кўнгли ийса ҳамма айтганингни бажаради. Бадани ҳам топ-тоза, ўзига қараб юрса бўлди, ўпсанг ҳам ёқимли ҳиди бор, эҳ, қани ўша Мағфират?! Энди йўқ, йўқ, йўқ. Даҳшат! Агар биров билан юриб кетса сўяман!

Ўлиптими, болаларига меҳрибончилик қилиб, қараб акасинида юргандир. Акаси сигдирармикан? Қипчоқ ҳам шаҳардай гап: бир эшикдан кириб чиқавергандан кейин ёқмай қоласан тез кунда. Ҳа, туғишганингни ҳам ёқтирмай қоласан. Мана, ўзингдан қиёс, бошқалар ҳам шундай-да. Ё қишлоққа жўнатиб юбордимикан? Қишлоқда эса тез гап бўлиб кетади. Ажрашипти деган гап аёлга, яхшими? Шунинг учун бу нарсани яширишга уринишади, бир-икки кун туриб қолса ҳам ажрашган, деб қолганини тўқиб-бичиб ташлашади. Йў-ўқ, қишлоққа кетмагандир. Қипчоққа бир бориб пойлаб келсаммикан? Қандай қилиб пойлайман? Кўриб қолади, кўрса ялиниб келди деб ўйлайди. Шу-у, қайсарлиги бор-да. Бошқа томони яхши. Бари бир бораман. Ҳамма айб ўзимда".

* * *

Одатдагидай уйни саранжом-саришта қилди, енгил кийимларини ювиб дорга илди. Ишга бориб бир икки кун келолмайман, деб тайинлаб келмоқчи бўлди. Эртароқ борган экан, Назирадан бошқа ҳеч ким келмабди. Қиз ҳар сафаргидай "Ассалому алайкум" дея қўлини кўксига қўйиб ўрнидан турди.

— Ҳар куни шундай эрта келасанми? — деб сўради Ширинқул.

— Ҳа, деярли ҳар куни. Ҳеч ким йўқлигида оромида ишлайман.

— Бўлмаса халақит берибман-да?

— Нимага уннок деёпсиз?

— Балки халақит бергандирман деб ўйладим-да.

— Ширинқул ака...

Қиз ерга қараб турарди.

— Бир нима демоқчимидинг, — деди Ширинқул гўё эътиборсиздай. Аммо бир жуда муҳим гап айтмоқчилигини англади, негадир ич-ичидан "ўша сўзни айтмасин-да" деб ялингандай бўлди.

— Кир киймингиз бўлса менга келтириб берсайиз, овқатдан ҳам қийналаётгандирсиз...

— Йўқ, қийналганим йўқ. Қайтамга яхши, курсоғимга лойиқ нарса еяпман. Кир ювиш бўлса менинг ҳоббим, физкультура-да, маза. Бизнинг кирларни кўтариб юрсанг Машҳура опа нима деркин?

— Билмасам...

— Мавриди бўлганда бир тонна кир қилиб уйиб кўярман, ўшанда уйга бориб ювиб берарсан балки.

Бу гапда илмоқли фикр ҳам борлигини ўйлаб:

— Балки бирорта дугонангни ҳашарга оборарсан, — деб қўйди.

— Тушимда сиз оқ от минибсиз, хайрлик бўлса керак, — деди Назира.

— Эгарланганмиди от? — деб сўради Ширинқул бирдан ҳовлиқиб.

— Эгарланган эди...

— Асов эмасаканми, ирғишлаб устидан тушириб ташламадими аканг қарагайни?

— Ажойибсиз-а...

Назира Ширинқулдаги шу кўтаринкиликни ёқтирарди. Шу боис у кучли одам, ҳар қандай дард ва аччиқ қисматни шундай баланд руҳ билан енгиб ўта олади деб ишонарди.

— Бир ҳафта иш билан икки-уч кунга даф бўлмоқчиман, келгунимча идорада назорат ўрнатиб турасан, хўпми? Тагин ўзинг йигит-пигитларга шилқимлик қилиб юрма, хафа бўламан. Чунки сен яхши қизсан, ҳадеб бундай шилқимлик қилиш сенга ярашмайди.

Қиз гарчи булар ҳазиллигини билсаям жўрттага жиддийлашди:

— Шилқимлигимни кўриб эдингизми?

— Кўрмаганман, кўрмайин ҳам дейман-да.

— Оллоҳ асрасин! Қўйинг, ман муннок ҳазилларни кўтаролмайман.

— Унда яхши, мен сени кечирдим.

Ширинқул "кечирасан, синглим, дилингни оғритиб қўйдим" дегани эди бу, тескарисини гапирди, холос. Лекин Назира бу ҳазилни мутлақо тушунмади.

* * *

Йўл бўйи "қандай кутиб оларкин?" деган хаёл уни тарк этмади. Бир гап бўлар, пешонада борини кўрарман, деб мошинасини босиб кетаверди. Кўз ўнгида ўғли, қизи жонланди. Совға олиб бормаса ноқулай бўлишини сезиб дўкандан ҳар хил шиинликлар, Янгийўл атрофида йўлдан икки кило қулупнай ҳам олволди. Йўл узок, хаёл суриб кетди. Мағфират билан биринчи учрашув, унинг тортинчоқлиги, чиройли экани, ўзи бўлди, шунга уйланаман, дея тез қарорга келгани...

Янгаси курғур ёмон таранг қилар эди-да. Чақириб бериш учун ҳам аввал бир нимангни олиб, кейин яна девор орқасидан пойлаб турарди. Мағфиратнинг ақл-фаросати, билими ўқиган қизларникидан қолишмасди. Биринчи сафар девор орқасида туриб гаплашган, кейингисиде эса "келсангиз, кундуз куни келинг, кечаси учрашувга чиқмайман", деган. Кейингиларида бирмунча



мослашган, аммо зинҳор сой бўйидаги теракзор ичида учрашишга рози бўлмаган. Ширинқул саккиз чақирим келадиган қишлоғидан одатда кечқурун, акасининг могоциклда келарди учрашувга. Бир гал энди мактабга бораётган синглисини олиб келган, у янгисини бир кўрай деб хархаша қилган эди. Синглиси Мағфиратнинг синглиси билан ўйнаб овуниб қолганида биринчи марта узоқ гаплашган ва... қизнинг гарчанд қаршилигига қарамай ўшган эди.

— Шу ёшга кириб нимага уйланмай юрибсиз?

Йигит йигирма олтига кирган эди.

— Сиздайини тополмадим-да.

— Биздан зўрлари шаҳарда кўп-ку, ҳам ўқиган улар?

— Аёлнинг ўқимагани яхши. Ўқиса эшганлаб кетади.

— Вой, нега эшганлайди?

— Шаҳар кўрган эчидан кўрк, деган гап бор-ку.

— Мени отам ўқишга жўнатмади. Кириб кетардим.

Энг аълочи бўлмасам билимимга ишонардим.

— Балки кечкига кириб ўқирсиз, кўраимиз.

— Ўқитасизми? Отамнинг қўли калталиқ қилмаганида-ку...

— Афеус қилманг, Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлади. Биз ҳам унча ошиб-тошиб кетмаганмиз.

Ёз чиққанда тўй бўлган. Ширинқул уни қаттиқроқ яхши кўриб қолган эди. Бир йилча ҳар шанба қишлоққа қатнади. Йўлдан безор бўлиб кетди. Яқин жой бўлса экан. Онаси ҳам негадир опкет келинни, квартирада бўлсаям амаллаб яшаб турарсизлар, демаган. Мағфират ҳам энамнинг хизматини қилай, ҳадеганда шаҳарга қочиб кетмай, дерди. Биринчи фарзанди қиз бўлди. Мақсуда эмаклаб, дастурхоннинг ағдар-тўнтарини чиқарадиган бўлганда Ширинқул уларни шаҳарга олиб кетди. Иккинчи фарзандга ҳомиладор бўлганида Худо ярлақаб уйли бўлишди. Хотинини ўқишга киритиш ҳақидаги гаплар эсидан ҳам чиқиб кетди. Бола билан ўқиб бўларканми? Миядаги бор билимни шулар қоқиб қўлига бериши.

Эшикни акасининг қизи очди. Акаси уйида йўқ экан. Ширинқул "Мағфират опангни чақир бўлмасам," деди. Анча фурсатдан кейин акасининг хотини кўриниш берди.

— Ҳа, куёвтўра, нима гап?

— Келдик.

— Хотин, бола-чақа энди керак бўлдими? Қилгиликни қилиб қўйиб?..

— Уйдами?

— Тешик кулча ерда ётармиди, эрга бердик сингилжонни...

— Йўғ-э-э, ҳазиллашманг.

— Сизга ўхшаган бир бойвачча топилиб эди, бердик.

— Жиддий гапиряпсизми?

— Бўлмаса нима? Талоқни бергандан кейин у кимники бўларди, бировга бериш керак-да.

— Янга, уйингизга кирсак бўладими?

— Йўқ, бўлмайди, энди янги куёв киради бу уйга.

— Ҳеч бўлмаса бир оғиз гаплаштирайсизми, кўриштирайсизми?

Янгасининг кўзлари пирпираб, ёноқлари учиб ўшқаришга тайёрланди.

— Жигит деган шундай бўлама? Икки ой боланинг, хотиннинг аҳволдан хабар омайми? Энди мудгор бўгани неси?

— Янгажон... — Янга эшикни қарсиллатиб ёпди. Ичкарига қарганиб кириб кетди. "Жигит ўлгур-ей буйтиб журганча" деганини эшитди.

"Қаерда бўлиши мумкин? Ҳеч бўлмаса қизим ҳам чиқмади-я. Наҳотки янга айтганидай... Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Қизимни, ўғлимни бировга фарзанд қилиб бериб қўймайман!" Кун бўйи шу жойларда тентиради. Машинасини юргизди, ўчирди; юриб қаради, туриб

қаради, истагани топилмади. Кўрғон марказида кафелар кўпайибди. Ҳар хил мусиқалар янграб, ёш-яланг кириб-чиқиб турибди. Кимлардир дарахт соясида пиво симиromoқда. Ширинқул ҳам тўйиб-тўйиб пиво ичсамми деб ўйлади. Аммо ичидан ўтаётганини бу ҳам босолмаслигини билиб турарди. Аста, бемажол машинага ўтириб ўт олдириди. Қўл телефонини олиб Мағфиратнинг акасиникига кўнгироқ қилиб кўрди. Тагин бояги қизча олиб ойисини чақиргани кетди. Фойдаси бўлмагач, машинага газ босди. Илгари чўл қурилиши бўлган идоранинг олдидан ўтди. "Нексия"лар қаторлашиб турибди. Бу ерда ҳам кафе очилибди. Иккита қориндор киши кабоб билан кўшиб ароқ ичиб ўтиришибди. Шуларга ўхшаганлар Мағфиратни илтинтирдимикан, деган ўйга борди ва бирдан юраги "шиғ" этиб кетди.

"Булар фйлос одамлар: пул топади, пулига машаат қилади. Хотинбозлик қилади. Бу — аниқ. Хотин эмас, ўйнаш керак буларга. Мағфиратга кўзи тушса, эридан ажраб келиб ўтирганини билса, тинч қўймайди. Бир нарсалар олиб бериб, ё хотин қиламан деб, майишатини қилади-да, сўнг туфлаб ташлайди, кейин итмисан деб ҳам қарамайди, сўнг бошқасини илтинтиради. Мағфират ҳам шуларга учиб... Уф-ф, ундок эмасдир-ов. Мағфират шунақа аёлмиди? Йўқ, унақа эмас".

Шу ўй-хаёл билан қатта кўчага чиқиб кетганини ўзи ҳам сезмади. Қаёққа юрсин: Тошкентгами, қишлоққами?" Иккиланиб, каловланиб турганида Гулистон томондан бир "Нексия" келиб секин Қипчоқ томонга қайрилди. Бир мешқорин киши, ёнида хотини ҳам бор. Ширинқулга у Мағфиратга ўхшаб кўриниб кетди. "Мағфиратмас" деди у ўзига ўзи. Мағфиратмас, Мағфиратмас!" Ишонқирамай унинг орқасидан юрмоқчи бўлди. Пича юриб фикридан қайтди. "Нексия" ҳам юриши тезлашиб кўздан гойиб бўлди.

Бир қарорга келиб-келмай қишлоқ томонга ҳайдади. "Отасиникига кетгандир" деган илжи бор эди. Куёш ҳам қизариб бораётган уфқ ортида ўйланиб туриб қолган, гўё у ҳам бу ҳолдан ҳайрон, тоғлар ортига ботиб кетиш эсидан чиқиб кетгандек эди. Қишлоққача кам деганда етмиш чақирим бор, етгунча қоронғи ҳам тушиб қолади. Қоронғида юришни ёқтирмайди, кўзига бир балолар кўрингандек ваҳимага тушаверади, йўлда чиққан одам ҳам қоп-қора девдек туюлаверади.

Қишлоқда чироқ йўқ, атроф зимистон эди. Ўзи шу: кейинги пайтларда қишлоқда икки ё уч соат чироқ беришади-да, хуфтон бўлмасдан ўчириб қўйишади. Одамлар ҳам кўникиб қолган бунга: мойчироқни ёқиб, ҳангома қилиб чойхўрлик қилиб ўтириверишади. Тош ва паҳса билан ўралган тор йўлга биргина машина сиғади. Йўлак тугаб қишлоққа чиққач, қия йўлдан ўнг томонга бирор чақирим юрилади. Ён тарафи тош девор билан тўсилган биринчи уй қайночасиники. Ёғоч тўсиқлар девор вазифасини ўтайди. Даставвал вовуллаган кўйи ит югуриб келди. Деразасидан ёруғ тушиб турган уйнинг олдидан гугурт ёнди. Кимдир оёғига пойабзал кийди чоғи. Машина ёруғининг рўпарасигача келди: қайночаси. Оқ иштон, устидан узун қора яктак ташлаб олган, соқол қўйибди, мўйлови оппоқ. Бобой бўлиш ҳам бир паслик иш экан-да. Кунни кеча мироб, қишлоқ бригадири бўлиб шовқин солиб юрарди. Ҳойнаҳой номозхон ҳам бўлиб қолган чиқар.

— Ҳа, куёв, келинг. Кучукдан кўрқяпсизми? Тушинг-тушинг.

Ширинқул бирор нарсани тусмол қилмоқчидай эшикни очиб тушди. Кўрққандай бўлиб, хавфсираб кўришди.

— Болларни опкелмадингизми? — деди қайночаси тўсиқларни бирин-кетин тушириб йўл очаркан.

— Ие, — деди Ширинқул беихтиёр ва гапнинг давомини айтолмай бош қашлади. Орқасига қайтди.

Машинанинг юкхонасини очиб шаҳардан олган меваларни олди.

Кайнотаси нукул невараларининг ҳолини сўради.

Ширинкул "ҳа яхши, яхши"дан нарига ўтолмади.

Демак, Мағфират бу ёқларга келмапти-да.

Кайнотаси негадир гап қўшмай хомуш, сирли-сирли тикилиб ўтирди. Ширинкул бир-икки пиёла чой ичиб уйга ўтай, уларниям кўрмаганимга анча бўлди, деб туриб олди. Кайнотаси "қуруқ оғиз кетманг, жуда бўлмаса тўртта тухум қовурсин", деб туриб олди. Ширинкул унамади. "Кеч бўлиб қолди" деб баҳона қилди.

— Майли бўлмаса, қуда-қудагайларга салом денг, — деди кайнотаси.

— Майли, яхши ўтирингизлар.

Кайнотаси эргашиб келган невараларини бораверинглар уйга деб ҳайдаб юборди-да, куёвига кифтлашди.

— Кампир билан икки-уч кундан бери қобоқ—тумшуклимиз, хижолат бўлманг, куёв. Ҳаётда ҳар нарса бўлтуради. Илгари елкаси қичиди шекилли деб бир-икки қамчи ташлаб турардим, энди ярашмай қолди. Лекин сиз Мағфиратни урманг, хўпми? Мен уни ўғилларимдан ҳам, қизларимдан ҳам яхши кўраман. Урсангиз мен хапа бўламан, кўклам кунлари бир опкелинг, маёпка қипкетасизлар.

Ширинкул уйга боргач янгасига тўшак солдирдию донг қотиб ухлаб қолди. Бошқалар ҳам ухлаб қолишган экан.

* * *

Онасининг келинлари ичида Мағфиратга алоҳида меҳри бор. Қизим қатори кўраман деб кўп айтган. Ҳатто тўйдан кейин қанча йиллар шаҳарга жўнатмай туриб олган.

Эрталаб ўғли ариқдан юз-кўлларини чайиб келгач:

— Тинчликми ўзи? — деб сўради.

— Тинчлик, — деди ўғли.

— Ростдан тинчликми, болам? — дея хавотирланиб яна сўради онаси.

— Туш-пуш кўрувдингизми? — деди бунга жавобан ўғил.

— Туш бўлса майли эди, тушдан ёмон гаплар юрипти, болам. Бирор гап бўлдим келинминам?

— Нима гаплар эшитдингиз ўзи?

— Ай, шу одамлар, хотинлар ундай-мундай гапириб ётишипти-да, элда гап жотома? Не қилдинг келинди?

— Гартак айтишдик. Пичагина юзини силаб ҳам қўйдим. Болларни олиб бир оз айланиб кел дедим, ака-пакасиникида бир-икки кун дам олиб, айланиб борарида, нима қилади бир ерда диққинафас бўлиб.

— Бир нарсани бошламаган бўлсанг-ку...

— Бундай келинингиздан айрилиб бўлармиди. Отам қаерда?

— Жаровулдаги катта бўлаларинг қизини чиқараётиб экан, ўта солиб келай, Ширинкул кетиб қолмасин, деб тайинлаб кетди.

— Вақтим зикроқ эди-да.

— Қарамасанг бўлмайди, қаттиқ тайинлади. Кеча қуруқ оғиз, оч қоринга ётиб қопсан. Акангнинг қизлари пидина териб келган, ҳозир чечанг пичак пишираман деб хамир ийлаяпти. Ҳеч қаерга кетмайсан.

Ҳовлидаги қўл ювгичнинг олдидаги бир парча ойнага қараб акаси соқол қиртишлаб ётипти.

— Уйга кириб чой-пой ичиб тур, ҳозир бораман, — деди у.

Ичига ялпиз солиб пиширилган пичакни чалобга ботириб урсанг ё ичига сарёғ эритиб туширсанг зап кетади-да. Ширинкул жуда очқаб кетганини туриб-туриб ҳис қилди. Ҳар гал келганида онаси юпқа пишириб

берарди. Ҳозир сой ва ариқ бўйларида ялпиз кўплиги учун невараларини эрталабдан уйғотиб, кўлига челақ бериб югуртирибди.

"Меҳрибонгина энажоним! Не аҳволда бўлсангизмани мени ўйлайсиз-а! Аслида невараларингиз, келинингиз билан келиб уч-тўрт кун юрсам қанчалик димоғиям чоғ бўларди. Афсус... Фақат кўп сўроққа тутаверманг, илтимос. Шундоқ ҳам ичгинам эзилиб кетаётир, эна!"

* * *

«Ўша кун кўп дакки эшитишимни билардим уйдагилардан. Отам, онам, айниқса акам обдон тузлайди деб ўйладим. Аммо негадир ҳеч бири менга дўқ ҳам урмади, писанда ҳам қилишмади. Афсус ва аттанг қилишди, энди нима қилмоқчисан, дейишди. Бундан кўра таёқ олиб урганларида минг марта яхшироқ бўларди, қилигимга яраша жазо олган бўлардим. Фақат синглим «агар шу янгамни қайтиб опкелмасангиз сиздан ака сифатида рози эмасман», деди ва йиғлади. Шундай гурбатли кайфиятим бўлмаганида икки-уч кун юрмоқчи эдим. Қишлоғим қандай кўркама бўлиб кетибди. Ҳаво, сув тоза, атроф кўклам куёшида яшнаб ётибди. Осмон шу қадар тиниқки, куёш чиққунча юлдузлар кўриниб туради.

Акам бир-ики кун турмайсанми, гаплар бор, деди. Мен унамадим. Чой ичгандан кейин мени районга ташлаб кўясан, деб машинага ўтириб олди. Талоқ масаласини ҳеч қайси билмас экан. Лекин акам эшитибди. Аёллар миш-мишни кўпайтириб юборишган чоғи.

— Чиндан "талоқ" дедингми? — деб сўради акам йўлда. Менинг индамаганимни кўриб: — Бекор қипсан, аттанг, — деди бошини чайқаб. — Айтиб қўяй, бундай келинни топиш қийин. Нимаси ёмон, айт-чи?

Яна индамадим.

— Ҳамма гап ўзингда, ука. Менга шундай туюляпти. Ичиб олиб ургандирсан. Қишлоққа келиб жўраларинг билан кўришиб қолсанг ҳам роса ичасан. Биз билан, ота-она билан ҳангома қилишни билмайсан. Жўра дегани нима: бирпас ўтириб улфатчилик қилишга-да у. Кейин устиндан кулиб юради. Ота-онаям қарияпти. Энди улар сенга хотин қидирмайди. Бўлар иш бўлган десанг, мен югуришим керак яна.

— Ака, бу масалада сизга юк бўлмайман. Тўғри, кўп айб ўзимда. Шунинг учун ўзимнинг мойимга қоврилаяпман. Бир оз вақт ўтсин энди. Келинингизнингам, менингам кўзимиз жойига келар.

— Сен талоқ деган нарсани тушунмайсан, шекилли?

— Тушунинишга-ку тушунаман, лекин...

Бу нарсани акам билан сирлашолмайман.

Отамнинг, онамнинг олдидаям худди одам ўлдиргандай аҳволга тушдим. Онам кўп ўпкалади, отам қудаларимиз яхши одамлар, тезроқ келинни опкетиб, ярашинглар, мен уларнинг кўзига қандай қарайман, тўй бор, маърака бор, деди.

Акамни райсабеснинг олдида ташладим-да, бу ёғига ўзим келдим. Бугдойзор ораси қизғалдоқдан гиламдай товланиб ётибди. Устига ётиб думалагинг келади. Бултур шу ерлардан болалар билан ётиб, туриб, гулларни кучоқлаб расмга тушган эдик.

Қайтаётганда яна Қипчоққа бурилдим. Қайноғамнинг кўчасига қайрилган жойда унинг қизи бир тўда қизлар билан кўчага бўр билан чизиб нимадир ўйнаётган экан. Мени кўриб бир оз тек туриб қолди. Машинадан тушган эдим, чопиб уйга кетиб қолди. Аммасини чақирар деб эшигининг тагида кутдим. Яна ўша аҳвол: ҳеч ким чиқмади.

Ўйлаб ўйимнинг тагига етолмайман: ўша давангирдай маишатхўрлардан биттасига тегиб кетдимикан? Мағфират-а?! Наҳотки бу иш шу қадар осон бўлса?



Мумкин эмас! У мендан бошқаси билан ҳам ётиши мумкинми? Йўқ, сира тасаввуримга сиғдирилмайман. Мендан буткул совиган бўлса-чи? Акаси, янгаси жеркийвериб, ҳеч қаёққа сиғмай қолиб сабр-бардоши тугаган бўлса-чи. Шундай бўлиши ҳам мумкин-ку!..

Бошим шишиб кетди. Ишга борсаммикан, бормасаммикан?"

* * *

— Назира, яна қандай тушлар кўряпсан?

— Кўп туш кўраман, лекин кўписи хаёлимга турмайди.

— Ширинкул мавзусидаги тушлардан йўқми?

Қиз ҳазилга бир зум тўхтаб, сўнг қиё қараб жилмайиб қўйишига ўртанади Ширинкул. Одамзоднинг бундай гўзал қилиқлари борлигини ўйлайди. Соф, тип-тиниқ бир туйғулар ҳам бор бу дунёда. Ширинкул бу қиз учун суянчиқ, юпанчми, халоскорми — ким? Ё бўлажак қайлиқмикан?

Ҳамма ташвишларию ҳозир юрагида кечираётган туйғуларини жамлаштириб бир қарорга келолмади. Унда биргина ният пайдо бўлди: шу қизнинг ёниб турган дудоқларидан қонгунча ўпиш. Аввал кўз олди бир жимирлаб кетди, сўнг нима бўлса бўлар деб секингина, деярли шивирлаб:

— Сени яхши кўриб кетдим, лабингдан ўпгим келяпти, — деди.

Қиз дув қизарди ва ишини ҳам тўхтатиб тескари ўгирилиб олди. Йигит курсисини унга яқинроқ суриб ўтирди. Қиз туриб кетди ва деразанинг оддига бориб ташқарига бемаъно тикилиб тураверди. Йигит унинг ўрнига компьютер қошига ўтириб олди-да, қизнинг ишини давом эттириб ўзи тера бошлади. Қиз секин, истар-истамас унинг ёнига келди ва :

— Қўйинг, ўзим ишламан, — деди.

Ширинкул ўрnidан кўзгалиб қаққайиб туриб қолди.

— Хафа бўлдингми? — деди.

— Гап хафагарчиликда эмас. Мен сизни акамдай кўраман. Мунноқ гаплариз оғир ботади.

— Кечирасан, — деди-да, йигит хонадан чиқиб кетди.

Кетаётиб ўпишимни рад қилгани учун ҳам бу қизни ҳурмат қилса арзийди деб ўйлади.

Шундан сўнг кўп вақт шу ҳақда ўйлаб юрди. Ўзининг унга боғлиқ қолаётганини сездди. Агар Мағфират билан тақдиримиз тескари кетган бўлса фақат Назирага оғиз соламан, намоз ўқинг деса намозхон бўлиб оламан, қайтанга тоза юраман, улфатлардан воз кечаман, деган қарорга ҳам келди. Аммо бу қарор муқим эмас, истакнинг хулосаси эди, холос. Хотин қўйган, икки болали эркакка боқира бир қизнинг хотин бўлиши ҳам шунчаки гап эмас. Боз устига турмуш сир-асрорларини бир бошдан тушунтириб, уқтириб боришинг керак. Ширинкул шу заҳоти Назирани қандай тўй қилиб опкелиш, тўйга нималар сарфлаш, қаерда ўтказиш керагу қанча машина жалб қилиш ҳақида ҳам ўйлаб қўйди. У ич-ичидан Назира менга рози бўлади деб ишонди.

Фақат Мағфират билан кечган ҳаёти, қизи ва ўғли ҳақида ўйлаганида зил тортар, буларни осонликча ташлаб кетолмаслигини яхши ҳис қиларди. Аммо нимадир чора топиш керак-ку.

Ишдан келган заҳоти "адажон" дея югуриб келиб бўйнига осилиб олувчи қизини эслади. Юраги тўлиқиб бораётганини ҳис этди. Негадир илгаридан, деярли талабалик давридан бошлаб турмуш ҳақида ўйлаганида нуқул шу нарса кўз ўнгида гавдаланарди: уйинг бўлса, ишдан келсанг, кирганингда қизинг қийқириб югуриб келса, юзингдан чўлпиллатиб ўпса, сўнг уни эркалатиб мевалар, ўйинчоқ берсанг, хотининг ҳам уйни

сарияталаб овқат пишириб кутиб ўтирган бўлса, "яхши ишлаб келдингизми, чарчамадингизми" деб кутиб олса...

Ҳаётда ҳам худди шу орзу қилгани бўлди. Худо уй, хотин ва эркалаш учун қиз берди. Ўғил орзу қилган эди, ўғил ҳам берди. Ният қилган иши, машина — ҳаммасига етишди.

Аммо нима жин тегдию...

Ҳаммасини қайтадан бошлаш оғир. Квартирама-квартира сарсон-саргардон бўлиб юришлар, ўқиш, амаллаб ишга жойлашиб олиш, бора-бора бир нималик бўлиш учун тинимсиз ҳаракатлар... ҳатто эсласи ҳам келмайди. Эслганда ўртоқлашадиган, сирлашадиган киминг бор ўзи? Яқин ўртоқлари, тез-тез келиб турувчи қариндошларининг ҳам оёғи узилди. Оиланг бўлмаса ростдан ҳам қариндошлар келмай қўяр экан. Дўстлар ҳам оилавий давраларга чақиритилган тийилиб қоларкан.

Бу туришда охири моховдай бўлиб қоламан шекилли, деб ўйлади.

* * *

Назира эртаси кундан бошлаб яна ундан мутлақо хафа эмасдай тутди ўзини: аввал қандай бўлса шундай гаплашиб кетди. Худди ҳеч нарса бўлмагандай. Қизнинг менда кўнгли бор, таклиф қилсам уйга ҳам боради, деб ўйлади Ширинкул.

Қиз ҳам бир-икки кун қовоғини солиб юрса яхши эдими? Шу туйғули бўлса керак, йигит қизни уйга таклиф қилишга журъат топди. Албатта, сабаби аён. Ширинкулнинг кир-пирларини чайиб бериши керак.

Иш йўқ куни, шанбада чошгоҳга томон келар бўлди Назира. Ширинкул ҳаммаёқни саранжом-сариятга қилиб қўйди. Қўшнилари нима деб ўйлашаркин, ишқилиб биронта талаба қариндошлар келиб қолмасин деб саросимага тушарди. Назира айтган вақтида, соат ўн бирларда кириб келди. Бирорта дугона-пуғонасини ҳам эргаштирмабди. Улар бошқа хаёлга бормасин деб чўчиганини айтди. Назира кириб бирров катта одамлар сингари ният қилиб дуо ўқиди. Сўнг кетма-кет кекира бошлади.

— Сизда кинна бор, — деди.

— Киннаси нима экан?

— Назарлангансиз...

— Тавба, сендан бошқа ким ҳам назар соларди?

— Яхши муллага бир ўқитиб юборинг.

— Хўп, яхши мулла бормикан ўзи? Балки ўзинг ўқиб қўярсан?

— Дуосини биламан, лекин аёл кишиники эм бўлармикан?

— Аёлмас, қиз боласан-ку, сеники эм бўлади.

Назира "Аъзу биллаҳи минашайтонир-рожийм, бисмиллаҳир роҳманир роҳийм" деди-да, пичирлаб бир нималарни ўқий кетди. Уч марта Ширинкулнинг елкасига қоқди, бошини сиқди. Ростдан ҳам йигит енгил торггандай бўлди. Негадир қиз энди эснай бошлади.

— Уйингизда дуо-пуо йўқмикан? — деб қўйди.

— Динда ирим йўқ деб эшитганман.

— Дуо ирим эмас, — деди қиз. — Бирортаси ёмонлик билан дуо қилиб ташлаб кетган бўлиши мумкин-да.

— Мабодо фолбин эмасмисан?

— Аллоҳ сақласин. Фол кўриш жину шайтонларнинг иши.

Қиз енгларини шимарди-да ванна томонга ўтди. Уй соҳибидан тоғора қаердалигини сўради. Ширинкул балкондан тоғорани опкелиб берди. Ҳеч ким пойламаяптмикан, деган ўйда пастга бир қараб ҳам қўйди.

— Хоҳласанг, кир мошин бор балконда. Унга солсанг ҳам бўлади.

— Йўқ, қўлда ювақоламан. Уни ишлатишним балмайман.

— Тўғри, мен ҳам ишлатолмайман.

Ширинкул ошхонага ўтиб бир нечта картошка ва пиёз арчиди. Ўзи билган овқати — гўшт билан картошкани қовурмоқчи эди. Пиёзни тўғраб бўлиб гўшт кесаётганида Назира чиқиб келди.

— Нимага овора бўляпсиз?

— Меҳмонга зиёфат, — деди Ширинкул.

— Ширинкул ака, кўйинг, менинг қорним тўк, бир нима емоқчи бўлсангиз ўзим пишириб бераман.

— Энди меҳмонни ҳар томонлама эксплуатация қилиб юбормайлик-да.

— Шу-у, ваннангизда бир нима бор, — деди Назира Ширинкулнинг гапига эътибор бермай.

— Қаёқдан билақолдинг, фол очмайман дединг-ку?

— Ваннангизнинг шифтига ўзингиз ҳам бир қаранг-да.

Ширинкул беихтиёр ўрнидан учиб турди. Бориб ваннанинг шифтига разм солди.

— Йўқ-ку ҳеч нарса.

— Анави ёндаги икки кафел туташган жойни қаранг.

— Нима экан, газетми?

— Ўшани олинг-да.

— Ўзинг қўймадингми ишқилиб.

— Кўринг-чи, бўйим етарканми?

Ширинкул бир стул олиб келиб устига чиқиб қўл узатган эди, шундаям бўйи шифтга етмади. Тоғорани кирдан бўшатиб унияма тўнкариб стул устига қўйишга тўғри келди.

Эски, сарғайиб кетган газета парчаси кичкина қилиб ўралган, унинг устидан ип чатиб ташланган. Ширинкул секин ипни бўшатиб еча бошлади ва Назирага "очса бўлаверадими" дегандай қараб қўйди. Назиранинг икки кўзи топилдикда эди.

— Ерга қўйиб очинг, тўкилиб кетмасин яна.

Ширинкул секин ерга ўтириб, газетани ҳам полга қўйиб оча бошлади. Тариққа ўхшаган нимадир майда нарса, яна озроқ тупроқ, аёл сочи бўлса керак, бир тутам чалкашиб ётган соч ва бир-иккита тирноқ бор эди.

— Оббо азамат-эй, овора бўпти-да, — деди Ширинкул сир бой бермай.

Назира баттар эснай бошлади.

— Худди шу, — деди. — Дуои баъд.

Аслида Ширинкул энди чўчий бошлаган эди. Ким қилган бўлиши мумкин? Тирноқ, соч, тупроқ, тариқ — буларнинг маъноси нима бўлди? Эс-хаёли хотинида эди. Жаҳл устида ўша бир нарса қилган бўлса керак.

— Ким қилган бўлиши мумкин, Назира?

— Душманларингиз қилган, ким қиларди.

— Ким экан душманим?

— Ўзингизга маълум бўлса керак?

— Хотиним қилдимикан?

— Янгамуллода бундай одат бормиди? Ҳар қалай бу аввалдан қилинган бўлса керак: ишингиз ортга кетсин, оилангиз бузилсин деб қилинган.

Ширинкулнинг боши қотди, сескана бошлади, тагин ким қилган бўлиши мумкин деб ҳаммани бир-бир кўз ўнгидан ўтказиб чиқди. Ҳеч кимда тўхта олмади.

— Бунини нима қилиш керак? — деди охири.

— Оқаётган сувга оқишиб юборинг.

— Бўлдими шу билан?

— Сўнг ўзингизни бир ўқитиб ташлайсиз.

— Ҳозир оқаётган сувни қаёқдан топаман?

— Кейин ташлаб юборасиз.

Назира ҳафсала билан кир ювди. Сўнг уларни балкондаги дорга бирма-бир ёйиб чиқди. Энди ошхонага ўтиб овқатга унади. Ширинкул эса чўғнинг устида ўтиргандай ўтирарди. Гоҳ бориб телевизор кўради, гоҳ ошхонага киради. Мана бу дуо деган нарса ҳам дард устига

чипқондай уни безовта қилиб қўйди. Ора-сира шу қиздан ҳам бунақа амаллар чиқиши мумкин, деб ҳам ўйлаб қўярди. Бундай вақтда кимга ишонишингни ҳам билмай қоласан.

Назирани ўзининг хотини деб ҳам тасаввур қилиб кўрди. Балки шундай бўлгани тузукдир. Ҳаммасига қўл силташ керакдир. Бундай сиқилиб, эзилиб юргандан кўра хотиндан бир йўла воз кечган маъқул. Чунки орага совуқчилик тушиб бўлди, айтилар сўз ҳам айтилди. Паст тушиб орқасидан ҳам борди. Ундан дарак бўлмади. Ҳойнаҳой, бошқасига турмушга чиққандир.

Тақдирининг бу қадар кескин ўзгариб бораётганига у тушунмасди: на кўникишни, на чора кўришни биларди.

Шу каби Назирага уйланишгаям юраги дов бермасди. Ичидан нимадир шунга йўл қўймай, изн бермай турарди. Беқарор бир юрак.

Ошхонадаги хонтахта ёнида ўтириб Назирага хаёлчан текилиб қолди. "Тоғда кўрганымда оёқлари жуда бежирим, оппоқ, ялтироқ эди, ҳозир бошқачароқми, қанақадир суяклари бўртиб турибдими". Хотинининг оёғи жуда чиройли эди. Унақа оёқ ҳар қандай шаҳарликман, посонгман деганидаям йўқ, қўллари ҳам, юзи ҳам, қомати ҳам чиройли эди. Сочини бир турмак қилиб юриш унга қандай ярашарди. Ўпганинда оғзидан ёқимли ҳид чиқарди, баданини ҳиди ҳам ўзига таниш. У ҳид энди ёстиғидаям қолмаган. "Ҳозир шу қиз Мағфират бўлиб қолсаю югуриб бориб қучоқлаб олсанг, тўйгунингча ўпсанг, йиғласанг, ёлборсанг, энди хафа қилмасликка сўз бериб оёғига йиқилсанг".

Ўпкаси тўлиб, кўзларига гумбурлаб ёш тўлиб қолди.

— Қараманг, уйга кириб ўтириб туринг, — деди Назира ноқулай аҳволга тушиб. Ширинкулнинг кўзига кўзи тушгач эса бир хил бўлиб кетди. Яқинроқ келиб: — Йиғляпсизми? — деди.

— Йўқ, кўзимни пиёз ачитган бўлса керак.

— Алдаяпсиз. Янгамулло эсингизга тушди. Фарзандларингиз ширин, янгамуллониям жуда яхши кўрасиз. Менга қараб эслаб қолдингиз, келмасам бўларкан.

"Тавба бу қиз авлиёми ё фолбинми — ҳамма нарсани сезади-я".

Бу уйдан овқат ҳиди келмай қўйганига анча бўлган эди. Қовурилган гўшт ва ёғ ҳиди бошқача экан. Назира пиширган таомнинг мазали экани ҳидиданоқ сезилиб турарди. У овқатни товоқдан кичикроқ тарелкага буғини чиқариб опкелиб қўйди. Сўнг чой дамлаб келди.

— Ўтир, — деди Ширинкул. Ўзининг гап оҳангига эътибор берса, худди хотинига буйруқ берган каби жуда табиий айтибди шу гапни. Аммо қиз ҳалеганда ўтирайд дедимасди. Охири ўтирди.

— Нима бало, овқат совиса мазаси қочади, ҳеч ўтиргинг келмайди.

— Мана, ўтирдим, бошланг.

Ширинкул картошканинг бир четидан ушоқдан каттароқ қисмини олиб ташлади — ирим қилди. Сўнг "бисмилло" деб бошлади.

Қиз нимадир деб юзига фотиҳа тортди.

— Тушунмадим, нима деб дуо қилдинг?

— Шу таом тоатимга қувват, иймонимга нур бўлсин деб сўрадим.

— Оллоҳ сендан рози бўлсин, — деди Ширинкул жиддий.

— Раҳмат, айтганингиз келсин.

Назира чой қуйиб узатди. Ширинкул уни ерга қўймаёқ оғзига олиб ҳўпламоқчи эди, Назира тўхтади:

— Бир-икки томчи тўкиб ташланг. Шунда менинг дуоим сизга ўтмайди.

Ширинкул хушёр тортди.

— Шунақа одат борми?

— Айтаман-да, шунақа гап бор: дуо солинган



чойдан бир миқдорини овқатдан ҳам пичасини олиб ташлаб юборсангиз дуонинг таъсири бўлмайди, деб эшитганман.

Ширинқул шу иримга ўзича ишонарди.

Ишхонасида бир вақтлар устоз бўлган одам иримчироқ эди: сира чойнинг биринчи пиёласини ўзи ичмас, бир-икки томчи тўкиб юборар, овқатдан ҳам бир чимдим олиб ташлашини кўп кўрган. Шу нарса унга юққан. Аммо ҳадеб бунга амал қилавермайди. Дуо масаласи кун тартибига чиққандан сўнг шуни ўйлаб бир миқдорини қошиқ билан олиб ташлаган эди, Назира синчковлик билан кузатиб турган экан. Уялиб кетди.

— Бай-бай, жуда ширин бўпти овқатинг, қўлинг дард кўрмасин.

— Ош бўлсин.

— Ол ўзинг ҳам, лекин пичасини олиб ташлаб юбор.

— Нега?

— Чунки мен сени дуо қилиб ўзимга иситиб олаётган бўлмайин тагин.

— Шундоқ ҳам ўзингиз иссиқ одамсиз, дуо шарт эмас.

Ширинқул бунини дилдорлик бериш деб тушунди ва ичида бир ийиб қўйди.

— Ажойибсан-да, Назира.

— Тухмат қилманг, ўзингиз ажойибсиз.

— Овқатдан ол, бўлмаса ҳозир...

— Урмасангиз керак меҳмонни?

— Ураман...

— Бўлди, унда қочиб кетаман.

Шундай дея қиз ростакамига қошиқни дастурхоннинг бир четига қўйиб қўйди.

Аммо унинг жиддий гапирётгани юз-кўзидан билиниб турарди.

— Энди ростдан ҳам ураман.

— Иби, ака, нима қилопсиз?

Ширинқул тезда хонтахтани четлаб ўтиб уни кучоқлаб олди.

— Иби, бақираман ҳозир.

— Аввал уриб бўлай, кейин...

Қиз бола эмасми, титроқ босарди уни.

— Қўйиб юборинг, кетаман.

— Кетмайсан, бир умр қоласан шу ерда.

Ширинқул ўпмоқчи эди, қиз унинг иягига тирсагини тираб туриб олди. Кучи етмагач, йигитнинг оғзини бекитди, шунда ҳам бўлмагач, ўзининг юзини тўсди. Аммо кучи етмади...

Аввал юзини у ён-бу ёнга ўгириб олиб қочди. Сўнг чарчадими ё хатти-ҳаракатлари бефойдалигига кўзи етдими, индамай қолди. Бундан фойдаланган йигит уни даст кўтариб уйдаги диваннинг устига олиб бориб ётқизди. Чирмашиб ўпаверди. Охири чарчади.

Қиз:

— Энди нима бўлади? — деб унга термулди.

— Зўр бўлади.

Кутилмаганда қиз унинг юзидан ўзи ўпич олди.

Бу йигитга яна куч берди. Босиб ўпиб, сўнг қизни ечинтиришга тушди.

— Вой акажон, вой, онажон, ўзимни ўлдираман ҳозир...

Ширинқул эс-ҳушини йиғиб олди. Бари бир ҳаяжонда эди. Қизни анчагача эркалаб ётди...

* * *

"Синфдошим Олқор калта ўтган кузда Тошкентга пул топиш учун келиб бизниқанда бир ойдан кўпроқ турди. Тоза жонимга тегди. Жуда уйқучи, кундузи мардикор бозорига чиқиб кетиб, кечқурун ўлардай чарчаб келади. Бир-иккита нон кўтариб келса дейман, буям майли,

сира оёғини ювмайди, сасигандан сасийди-ей, одамнинг кўнгиллари айниб кетади. Хотиним жирканиб балкондан жой солиб беради. Йигит кеч туради. Тургандан кейин хотиним балконнинг ҳамма деразаларини очиб қўйиб утини шамоллатади. Бўлмаса уйда туриб бўлмай қолади. Баъзан ўзим судраб уйготаман. "Бизнинг томонларда хотинни бегона эркак билан қолдирмайдилар, эр йўқ уйга бегонани киритмайдилар, тур, жўна" дейман. Хафа бўлади. Туриб чой ҳам ичмай жўнаб қолади мардикор бозорга. Ичиб олса айниди. Кетиб қолган хотинини эслаб йиғлайди, сен бахтлisan, бахтлisan, бахтлisan, деб кўзлари сузилиб хотинимга қарайверади. Охири пайтларда менга ҳайдовчилик гувоҳномаси оберасан, шопирингни бўшатиб мени ишга оласан, деган талаб қўя бошлади. Буниси энди тоза ошиб тушди. Келганда келдингми, кетганда кетдингми, демай қўйдим. Охири кетди. Бир марта келди-ю, кўзлари аланг-жаланг ўғрига ўхшаб кириб-чиқиб юрди, бошқа қорасини кўрсатмади.

У чақалоқлигида жуда кичкина бўлган, онаси телпакка солиб катта қилган экан. Кузда янтоқ чопар маҳали онаси янтоқнинг соясига ётқизиб дастага суяб қўяр экан. Ана ўлади, мана ўлади билан катта бўлган экан. Катта бўлганидаям паканалигича қолди. Шу боис биз уни "Олқор калта" деб кетдик. У синфимизнинг қолоқ, мишириғи оққан, бўш-баёв ўқувчиларидан эди. Катта бўлганда эса зикна, пишиқ, ўзидан бошқасини ўйламайдиган одамга айланди. Ҳеч жойда ўқимади. Иш йўқ. Уйланди. Хотини кетиб қолди.

Назира айтган Сулув фолбинга борганимда Олқорнинг сифатларини айтди: ўртоғингиз, бўйи пак пакана, кўккўз, чаққон йигит. Шу қилган дуони. Қайтарма қилдириб ташланг...

Дуокаш мулланиям Назира айтди: Шопойизнинг ичкарироқ маҳалласида турадиган, тожик шевали, кекса бир чол экан. Уч кун қатнаб ўқитдим. Анча енгилман, бошимдан туман кўтарилгандай".

* * *

Назира йигитнинг энг яқин сирдоши эди. Ширинқул гарчи унга ўз махрамидай, тортинмай муомала қилса-да, негадир бари бир хотин бўлишини кўз олдига келтиролмасди. Қиз эса бутунлай унга боғланиб қолди. Аксига олиб Ширинқулда қизга нисбатан севги аломатлари кўринмас эди. Назирага дўст, эркак жўрадай гапирадиган бўлиб қолди. Қизга шуниси ҳам ёқиб тушар, назарида Ширинқул энди хотини билан бутунлай узилишган, ришталарни қайта боғлашга ҳаракат ҳам қилмасди, бу кайфият қизда умид учқунларини ёлқинлантирди. У Ширинқулдай одамга турмушга чиқишга мингдан-миг рози, балким хоҳлар, хатти-ҳаракатлари билан бу хоҳишини сездириб-сездириб, йигитнинг турмушига дахлдорлигини билдириб, у учун куйиниб юрарди. Хоҳлар эдики, ҳаётнинг муҳим нуқталарида менга суянса, шунда мен ишончини оқлаб хизмат қилсам, кейин бутунлай боғланиб қолиб бошқалар ҳақида ўйламай қўйса...

Қизнинг мўрт, нотаован кўнгли шуни тиларди.

* * *

Назира йигитнинг уйига бориб кир ювиб... келганига беш кун бўлган эди. Ширинқул ишга отланаётганида қўл телефони жиринглади. Қараб туриб қайноғасининг уйидан бўлаётганини номеридан билди. Тугмасини энди босиб қулоғига тутган эди, ўчиб қолди. Ўтириб кутди. Кутаверди. Туфлисини кийиб эшикдан чиққанида уй телефони босиб-босиб жиринглайверди. Юраги чндамай эшикни очиб кириб гўшакни олди. Ҳеч ким индамади. Энди қўяман деб турганида, ингичка овоз эшитилиб қолди:

- Адажон!.. Мақсу!..
- Алло, алло, қизим... гапир, нимага гапирмайсан?
- Адажон, сизни соғиндим...
- Менам соғиндим, Мақсуда, келмайсанми?

Ойинг қани, чақир.

Яна алоқа узилди. Ярим соатча остонада бетоқат кутди. Бошқа телефон бўлмади. Эртага Навойига хизмат сафарига жўнаши керак. Йўлда тушиб ўтсамми Қипчоққа, деб режа туза бошлади. Машинага чиққанида Аваз телефон қилди:

- Ишга келасизми? Тезроқ келинг, гаплар бор.

Идора остонасини қатлар-қатламас Назира рўпара бўлди.

— Аваз акага киринг, мана бундай янгилик эшитасиз!

У қўлини "михдай" қилиб кўрсатди.

- Наҳотки, нима гап?

- Кириг, ўзларидан эшитасиз.

Аваз унинг қўлини ҳар доимгидан бардам ушлаб, сиқиб кўришди.

— Ўзи бу кресло сизга аталган, дўстим! Бугундан бошлаб ўзингиз ўтиринг.

- Йў-йў, нима гап ўзи?

— Хўжайинга аввал ҳам икки марта кириб: "Ширинқул ҳар томонлама эзилди юрибди, оиласиям бундай бўлди, жойига ўтирсин" деб илтимос қилган эдим. Илтимосимни ниҳоят, бугун қондирди. Ариза бердим, қўл кўйди.

- Ноқулай-ку. Ўзингиз...

— Мени ўйламанг. Ишларга қўлдан келганча ёрдам бераман. Бошқа яхши таклиф ҳам чиқиб турган эди, бу ер бегона бўлмасин деб, сизни ўйлаб унамаган эдим. Биров, бегона келиб қолмасин девдим. Мана, вақти-соати бор экан-да ўзи. Битта ариза ёзиб, хўжайинга ўзингиз кирсангиз ҳам бўлади. Бўлмаса мен...

- Ишлайверсангиз бўларди-да, ўрганиб қолувдим.

— Бу гап ортиқча. Ўзимга ноқулай бўлиб юрувди, елкамдан тоғ қулагандай бўлди. Сиз бу ерга ўргангансиз.

Ширинқул бундай бўлишини ҳали-вери кутмаган эди. Авазнинг эртароқ келинг дейишидан бошқа янгилик кутгани, Мағфират унга телефон қилиб бирор нарса деганмикан, деб ўйлаганди. Шу боис ҳозирги янгилик янгиликдай туюлмади: на қувонди, на хафа бўлди, қайтанга Авазнинг қаршисидан бир оз хижолат чекди.

Хонасига кириб эшикни ёпмасидан Назира қушдай чиб кирди. Кўзлари порлаб йигитнинг юзидан "чўлп" этказиб ўпиб олди. Унинг хомушлигини кўриб:

- Нима бўлди ўзи? — деб сўради.

- Ҳеч нима.

— Қанақасига? Эрталабдан дув-дув гап-сўз. Аваз ака ариза берибди, директор яна Ширинқул акани кўйибди, деб. Унақа бўлмадими?

- Нима аҳамияти бор бунинг?

— Вой, сизга аҳамияти йўқми? Мен... анов кунги дуони олдиргандан кейинги омадингиз деб ўйлаб эдим. Мана, кўрасиз, ҳали яна омадингиз чопади. Мени айтди дейсиз.

- Туш кўрдингми?

- Энди-да...

- Кўрган бўлсанг айт.

Йигит қизнинг юзидан секингина ўпиб қўйди.

— Эрталаб қизим телефон қилувди, — деди хўрсиниб. — Нимагадир ўчиб қолди.

- Ана, буям омад.

— Шунинг орқасидан бир янгилик эшитаманми деб ўйлагандим. Иш эса бўлаверади-да, бир кун ундоқ, бир кун бундоқ — энди бир жойга ҳоким бўлармидик.

- Ҳали бахтли бўлиб кетасиз.

- Шундай деб ўйлайсанми?

- Албатта.

- Кошкийди...

Ширинқул қизининг телефон қилгани хабаридан Назира хафа ё хурсандлигини англаёлмади. Қиз чиқиб кетгач ўз ёғига ўзи қоврилиб қолаверди.

* * *

Эртаси куни ҳам, ундан кейинги кун ҳам Қипчоқдан телефон бўлмади. Ботиниб ўзи ҳам сим қоқмади. Ҳойнаҳой Мағфират борганини эшитган чиқар. Наҳотки ўзининг қаердалигини ҳам билдириб қўйгиси келмаса. Аёл киши ҳам шунақа қаттиқкўнгил бўладими? Ахир мен эркак бўлатуриб бордим-ку, йўқ, энди ўзи изласин, деган хаёл уни қамраб, бўйсундириб олди.

"Кечириб бўлмас гуноҳим нима: талоқми, миннатми? Мундай олганда икковиям бир-бирдан баттар. Мағфиратнинг "дунё шундоқ турурми?" деб йиғлаши, миннат қилганим учун эди. Юрак ҳам хун бўлиб кетди. Нега шу гапни айтдим-а? Айтмасам бўлмас эдими? Мана, дунёси хувилаб қолди.

Худо уриб бировга эрга чиққан бўлса-я...

Мағфиратнинг шундай қилишига кучи етармикин? Йў-ўқ, ҳеч ишонгим келмайди. Бировларга эрмак... Мағфират-а?! Ширинқулнинг хотини шундай қилиб юрибди деган гаплар чиқиб кетса-я?! Бундан кўра ўлиб кетаверган минг марта яхши-ку! Нима қилиш керак? Яна борсаммикан?.."

* * *

— Назира, нима деб ўйлайсан: борсамми, бормасамми?

— Ўзингиз биласиз. Лекин билиб қўйинг: у хотин энди сизники эмас, бошқа бировга эрга чиқиши керак.

- Унчаликмасдир-ов. Ҳеч йўл-йўриги йўқми?

- Аслида йўл йўқ...

— Тўғрику-я. Ўзим ҳам яқинда "Талоқ китоби" деган китобча ўқидим. Ундан аввал "Мухтасар" деган китобда кўзим тушган эди. Қуръондаям бор. Тарк этолмайман-да, нима қилай?

- Хотинингиз тўғри юрганга аниқ ишонасизми?..

— Ундай дема, ундай дема! У... Энди юракни қон қилма-да сен ҳам.

- Дейман-да, шунча вақтдан бери...

- Мана, сен ҳам юрибсан-ку?

— ...менинг йўригим бошқа. Оллоҳ насиб қилса, ҳаётдан умидим кўп.

- Ишонасанми?

- Бир нарса деёлмайман. Аммо...

- Аҳд-паймон қилганинг бордир?

- Ростини айттайми?

- Айт.

- Айтмайман...

- Майли, айтмаганинг тузук...

* * *

Ўртаниш, иштибоҳу иккиланишлар қуршовида юрганнинг учинчи куни идорасига ён қўшниси Фариди телефон қилди.

- Ока, суюнчини чўзинг!

- Айтинг, суюнчи бермаганам номард.

- Болаларингиз...

- Раҳмат! Қани, уйнинг олдида туришибдими?

Айланай сиздан...

- Бизникида, вой...

- Мағфират-чи?

- Келсангиз кўрасиз.

Болалар алақачон кўчага чиқиб ўйнаб юришган экан. Мақсуда чопиб келиб даласининг бўйнига осилди, ҳеч қўйиб юбормади. Туриб-туриб йиғлаб юборди. У ўзини тўхтатолмас, даласининг бўйнидан ҳам қўлини бўшатмас эди.



— Бўлди, бўлди, эна қизим. Энди ҳеч қаёққа кетмайсан, ҳар куни ўзим ўйнатаман, ҳар куни...

Шундай дея дадаси ҳам йиғлаб юборди. Оёғига келиб мушукдай эркаланаётган ўғлини ҳам сезмади. Кап-катта эркак, дунёда энг зўр одам деб ўйлайдигани дадаси бўлса, буям йиғлаб ётса. Фирдавс ҳам беихтиёр йиғлашга тушди. У биринчи марта дадасининг юзларидан чўлп-чўлп ўпди, юзини ўгириб яна йиғлади.

Фақат Мағфиратгина тусини ўзгартирмади. У бир нафас эрига қараб қолди, кўзидаги ёшни кўриб раҳми келдими ё унинг ҳам йиғлагиси келдими юзини олиб қочди.

— Ширинқул ака, — деди Фариди эшилиб, — қайтадан тўй қиласиз энди, ҳе, одам бўлмай кетинг...

— Майли, майли, буғуноқ тўй. Рашид келса чиқинглар, тўйни бошлаймиз-да.

Болаларининг ранги қорайиб, кийимлари ҳам тўзиб, ранги ўчиб кетган эди. Мағфират ҳам қорайибди. Озибди. Ўзи камқон эди. Овқат кам ерди. Бировники ўзиникидай бўлармиди. Кийимлари ҳам бир аҳволда. Алмаштириб кийишга кўпроқ опкетмаган экан-да. Майли. Муҳими — келди-ку. Харобу хонавайрон бўлиб кетган оила тагин тикланди-ку! Худойимга шукр! Мингларча шукр!

Мағфират ваннага кириб узоқ ювинди. Сўнг болаларини опкириб ювинтирди. Ширинқул уларнинг чиқшини кутиб ўтирмай бозорга зингиллади. Ростдан ҳам бир тўйга етгулик нарса кўтариб келиб уйга ташийверди. Тугаб бораётганига қарамай донаси товукнинг тухумидай келадиган қулупнайлар, тут, янги чиққан зардолюю гилослар, пишган, пишмаган қўй, товук гўштлари, турфа шарбату ичимликлар... Ўзи йигит ҳаётида биринчи марта шундай эриб кетиши чиқар.

У бир талай ҳамқишлоқлари, ишхонаси, бир неча қўшниларини ҳам меҳмонга чақирди. Мағфират ҳам чурқ этмаган бўлса-да, астойдил дастурхон тузаб овқат пиширишидан яқин соатларда ёб-ҳаво ўнглашиб кетишидан умид қилса бўларди. Ишхонасидан Аваз, Машҳура опа, яна уч киши келди. Назира келмади. Келмаганим тузук бўпти. Машҳура опа гап орасида бир-икки марта Ширинқул билан уни сал бўлмаса ошиқ-маъшукқа чиқариб қўяёзди. Аваз бир амаллаб гапни бошқа ёққа буриб вазиятни ўнглаб юборди. Қўшниси Фариди эса тамом Назира билан қизиқиб қолди. "Ҳижобли қиз эмасми?" деб сўради. Иккаласи бирпас шивирлашиб қолишди. Яхшиям шу топда Мағфират ё ошхонада, ё ўғлини ухлатиш билан банд эди. Аваз баланд овозда Ширинқулнинг қўшниси Рашидга қадаҳ сўзини узатиб юборди. Рашид ҳам эл қатори энди бу оилада сира низо, келишмовчиликлар бўлмаслигини, янги келин-куёвлардай тинч-тотув яшашлари ва "ёшлар" қўша қаришини тилади. Ўтириш алла маҳалгача давом этди. Охири Аваз "асал ойи бошланган" шу кунларда ёшларни кўп ҳам безовта қилмаслик зарурлигини уқтириб дастурхонга фотиҳа тортиди.

Мағфират йўлда чарчаб келгани бир сари кел-кетди, дастурхонга уннаб чарчаб, кўзлари киртайиб қолган эди.

— Кел, ўтир, қолганини эртага йиғиштирасан, ҳеч нарса қилмайди, — деди Ширинқул. Қўп ичилган бўлсам у хушёр эди. Мағфиратга қараб негадир безовта бўларди. Мағфират эса ҳамон чурқ этмай идишларни ошхонага тапширди.

— Қўй, бўлди, — деди Ширинқул яна.

Бу сафар Мағфират ўтирди. У бари бир эрига қарамас эди.

— Мени кечир, Мағфират, итлик қилдим.

Хотини бунга жавобан столнинг гардишини тирноқлаб ишқалаб, эрмак қилиб ўтирди.

— Худога минг қатла шукр, кечирганимги бу?

— Нима қилганим?

— Келганинг.

— Ўзингиз бордингиз шекилли...

— Мен, тўғриси, тавба қилиб бордим.

— Миннатчи одамнинг тавбаси қаерга борарди. Бунинг устига оғзингизни каппа очиб талоқ қўйдингиз...

— Бундан чиқди, кечиролмабсан-да. Проста акангнинг уйига сигмагансан,а?

— Миннатдан бошқа гапингиз қомапти ўзи?

— Мен... миннат қилмайман. Тавба қилдим... Қўй, бу гаплар мениям эзади, сениям. Мен билан озроқ ич, хўп де.

Ширинқул ўзини пиёласига тўлдириб, уникага камроқ-камроқ тўрт марта қўйди. Ўпкаси тўлиб кетди. Дунё бир ёруғлашиб, бир қоронгулашди. Яна ёришди. Хотиниям мўлтираб термулди, кўзларини гўмбурлаб ёш қоплади. Хотини қизариб кетган эди. У эрига тик қаради. Эрининг кўзларидан шашқатор ёш қуйилиб кетди. Бу унинг ўтинчи, ялиниб-ёлвориши, тавбаси ва умуман тақдир шу ергача етаклаб олиб келгунча бўлган дардининг кўз ёриши эди.

Мағфират чидаб туролмади.

Келиб эрининг устига ўзини ташлаб баралла хўнграб юборди. Кўзидаги ёшни тўхтатолмас, бурни шўрқиллар эди.

— Бўлди, бўлди, йиғлама. Йиғлайверма дейман, ёш боладайсан-а.

Йигит ўзича шундай дедию, ҳиқиллаб, кўкраги оғриб қолгунча йиғлади. Кўзлар, юзлар, бурунлар қизариб, шишиб кетган эди. Ниҳоят, Ширинқул хотинининг юзидаги ёшни артар экан, ёш болани ўпгандай ўпиб қўйди ва беихтиёр:

— Этагингни тоза тутдингми, Мағфират? — деб сўради.

Мағфират тахтадай қотиб қолди. Сўнг кўзларини юмганча боягидан ҳам баттар бўзлаб юборди. У таёқ еган боладай бор овозини қўйиб юборди ва кучсизгина қўллари билан столни алам билан муштлади.

— Қайтиб олдим, Мағфират. Мен тушундим.

— Шунча ифлос дедингизми мени, шунчаликка боради деб ўйладингизми?

— Кечир мени, ма, пичоқни олиб сўйиб ташла, бўлди, ма!

Шу кеча осмон ҳам йиғлади. Гўё момоқалдироқлар жўрлигида инқиллаб, йўталиб, эҳтимол тўйиб йиғлади. Лекин бу икковлон тун ярмигача йиғига тўймади. Охири кўзларининг ёши куриб битди. Бунга довор савол ҳам, жавоб ҳам хўнг-хўнг билан айтилди. Ниҳоят улар кулишга ўтдилар.

Ширинқул хотинини кучоқлаб кўтариб олди.

Мағфират ҳаётида биринчи марта баданига эрининг қўли текканда индамай, аксинча, ёқтириб, қулиб ётди. Ширинқулнинг бунга сари ғайрати жўшиб, кучини кўрсатди. Ушбу лаҳзанинг тотини тушида ҳам кўрмаган, эртақда ҳам ўқимаган эди. Шу боис эҳтиросга тўла бу фурсатнинг узоқ давом этишини хоҳлашарди.

Ширинқул аёл зотининг бу қадар ширинлигини энди билди. Дунёдаги энг гўзал аёл ўзиники экан!..

* * *

Талабаликдан сўнг ўртоқлари билан араб алифбеси ва намоз ўрганамиз деб бир мулланикига қатнаган эди. Абдулла қори дер эди у кишини. Ҳар икки кунда кечқурун, ишдан сўнг уйига бориб икки соатдан дарс олишарди. Тажвид, муаллими соний ва ундан сўнг ҳафтиякка киришиб кетишди. Ширинқул илгари бундай сабоқ кўрмагани сабабми жудаюм қизиқиб қолди, гўё дунёда жавоби йўқ саволларга исломда жавоблар бор эди. Асосий фарқлар, суннатларни билиб олди. Жамиятда юз берган эркинликлар динга ҳам кўчган эди. Дастлабки рўза тутган кунларини яхши эслайди. Рўзанинг биринчи

куни ҳадеб оғзига сув тўпганиб қолаверган. Ишхонада ҳадеб ташқарига чиқиб келавериш жонига тегиб охири бир куни Абдулла қоридан "бунча тупукни нима қилса бўлади, жуда қийнаб юборди-ку" деб сўради.

Қори роса кулди. "Э, тақсир, э, тақсир" дея ўзини тўхтатолмай куларди.

— Бу яхши, — деди охири. — Демак, иймонга кепсиз, оғиз очилишидан қўрқибсиз. Лекин тупукни ютса рўза бузилмайди, қўрқманг.

Анча-мунча кичик сураларни ёдлаб, намоз ўқишга киришиб кетишти.

Қори уларни беминнат ўқитарди. Ёши улғу бўлмасда, жуда покиза, илмли, тақвоси кучли, юзи нурли киши эди. Динда баъзи оқимлар пайдо бўла бошлагач, йигитлар домлага қатнашга чўчиб қолдилар. Бир муддатдан сўнг мулла қамалди, жиноятчи бўлмаган чоғи, олти ойдан кейин озодликка чиққанини эшитишти. Яна бир оз ўтгач шаҳар четидаги катта бир жоме маҷитга имом-хатиб бўлганини эшитишти. Ширинқул ҳам, дўстлари ҳам хижолат тортиб юришар, шу баҳона қорининг олдига бормаи юришарди. Лекин тақво билан қалбни поклаб турмаса занг босар экан...

Биргина мулло таниши Абдулла қори бўлганидан зиёрат баҳона бозордан бир чопон олиб унинг олдига ўтар бўлди.

Қори худди орада ҳеч нарса бўлмагандек, ҳар куни кўришиб юрадиган қадрдонлардек кучоқ очиб кутиб олди. Ширинқул ишқилиб кечаги ичган ароқларнинг ҳиди билинмасин-да, деган хавотирда эди, шу боис қўл билан кўришиб кўяқолмоқчи эди, аксига олиб қори уни бағрига босди...

Қори у ҳақда сўраб-суриштириб юраркан. Қаерда яшаши, кимга уйлангани, неча боласи борлиги, ниҳоят ишдан кетганини ҳам биларкан. Ширинқулдан қайта ишига тикланганини эшитгач:

— Ҳа, яхши, Оллоҳ иймонли, тақводор бандаларини Ўзи қўллайди, кўрдингизми, тақсир, — деб қувонди. Мулланинг чеҳраси ёришиб, кўзлари ёшлангандай бўлди. Ширинқул бўлса домланинг ўзи ҳақида бу қадар яхши фикрда эканидан жуда уялиб кетди. "Раҳмат, сизнинг дуоингиз остида" деб қўйди каловланиб.

— Шогирдлар унутса ҳам, тақсир, иншооллоҳ, биз унутмаймиз, — деди қори. — Ҳар нечук биздан оз бўлса-да, Оллоҳнинг каломини ўрганиб, иймонга кириб муллабачча бўлиб чиққансизлар. Ишқилиб, бошқа дўстларингиз ҳам тинч-омон ишлаб юришибдими? Уларга ҳам бизнинг дуойи саломимизни етказинг.

Қори "шогирди"дан туҳфа кутмагани учунми, ўрнидан тўриб, кулиб, хайру дуолар қилди. Ширинқул унга чопон кийгизди. Қорининг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Унинг юзи шу қадар тиниқ, оқ ва нурли эдики, шогирди бир муддат термулиб тек қотди. "Одамнинг фариштали дегани шу бўлса керак" деб ўйлади ва шу заҳоти ундан ўрганларига амал қилмай қўйгани учун уялиб кетди. Негадир ўзини намозхондай кўрсатгиси, қорига ёққиси келди. Бари бир ўнғайсизлана-ўнғайсизлана муддаосини айтди. Устози чинакамига хафа бўлди. Худди ўзи айб иш қилгандек қизариб кетди. Афсус билан сўради:

— Гувоҳлар бор эдимиз?

— Кичкиналар...

— Чунон жаҳдингиз чиққандир?

— Ҳа.

— Тақсир, сиз илмли одамсиз. Ҳадисда айтилибдики, жаҳдингиз кўзиса ўтиринг, унда ҳам кўзиса ётинг, деб. Оллоҳ ҳалол қилган нарсаларнинг Ўзи учун энг ёққисиз талоқ экан.

— Биламан...

— Билсангиз, аслида у хотин билан энди сиз бирга яшашга ҳаққингиз йўқ. Аммо диний идорада фатво

бўлими бор. Нима деб тушунтирасиз, билмадим-у, ўшалар бир ажрим чиқариб беришлари мумкин. Камина бундай масалада ҳечам муурожаат қилиб кўрмаганман. Ҳар қалай диний илми мутлоқ одамлар. Эшитишимча, ўттиз минг жарима солиб талоқларни ҳам тўғирлаб беришармиш. Бирор йўлини билишар...

Домла шундай деб худди аразчи боладай терс ўғирлиб олди.

"Ўттиз минг сўм бўлса ҳеч гап эмас экан-ку", деб қўйди Ширинқул йўлга тушгач. Аммо унинг кўнглини бир нарса хижил қилди: домла гўё унинг тақво йўлидан қайтганини сезиб қолгандай эди. "Мана, ҳаётим энди изга тушиб борапти. Тавба қиламан, ҳаммасини бошқатдан бошлайман. Тақводор бўламан ҳам тоза юраман. Парвардигорим, Ўзинг йўл бер!"

Ширинқул Ҳастимомдагилар гувоҳ ҳам сўрашар балки деб ўйлади. Хотинимниям олволай деди-ю, эринди. Аввал бир ишга кўриниб, сўнг уйга келиб дам олмоқчи бўлди. Тушдан кейин уйга келди. Бир пас болаларини ўйнатиб, эркалади. Кўшниса Фарида бор экан, у чиқиб кетгач хотинининг юзларидан чўлп-чўлп ўпди. Диванга таппа ташлаб эрталабгача булк этмай ухлади.

Нонушта қилаётиб Мағфиратга диний идорага бормоқчилигини, кеча домласи билан маслаҳатлашганини, ўша бўлмағур сўзни рад этиб, энди бу ёғига шарый ҳалол бўлиб яшашлигини айтиб хурсанд қилмоқчи бўлди. Мағфират оғир хўрсинди. Ширинқул кийиниб бўлгач унга термулди. Мағфират ҳам бир зум термулиб қолди. Кўзларининг оқи оппоқ, қораси қоп-қора эди. Хотиним бутунлай беғуноҳ, ундан бекорга шубҳаланаман, деди ўзини койиб. Шунан сезгандай Мағфират бошини эгди. Бу билан кифояланмай, негадир эрини кучоқлаб олди, юзларидан кетма-кет ўпди. Эри нимагадир ўнғайсизланди. Мағфират тагин уни қўйиб юбормай турди ва йиғлаб юборди.

Ширинқул бир аҳволда ишга жўнади.

Фатвони бир ёшроқ мулла бераркан. У аввал мижознинг сўзларини бош эгиб тинглаб турди. Сўнг:

— Маст эдингизми? — деб сўради бирдан.

— Унчаликмас...

— Гувоҳлар бор эдимиз?

— Хотиним...

Мулланинг юзи бўғриқди. Ўз навбатида Ширинқул ҳам қора курсида ўтирган айбланувчининг аҳволига тушди.

— Ким айтди сизга бундай ҳолатга фатво ёзиб беради деб?

Мулла бу саволни овозини бир парда кўтариб дўқ оҳангида берди.

— Ўзим эшитган эдим. Штрафиям бор эмиш...

— Қанақа штраф?

Энди мулла ростакамига дўққа ўтди. Кўзларини ўқдай қалади.

Мижоз умидсиз аҳволда шалпайиб қолди.

Мулла эса даст туриб хонадан чиқиб кетди.

Ширинқул тўрдаги мезана, у ерда турган қалин муқаддас китобга қараганча қотиб қолди.

"Бугун ўзи чап ёнимдан турганман шекилли".

Бир илиқ қўл унинг елкасини силагандай бўлди. Ширинқул ялт этиб унга қаради. Бир кексароқ, юзи катта, соқолли киши.

— Ўксиманг, ука. Шогирдлар баъзан шунақа қайсарлик қилишади. Ҳали ҳаётни кўрмаган, тажрибаси йўқ, ҳамма нарса китобимизда ёзилганидай бўлсин деб ўйлашади. Бироқ бу ёқда ўзбекчилик, одамгарчилик, ҳаётнинг турфа сўқмоқлари борлигини инобатга олишмайди.

Ширинқул отадай меҳрибон бу одам қаёқдан пайдо бўлганига ҳайрон қолди. Сўнг елкасидан оғир юк ағдарилгандай енгиллашиб қолди. Ҳалиги одам кўрмаса



ҳам бўлган гапларни сўзлаб бера бошлади. Мулла эса, (ҳойнаҳой ҳожи ота бўлса керак) энгашган кўйи бир қоғозга араб имлосида бир нарсаларни ёза бошлади. Ширинқул, худди у одам бунинг гапларини ёзиб олаётгандек оқизмай-томизмай тўғриси гапириб бера бошлади. Ҳожи ота ёзишдан тўхтади ҳамки, мижоз тўхтамади. У чамаси гишт энгил кўчганига тамом иқроф бўлган эди.

— Отингиз? — деди меҳрибон одам.

Айтди.

— Келин?

Айтди.

Энди муҳр босиш қолган эди.

Иш худди ўйлаганидай, яъни рисоладагидай амалга ошди. Ширинқул белгиланган тартибда жарима тўлади ва бажонидил, кўнгилдан чиқариб "одамгарчилик" ҳам қилди. Ҳожи ота бу "одамгарчилик"ни табассум билан, меҳрибонларча қабул қилди. Узундан-узоқ дуо қилди, оиласини, фарзандларининг мўмин-мусулмон, иймонда собит бўлишларини, кўша қариб, фарзандларининг роҳатини кўриб давру даврон суришларини тилади. "Патта"ни кўлига олиб шитоб билан машинасига қараб юраркан, "одам деган бундай бўпти-да" деб қўйди.

Ишхонага ўзида йўқ хурсанд кириб келди. Аваз унга кабинетини бўшатиб қўйибди. Қабулхонада Назира. Унинг юзидан бир нарсани ўқиш қийин. Ҳар доимгидай ўрнидан туриб "Ассалом" деди. Ширинқул ичкарига кирди, ичкаридан Назирага чой буюрди. Креслога чўкди. Бирам ёқимли, майин эдики бу ўриндик...

— Янгамуллом телефон қилувдилар. Негадир менинг исмимни сўрадилар... Сиз соткангизни ўчириб қўйибсиз.

— Э, парво қилма. Мана буни қара, — дея у чўнтагидан тўрт букланган фатво қоғозини чиқарди. — Нималигини биласанми? Айтмоқчи, арабча ўқий оласан-ку.

Назира уни кўлига олди. Тезда қайтарди-да:

— Фатво экан, яхши бўпти, — дея бурилиб чиқиб кетди.

Ширинқул унинг орқасидан қабулхонага чиқди. Назира очикчасига тумшайиб олган эди.

— Хоҳласанг, — деди Ширинқул ва гапини давом эттирмай ўйланиб қолди.

— Бу ерга Машҳура опа ўтқаздимми? — деди бирдан.

Назира индамай тураверди.

— Хоҳласанг, — деди яна Ширинқул унга, — бирор жойдан квартира топиб сенга шароит қилиб бераман.

— Гуля касал экан, Аваз ака шу ерда ўтириб тур деб айтоптилар, — деди Назира зўрға овози чиқиб.

Бошлиқ нега бундай деяпти деган мисол унга ҳайрон қаради. Сўнг қизнинг аввалги саволга жавоб бераётганини паришон бўлиб эслади.

— Тўғри қипти, — деди.

Негадир шу топда юраги гумуриб кетди. "Энди ҳеч хато қилмайман, тоза юраман" деб ўзига қасам ичди. Кабинетига ўтиб уйига қўнғироқ қилиб Мағфиратдан суюнчи олмоқчи бўлди. Ҳеч ким телефонни кўтармади. Бир ёққа чиқишгандир-да деб чой хўплашга тутинди.

Идорадан чиқишдан олдин уйига тагин қўнғироқ қилди. Қизи олди. Энди ширин қизим, асал қизим, нима обораи, деб эркаламоқчи эди, у: "Дада, тезроқ келинг, ойим турмаяпти", деди. "Ухлаяптими?" — деди у қўнғилига алағдалик тушиб. "Турмаяпти, Фирдавс йиғлаяпти", деди қизи ва ҳиқиллашга тушди. "Ҳозир бораман, қизим", дея шошиб гўшакни қўйди. Негадир бўгинлари бўшашиб кетди. Ичидан муздай бир нарса сирғалиб товонигача тушди. Шол бўлиб қолмадимми деб оёқларини кимирлатди: ишлаяпти. Лекин увишгандек.

— Назира, — деди титроқ товушда.

Қиз эшикдан мўралади.

— Телевизор, чойнак-пойнакларни тоқдан суғуриб қўй, мен кетдим.

Назира ҳайрон бўлди.

— Ўчирилган-ку ҳаммаси.

Лекин бошлиқ бунга аҳамият бермади. Кун асрга оғиб, болалар "дом"нинг соясида шовқин солиб ўйнашарди. Ширинқул жонсиз оёқлари билан учинчи қаватга ҳарсиллаб чиқди.

Мағфират чалқанчасига сочи тўзғиб ётар, Фирдавс уни юлқилайвериш, йиғлайвериш, охири чарчаб, онасининг кўкрагига бошини қўйганча ухлаб ётарди. Қизи бўлса эшик кесақисига суянган кўйи пиқиллаб йиғларди.

Ширинқул шитоб билан бориб хотиннинг юзини ушлади: совуқ. Кўкрагига қулоғини тутди: юрак урмаяпти. Кўзларини йириб очиб кўрди: бемаъно. Оёқ қўли энди чинакамига ишламай қолди. Ўтирган кўйи хотинига тикилиб қолди. Бўйнида чойшаб. Бир учи карнизга боғланган, карнизнинг бир томони юлиниб тушган. "Увв" деб юзини чангаллади. Сўнг туйқус "Э, Худо!" деб бақариб юборди. Қанча изиллагани билан кўзига ёш келмасди. Фирдавс уйғониб йиғлай бошлади. Унинг оёғи остида, Мағфиратнинг ўнг қўли ёнида бир қоғоз ётарди. Ширинқул қоғозга дарров қўл чўздию, уни ўқишга ботинмади. Кўз қири билан: "Назира", "Фарида" деган исмларга қаради. Сўнграғида: "Дунё шундоқ турурми?!" дейилган, бариси шундай аён ва қўндай зулматли эди.

Беҳолгина қоғозни турт буклади ва беҳолгина кўкрак чўнтагига тиқмоқчи бўлди. Ҳадеганда киравермади. Бу чўнтагида тўрт букланган тагин бир қоғоз бор эди: иккови бир жойга сифмади...




*Ҳасан НОРМУРОДОВ,
"Нуроний" жамғармаси
Самарқанд вилоят бўлими раиси.*



МАРВАРИД ШАҲАР

Самарқанд шаҳри қутлуғ шодиёналар арафасида турибди. Шу заминда яшайдиган ҳар бир киши юртимиз мустақиллигининг 16 йиллигини ва Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини муносиб қутиб олиш учун катта тайёргарлик кўрмоқда. Мустақиллик шарофати, қолаверса, Юртбошимизнинг катта ғамхўрлиги натижасида қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳримиз таниб бўлмас даражада гўзаллашиб бормоқда. Маъмурий бинолар, кенг ва равон йўллар, улкан спорт иншоотлари, таъмирланаётган тарихий обидалар, янги таълим муассалари Самарқанд чиройига чирой қўшиб кўзларни қувонтирмоқда.

Самарқанд шаҳри тарихи қадим-қадим замонларга бориб тақалиши ҳақида қўплаб этнографик, археологик манбаалар мавжуд. Тарихий манбаларда Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насомийнинг "Ал-қандфий зикри уламои Самарқанд", "Китоб ал-қанд тарихи Самарқанд" номли асарларида Самарқанд араблар босқинига қалар ҳам қарийб 2,5 ярим йиллик тарихга эга эканлиги ҳақида ёзади. Агар араблар Самарқандни ва бутун Моворауннахрни босиб олганлигини ҳисобга олсак, ҳозиргача 1291 йил бўлганлиги, ундан олдинги 2500 йилни қўшсак, Самарқанд 3791 йиллик тарихга эга эканлиги маълум бўлади.





Самарқанд шаҳрининг қадимийлигини исботлайдиган ва ундан кейин пайдо бўлган шаҳарга яқин қадамжолар шаҳар қўрғонлари бор. Ҳазрат Довуд қўрғони (эр.аввал. VIII аср) Самарқандимизнинг энг қадимий тарихга эга шаҳар эканлигидан далолат беради.

Самарқанд қадим-қадимдан кўли гул усталарию, нозик дидли ҳунармандлари билан жаҳонга машҳур. Маҳобатли иншоотлар, ҳарир рангоранг матолар, нозик заргарлик буюмлари эса доврўғи етти иқлимга таралган.

Қадимий обидаларимиз осори-атиқаларимиз таъмирланаётганлиги, бир қанча ишлар амалга оширилаётганлиги оммавий-ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда. Шу боис сўзни янги қурилаётган бинолардан бошласам. Шаҳарнинг асосий кўчалари, кўчалар бўйида жойлашган барча бино ва иншоотлар қайта таъмирланаяпти. Темир йўл деҳқон бозори худудида қайта қуриш, ободонлаштириш ишлари бормоқда. "Дамариқ" деҳқон бозори собиқ уй-жой комбинатига кўчирилди. "Регистон" кўчасида жойлашган собиқ "Зарафшон" корхонаси тўлалигича кўчирилиб, у ерда хиёбон қурилиши якунланмоқда. Шунингдек, Университет хиёбонида тубдан таъмирлаш ишлари амалга ошириляпти. Фавворалар қурилди. Мирзо Улугбек кўчасида "УзДЭУ" автомобилларига техник хизмат кўрсатиш мажмуи, Сиёб деҳқон бозорида уч қаватли "Шодиёна" савдо мажмуи қуриб топширилди. Ушбу кўчада шунингдек, "Бахт уйи", мусиқа ва санъат коллежи ҳамда 830 ўринли концерт зали қурилиши кетмоқда. Юбилей нашрларини тайёрлаш юзасидан ҳам салмоқли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, "Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги" китоб-альбоми, "Мустақиллик", "Самарқанд: кеча, бугун, эртага", "Самарқанд ҳақида ривоятлар" китоблари, "Регистон мажмуаси", "Шоҳи Зинда мажмуаси", "Амир Темур мақбараси", "Биби хоним ансамбли", "Самарқанд тўғрисида давлат ва жамоат арбоблари, буюк инсонларнинг хотира ва таассуротлари" буклетлари чоп этишга шай турибди. Бу нашрлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилади.


Албатта, киночилар ҳам бу тантананага ўз ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, Чоршаъм Рўзиевнинг юбилейига бағишланган "Самарқанднинг ноёб дурдоналари", "Регистон", "Устун" номли ҳужжатли фильмлари суратга олинди.

"LONA" студиясининг тажрибали режиссёри, Давлат мукофоти совриндори Шухрат Маҳмудов томонидан "Самарқанд афсоналари" номли туркум ҳужжатли фильмлар суратга олинапти. "Ўзбеккино" агентлиги режиссёри Жасур Исоқов юбилейга бағишланган туркум ҳужжатли фильмларнинг дастлабки лавҳаларини тайёрлади. "Ўзбекфильм", "Ўзбектелефильм" студиялари ходимларига музей-қўриқхона объектларида Самарқанд тарихи ҳақида ҳужжатли фильмлар туширишга амалий ёрдам кўрсатилди.

Сайёҳлик соҳасида эса шаҳримизда лицензияга эга бўлган 78 фирма фаолият кўрсатмоқда. Бир йўла 3 мингдан зиёд сайёҳларни қабул қилиш имконига эга бўлган тўртта йирик ва қирқдан ортиқ кичик хусусий меҳмонхоналар мавжуд. Юбилейга тайёргарлик жараёнида яна 200 ўринли олтита меҳмонхона ишга туширилди. Яна 30 тадан ортиқ меҳмонхона қуриб, фойдаланишга топшириляпти.

Жорий йилда сайёҳлар сонини кўпайтириш мақсадида "Ўзбек миллий таомлари ва Шарқ ширинликлари" фестивали, "Самарқанд ҳунармандлари асарлари" кўрғазмаси, "Самарқанд нонлари" кўрик-танловини ўтказиш кўзда тутилган. Минтақавий бўлим томонидан Жаҳон банки ва ЮНЕСКО билан ҳамкорликда сайёҳлар учун вилоятдаги тарихий, маданий-маънавий ёдгорликлар, ҳунармандлар, меҳмонхона ва ресторанлар, шунингдек, туристик маршрутлар ҳақида ахборот берувчи гид-йўлбошловчи китобчаси тайёр ҳолга келди.

Кўҳна ва навқирон Самарқанднинг қутлуғ тўйи арафасида турарканмиз, юртимиз бундан-да гуллаб яшнашини, обод ва маъмур бўлишини Яратгандан тилаймиз. Тинчлик, фаровонлик, омонлик ҳар бир юртдошимизга ҳамроҳ бўлсин.



ЭСКИ ШАҲАРНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Мустақиллик йилларида Самарқанднинг эски шаҳар худуди таниб бўлмас даражада ўзгарди. Тарихий обидалар атрофидаги кўплаб кўримсиз бинолар ўрнида боғу роғлар, гулу гулзорларнинг барпо этилиши мозийдан сўйловчи осори-атиқалар уйғунлигини таъминлади. Темурийлар мангу кўним топган Гўри Амир мақбараси яқинида жойлашган ароқ заводи ўрнида бугун тўрт гектарга яқин майдонни эгаллаган катта боғ-ҳиёбон ташкил қилинди.

Шарафли ўтмиш, аждодлар ақл-заковати ҳақида ширин ўй суришга ундовчи мадраса ва мақбаралар атрофидаги кўкаламлаштирилган майдончалар, шинам йўлақлар, гулзорлар, тартиб билан экилган игна баргли дарахтларга қараб кишининг дили яйрайди. Кундузи фавворалар, тунда эса замонавий ёриткичлар Регистон чиройига-чирой, файзу тароват бахш этади. Регистондан Шоҳи Зинда меъморий ёдгорлиги ва Мотуридий зиёратгоҳигача бўлган масофаларда ҳам айнан шундай ўзгаришлар кўзга ташланади. Регистон, Гўри Амир мақбараси, Мотуридий зиёратгоҳи, Жомъе масжиди, Бибиҳоним ва Шоҳи Зинда ёдгорликлари билан Улугбек расадхонасини туташтирувчи равон йўл қурилди. Бу зиёратчилар ва хорижий сайёҳлар учун катта қулайлик яратиш баробарида Самарқанд туризмнинг ривожига ҳам муҳим ўрин тутади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасидаги мақбаралар тубдан таъмирланди. Республиканинг энг тажрибали усталари иштирок этган таъмирлаш ишларига 2 миллиард 800 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Мажмуа ёнидаги



катта йўл тўлиқ қайта барпо этилди. Каттаю кичикнинг сеvimли ҳордиқ маскани ҳисобланган марказий маданият ва истироҳат боғининг қайта бунёд этилиши эса шаҳар кўркига кўрк қўшди. Алишер Навоий номи билан юритилаётган истироҳат боғида замонавий аттракцион ўрнатилди.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанднинг 2750 йиллик тўйи муносабати билан шаҳарнинг ўзида уч юздан ортиқ янги иншоотлар

қурилиши режалаштирилган эди. Уларнинг аксарияти фойдаланишга топширилди. "Панорама", "Мадина", "Шаҳризода" хусусий меҳмонхоналари, "Астория" ресторани, "ЎздЭУ" автосалони каби иншоотлар шулар жумласидандир. Бугунги кунда мазкур иншоотлар хизматидан, хусусан Нарпай кўчасидаги 1200 дан ортиқ савдо ўрнига эга "Дамариқ" деҳқон бозорида яратилган шарт-шароитлардан аҳоли мамнун. Бозорда сотувчи ва харидорлар учун барча қулай шарт-шароитлар яратилган.

Бир-биридан гўзал, муҳташам замонавий иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши Самарқанднинг ҳар бир маҳаллаю гузарига қутлуг тўйга тўёна сифатида қабул қилинмоқда. Ана шу эзгу ҳаракатлар, кенг кўламдаги қурилиш ва ободончилик мўъжизакор осори-атиқаларга монанд Самарқанднинг янги қиёфасини кашф этапти.

*Одил САРМОНОВ,
журналист.*





КУЧУЧИ ОТА

Абтобус булан борсин,
 Узе Калай кеч деген,
 Мага, калагын борсин,
 Ким дейди эсин эсен,
 Бу кучуналар кучуга,
 — Чарчиди даражени,
 Нукта Куп утуга,
 Бугезе Калы жонни,
 Бу оеклай турди,
 Шона Купар мешкден
 Икереге курди,
 Бу замалай эшкден
 Текшурбучи дуклайди,
 Кимнинг бор-дук атамаси,
 Зуре Калы мухмайди,
 Ва нухрам бичамаси
 Ламай буор кучини,
 Нечамаси мулай умар,
 Абтобус келушени,
 Бектев роса кумар,
 Даш шарт уа-буни хам,
 Хотин уйде кумар нект,
 Тузди иш кучи хам,
 Баккуз совет умди бакт,
 Абтобус, тиклашени,
 Улай сура хормайди,
 Кумай кеч буашени,
 Кучи шез дормайди,

ИШАН КЕТИШ

(Давоми. Бош утган сонда)

— Ялангиз дорларга келайди,
 Кунерок килай мувалым.

Ният укшеза курш,
 Бу чикмас мушезега,
 Кумар иур учиб кетар,
 Ганнинг кучезега,
 — Куча буайди Кунерок,
 Гаи дук бизнинг пажеза,
 Тест жабуди ман-мавер
 Хар кандейин хам фанеза,
 Гуа керакмас деманга-да,
 Мангайди улуларга,
 Умай кие докмайди,
 Чунгази кукукларга,
 Хужжамарни топшуд,
 Ким оайд месден хам,
 Намженин баушайк
 Чикиб Копте всден хам,
 Хурсанд Калы дораси,
 Лешнаседан унди:
 — Буни Каранга, аяси,
 Учи талва буапти.

ТАЛАБА ОТА


— Малай, Кувберинг, — дер ома,
 Киб буармачи олам?
 — Акун талмакда чорак, эхир,
 Куринмайди Кораси хамон,
 — Менга Каранга, — дук Кумар ома,
 — Вахари буамасин ёмон,
 — Врта-индин мактаб мугайди,
 Губохлама керакми, эхир,
 — Кича керек, нектини айтинг,
 Дай дорар хайдобчим, Тохир!

— Малай, Кувберинг, — дер ома,
 Киб буармачи олам?
 — Акун талмакда чорак, эхир,
 Куринмайди Кораси хамон,
 — Менга Каранга, — дук Кумар ома,
 — Вахари буамасин ёмон,
 — Врта-индин мактаб мугайди,
 Губохлама керакми, эхир,
 — Кича керек, нектини айтинг,
 Дай дорар хайдобчим, Тохир!
 Талпин Килдик ишени хам,
 Таншлар бор, Куча узун,
 Ез Килайди Кучини хам,
 Давом тавёр — чунмакда,
 Хеч бакко дук калайди,
 Хозир хамма ган асаи,
 Калайдемас, салайди,
 Мухжиза юз берган дук,
 У мушурди Кучи Кобун,
 Кунерокарлар буи мурузач,
 Буай оайд тез мобун,
 Иштасени очуаган,
 Бошайк буай оамокчи,
 Имасининг доруде
 Даброн сурад Калайди,
 Чиксин, малай, осмонга,
 Буяччени дорудр-ай,
 Тердверсини мошини,
 Кучаи калта, тораар-ай,
 Кресасени бакубам,
 Омон буасини омавар,
 Кучаиб мурузач уелани,
 Кайде дорасиз хатмар.

ТАРОЗНИНГ ИККИ ПАМАСИ

Абдуразақ ОБРҮИ





MUASSISLAR:

*O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,
«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati*

Jamoatchilik kengashi raisi:

Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:

Gulruh A'ZAMOVA
Abulqosim MAMARASULOV
Ahmad OTABOYEV
Nurmat OTABEKOV
Minhojiddin MIRZO
Shunqor XUDOYBERDIEV
Ahmad USMONOV

Bosh muharrir

Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari

Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib

Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Odil YOQUBOV
Abduqayum YO'LDOSHEV
Abdusaid KO'CHIMOV
Sirojiddin SAYYID
Rustam MUSURMON
O'rozboy ABDURAHMONOV
G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yildan chiqqan boshlagan.

© "Yoshlik" № 3 (214) 2007 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

MUNDARIJA

MUHARRIR MINBARI

Aziz, tuproq so'zi 1

NAZM

Yo'ldosh ESHBEK. Nozbo'ylarning soqollari 2
Luftulla QANDAIAROV. Kulishlaring bahorday ko'rkam 4
Abdug'ani SULAYMON. Samarqand 4
Muhiddin OMON. Karvoniga berding Sarbon, Samarqand 6
Zarina RAHMONOVA. Allaqachon kechirdim seni 15
O'ktam MIRZAYOR. Yelkadoshim, saflarda bor bo'l 18
Xoliquazar OLISIL. Bir kuylab dunyoni quchgim keladi 19
Oygul UBAYDULLO qizi. To'kilayotgan yuproqlar 23
Nurullo OSTONOV. Qalbimda tug'yonlar sudosi tinmas 35

IETIXOR

Normurod NURALIYEV. Zarmitan oltin koni 5

YOSHLAR VA BIZ

Azamat PARDAYEV. Hammamizga tatigulik bayram 3

SAMARQAND SHAHRINING 2750 YILLIGIGA

Qo'ziboy MAMARAIMOV. Samarqandda Amir Temur davrida fan va madaniy taraqqiyot 7

NASR

Hulkar TO'YMANOVA. Ikki hikoya 8
Qilichbek MUSTAFO. Xalaskor qog'o'zlar 16
Nuriddin ISMOILOV. Meni kechir, Ra'no 20
Sobir O'NAR. Dunyo shundoq tururmi? 39

XOTIRA

Ulug'bek JUMAYEV. Yorug' iztiroblar kuychisi 24

TARIX

Shermuhammad ERNAZAROV. Afrosiyob — So'g'diyona markazi 26

MUSHOIRA

Samarqandning nafis navolari 28

DAVLAT MUKOFOTIGA NOMZODLAR

Men hech kim emasman, o'zimdanda bo'lak. Shoir Azim SUYUN bilan suhbat 30

SUHBAT

Ezgulikning mevasi shirin 34

QUTLOV

Abdug'affur RASULOV. «O'qish olam haqida emas, olamning ichida turib fikrlashdir» 37
Hasan NORMURODOV. Marvarid shahar 60

YUBILEY

Odil SARMONOV. Eski shaharning yangi qiyofasi 62

YELPUG'ICH

Abdurazzoq OBRO'Y. Tarozining ikki pallasi 63

Muqovalarimizda

1-betda: *Samarqand kecha va bugun.*

2-betda: *«Sharq taronalari».*

3-betda: *Taniqli adib Asad DILMUROD.*

4-betda: *San'atkor Shahnoza MAMADALIYEVA.*

Manzili: Toshkent shahri, O'zbekiston ko'chasi, 16A-uy.

Telefon: 393-08-23, **E-mail:** yoshlik-xatlar@rambler.ru

Bosishga 11. 07. 2007 yilda ruxsat berildi.

Qog'oz formati 60x84 1F8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0.

Indeks 822 ISSN 0207-9137

Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan 053 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi» deb izohlanishi shart.

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi bosmaxonasida chop etildi.

Buyurtma № 97

Manzil: Toshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi, 33-uy.